

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

**“АРХИТЕКТУРА”, “ҚИШЛОҚ ҲУДУДЛАРИНИ  
АРХИТЕКТУРА-ЛОЙИҲАВИЙ ТАШКИЛ ЭТИШ”  
ЙЎНАЛИШИ**

**“ШАҲАР ВА ТУМАНЛАРНИНГ ТАРХИЙ  
ТАРКИБИ”**  
**модули бўйича**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Тошкент – 2018

## **Архитектура**

**Мазкур ўқув-услубий мажмua Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2018 иил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчиilar:** ТАҚИ, арх.ф.н., доц., М.Умаров. ТАҚИ, асс.Умарова М.

**Тақризчи:** ТАҚИ, архитектура ф.д.проф.Ахмедов М.Қ

**Ўқув -услубий мажмua Тошкент архитектура қурилиши институти Кенгашининг 2018 иил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

**МУНДАРИЖА**

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....	10
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....	15
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	107
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	117
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	129
VII. ГЛОССАРИЙ .....	132
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	135
IX. ИЛОВА .....	136

**Кириш**

Ишчи дастур «Шаҳар ва туманларнинг тархий таркиби» модули ўқув дастури асосида яратилган бўлиб, унда назарий машғулотларни ташкил қилиш бўйича барча таълим йўналишлари учун таълим технологиялари, савол-жавоблар, назорат топшириқлари жамланган.

Шаҳар ва туманларнинг тархий таркиби модули шаҳарсозлик фаолиятининг бир тармоғи сифатида ва комплекс лойиҳавий фан бўлиб, турли хил иқтисодий, шаҳарсозлик, техник, ижтимоий ва экологик масалаларни ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

Якка тартибда амалга оширилаётган турар жой қурилишининг ривожланиши, қишлоқ инфратузилмасининг яхшиланганлиги, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг И.А.Каримов 2005 йил 30 август “Шаҳар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режалари амалга ошириш жараёнларини такомиллаштириш тўғрисида” қарори талаблари ва 2009 йил “Қишлоқ хўжаликни ривожланиш ва фаровонлик” йили деб эълон қилиниши, ҳамда Шаҳарсозлик кодексини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ аҳоли пунктларини шаҳарсозлик хужжатлари билан имкон қадар қисқа муддатларда ва кам ҳаражатлар эвазига таъминлаш мақсадида қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудининг архитектура-режавий ташкиллаштириш (ҲМРТ) бўйича комплекс лойиҳа ишлаб чиқишига ўтиш зарур деб ҳисоблаймиз. Бунда барча қишлоқ аҳоли пунктларининг схематик бош режалари ишлаб чиқилади, ер ресурслари, турар жой фонди, ижтимоий ва муҳандислик инфратузилмаларидан оқилона тарзда фойдаланиш масалалари ҳал қилинади.

Шаҳар ва туманларнинг тархий таркиби лойиҳаси – ҳар бир аҳоли пунктини ривожланиш истиқболининг ҳал қилиниши асоси ҳисобланган комплекс шаҳарсозлик хужжатидир. Бу лойиҳа қишлоқ фуқароларини йиғини ёки қишлоқ хўжалик тасодифий, ижтимоий – иқтисодий зарурати тасдиқланмаган объектларга йўл қўймайди. Қишлоқ аҳоли пунктларининг ривожланишига асос бўлувчи шаҳарсозлик хужжат бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг қишлоқларини кўп йиллик режаси бўлиб хизмат қиласи. Қишлоқларда ишлаб чиқариш кучларини, аҳоли жойлашувини ва ижтимоий-маданий соҳани жойлаштиришда режалаштириш омилиниң роли тобора ортиб бормоқда.

Ишчи дастурнинг мазмуни тингловчиларни **“Шаҳар ва туманларнинг тархий таркиби”** модулидаги назарий методологик муаммолар, чет эл тажрибаси ва унинг мазмуни, тузилиши, ўзига хос хусусиятлари, илғор ғоялар ва маҳсус фанлар доирасидаги билимлар ҳамда долзарб масалаларни ечишнинг замонавий усуллари билан таништиришдан иборат.

**Шаҳар ва туманларнинг тархий таркиби**  
**Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“Шаҳар ва туманларнинг тархий таркиби” модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини архитектура ва қурилиш соҳасидаги инновацияларга доир билимларини такомиллаштириш, инновацион технологияларни ўзлаштириш, жорий этиш, таълим амалиётида қўллаш ва яратиш бўйича кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

**“Шаҳар ва туманларнинг тархий таркиби” модулининг вазифалари:**

Шаҳарсозликда шаҳар, туман ва қишлоқ тархий таркибида меъёрий хужжатлар тизимидағи, лойихалавий ташкилий технологик тайёрлаш тизимидағи, инновациялар ва долзарб муаммолар мазмунини ўрганишга йўналтириш;

Қурилишнинг ривожланиши, қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш ва бундан барча қишлоқ аҳоли пунктларининг схематик бош режалари ишлаб чиқилади, ер ресурслари, тураг жой фонди, ижтимоий ва муҳандислик инфратузилмалардан оқилона тарзда фойдаланиш масалалари ёритилади.

Тингловчиларда архитектура ва қурилиш соҳасидаги инновацияларнинг илғор технологияларига доир олган янги билимларини ўз фанларини ўқитишида ўринли ишлата олиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат.

**Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Шаҳар ва туманларнинг тархий таркиби” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

**Тингловчи:**

- архитектура ва қурилиш соҳасидаги сўнгги ютуқлар, меъёрлар тизимини;
- қурилиш меъёр ва қоидаларига киритилган ўзгартиришлар;
- архитектура ва қурилиш соҳасидаги фанларни ўқитищдаги илғор хорижий тажрибалар;
- шаҳар ва қишлоқ фуқоролари йигинлари ривожланишини ижтимоий иқтисодий;
- архитектура ва шаҳарсозлик соҳасидаги долзарб **билимларга** эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

- шаҳар ва қишлоқлар ҳудудларини архитектура-loyihaviy ташкил этиш тузилмасида маданий-маиший хизмат кўрсатиш тизими;
- шаҳар ва қишлоқлар ҳудудларида аҳоли яшаш жойлари жамоат маркази, ишлаб чиқариш ва тураг жой қисмларини муфассал режалаштириш;
- Ўзбекистон Республикасининг шаҳар ва қишлоқ тархий таркибини архитектура соҳасидаги меъёрий хужжатлар тизимидағи ўзгаришларни амалиётга татбиқ эта олиш;
- шаҳар ва қишлоқ бош тарх билан таъминлашда замонавий энергия тежамкор йўналишларини амалиётда қўллай олиш;

## **Архитектура**

- шаҳар ва туманларнинг тархий таркибида реконструкцияси шаҳар типидаги қишлоқлар (ПГТ) қайта қуриш вазифалари;
- шаҳар ва қишлоқлар худудларни архитектура-лойиҳавий ташкил этиш тузилмаси, функционал қисмлари ва тархий таркиби;
- шаҳар ва қишлоқлар худудларни архитектура-лойиҳавий ташкил этиш тузилмасида тархий ва маданий ёдгорликларни сақлаш **кўникмаларини** эгаллаши зарур.

## **Тингловчи:**

- “Шаҳар ва шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктлариниг бош режаларини амалга ошириш жараёнларини такомиллаштириш тӯғрисида;
- Шаҳар ва қишлоқлар худудларни, муқобил энергия фаол биноларни лойиҳалаш, конструктив ечимларини танлаш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

## **Тингловчи:**

- шаҳар ва қишлоқ бош тарх билан таъминлашда замонавий энергия тежамкор йўналишларини амалиётда қўллаш;
- шаҳар ва қишлоқлар худудларида аҳоли яшаш жойлари жамоат маркази, ишлаб чиқариш ва турар жой қисмларини муфассал режалаштириш **компетенцияларни** эгаллаши лозим.

## **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Шаҳар ва туманларнинг тархий таркиби” модулини ўқитиши жараёнида қуидаги инновацион таълим шакллари ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- замонавий ахборот технологиялари ёрдамида интерфаол маъruzаларни ташкил этиш;
- виртуал амалий машғулотлар жараёнида лойиҳа ва кейс технологияларини қўллаш назарда тутилади.

## **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Шаҳар ва туманларнинг тархий таркиби” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Янги архитектура: Чет эл, МДХ ва Ўзбекистон”, ва “Шаҳарсозлик инновациялари” ва бошқа блок фанлари билан узвий боғланган ҳолда уларнинг илмий-назарий, амалий асосларини очиб беришга хизмат қиласди.

## **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модул олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг қурилиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар тизимидали, Шаҳарсозликни ташкилий технологик тайёрлаш тизимидали, Шаҳар ва туманлар биноларни лойиҳалашда соҳасидаги инновациялар бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар архитектура ва шаҳарсозлик соҳасидаги инновацияларни ўзлаштириш, жорий этиш ва амалиётда қўллашга доир проектив, креатив ва технологик касбий компетентликка эга бўладилар.

Шаҳар ва туманларнинг тархий таркиби  
Модул бўйича соатлар тақсимоти

Модул мавзулари		Тингловчининг ўқув юкламаси, соат						Мустакил тальим	
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			Жумладан			
			Жами	Назарий	Амалий	Кўчма машгулот			
1.	Шаҳарсозликда шаҳар, туман қишлоқ тархий таркибининг замонавий холати.	2	2	2					
2.	Шаҳарсозликда шаҳар, туман ва қишлоқларнинг тоифаланиш тамойиллари.	4	2		2			2	
3.	Худудий-иерархик тизимининг тақсимланиши шаклланниши.	4	4	2			2		
4.	Тизимни ташкил этувчи марказларнинг турли иерархик даражада ривожиланиши.	2	2		2				
5.	Шаҳар ва қишлоқ фуқоролари йигинлари ривожланишини ижтимоий - иқтисодий ўналиши ва лойиҳаси.	2	2	2					
6.	Қишлоқ фуқоролар йиғинлари худудларини замонавий тизимининг кўриниши.	2	2		2				
7.	Қишлоқ аҳоли пунктларининг функционал тизимли элементларининг меъморий лойиҳавий ташкил этилиши: функционал худудлар, тураржой худудлари, ишлаб чиқариш.	4	4	2			2		
8.	Тошкент вилояти, юқори чирчик тумани, “Барданкўл” қишлоқ фуқоролар йиғини лойиҳаси.	4	2		2			2	
9.	Қишлоқ аҳоли пунктларини функционал – тизимли элементларнинг меъморий-loyiҳavий ташкил этилиши.	2	2	2					
10.	Қишлоқ бош тархини ишлаш.	2	2		2				
11.	Янги иш жойларини ташкиллаштириш ва ишлаб чиқариш худудини шаклланниши.	2	2		2				
<b>Жами</b>		<b>30</b>	<b>26</b>	<b>10</b>	<b>12</b>	<b>4</b>	<b>4</b>		

### **НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

#### **1-мавзу: Шаҳарсозликда шаҳар, туман қишлоқ тархий таркибининг замонавий холати.**

Кириш. Ўзбекистон шаҳар, туман ва қишлоқларнинг шаҳарсозлик соҳасидаги нормалаштириш тизимининг асосий вазифалари. Шахасозлик норматив ҳужжатларни билан таъминланганлиги.

**2-мавзу: Ҳудудий-иерархик тизимининг тақсимланиши шаклланниши.**

Аҳоли пунктларини ижтимоий-иқтисодий интеграцияси. Тизимнинг ташкил этувчи марказларнинг турли иерархик даржада ривожланиши. Маҳаллий тақсислаш тизимнинг тизими - лойиҳаланиши. Қишлоқ фуқоролар йигини - маҳаллий тақсимлаш тизимининг ўрни.

**3- мавзу: Шаҳар ва қишлоқ фуқоролари йигинлари ривожланишини ижтимоий - иқтисодий йўналиши ва лойиҳаси.**

Ташкил этилган жойлашишнинг умумий тавсифи. Қишлоқ худудларини тақсимланишини алоҳида аҳамиятга эгалиги. Қишлоқ фуқоролари йигинлари худудларини замонавий посёлкали тизим кўриниши. Агро-саноат интеграциясини қишлоқ худудида ва унинг ишлаб чиқариш базасини мустахкамланишида урбанизация омили сифатида.

**4- мавзу: Қишлоқ аҳоли пунктларининг функционал тизимли элементларининг меъморий лойиҳавий ташкил этилиши: функционал худудлар, турар-жой худудлари, ишлаб чиқариш.**

Қишлоқ аҳоли пунктларини режалаштириш мажмуасининг зарурияти. Ишлаб чиқариш базасининг худудий ташкил этиши. Ички хўжалик тақсимланишнинг шаклланиши. Турар-жой қурилишнинг ривожланиши.

**5-мавзу: Қишлоқ аҳоли пунктларини функционал – тизимли элементларнинг меъморий-loyiҳavий ташкил этилиши.**

Функционал худудларга тақсимлаш ва функционал худудларни лойиҳавий ташкил этилишнинг алоҳида аҳамияти. Турар - жой худудларини меъморий-loyiҳavий ташкил этиш. Жамоат марказини ва хизмат кўрсатиш тизимининг шаклланишини ташкил этиш. Ишлаб чиқариш объектларининг қишлоқ аҳоли пунктлари тизими.

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-амалий машғулот: Шаҳарсозликда шаҳар, туман ва қишлоқларнинг тоифаланиш тамоиллари.**

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши объектларининг ер қурилиши лойиҳаси ва қишлоқ хўжалик корхонасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнози билан уйғунлаштирилган ҳолдаги истиқболдаги тараққиётини, ушбу объектлар асосларининг жойлаштирилиши ва режалаштирилишини белгилаш.

**2-амалий машғулот: Тизимни ташкил этувчи марказларнинг турли иерархик даражада ривожиланиши.**

Хўжалик ичida қарор топган жойлашувнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг худудий ташкил этилиши билан уйғунлаштирилган ҳолдаги реконструкцияси.

**3-амалий машғулот: Қишлоқ фуқоролар йиғинлари худудларини замонавий тизимининг кўриниши.**

Қишлоқ аҳоли пунктларининг асосий дастлабки маълумотларини чукур тахлил қилишдан иборат.

**4-амалий машғулот: Тошкент вилояти, юқори чирчиқ тумани, “Барданқўл” қишлоқ фуқоролар йиғини лойиҳаси.**

Замонавий холатини ўрганиш ва лойиҳавий таклиф тайёрлаш.

**5-амалий машғулот: Қишлоқ бош тархини ишлаш.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 4 декабр 2010 йилги №286 қарори асосида. Ҳудудий меъморий-режавий ташкиллаштириш лойиҳасида бош режа лойиҳа схемасини ишлаш ва I навбатдаги қурилиш ҳакида маълумот.

**6-амалий машғулот: Янги иш жойларини ташкиллаштириш ва ишлаб чиқариш худудини шаклланиши.**

Кичик йирик бизнес ривожлантиришда қишлоқ жойларида ривожлантиришлаги асосий тамойиллари.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

### **БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

<b>№</b>	<b>Топшириқ турлари</b>	<b>Баллар тақсимоти</b>	<b>Максимал балл</b>
1	Мавзулар бўйича кейслар	1,5 балл	2,5
2	Мустақил иш топшириклари	1,0 балл	

## П. МОДУЛНИ ҮҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### “Ассесмент” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод тингловчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўнималарини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали тингловчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўнималар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

#### Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида тингловчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, тингловчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топширикларни киритиш мумкин.

Ҳар бир тингловчи “**Қишлоқ аҳоли пунктларига эскиз лойиҳасини тақдим этади**”



#### Тест

- 1. Ишлаб чиқариш обьектлари санитар химоя қисми нимага асосланади?
- А. Унинг чегарасига
- Б. Иш турига
- С. Зааралик даражасига



#### Қиёсий таҳлил

- AutoCad дастури кўрсатгичларини таҳлил қилинг?



#### Тушунча таҳлили

- АПОТ қисқармасини изоҳланг.



#### Амалий кўникма

- Шаҳарсозлик хужжатлари билан ишлаш ва ҳаётга тадбик қилиш

### “SWOT-таҳлил” методи

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.



### Шаҳарсозликда AutoCad операцион дастуридан SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

<b>S</b>	Шаҳарсозликда AutoCad дастуридан фойдаланишнинг кучли томонлари	AutoCad дастурининг имкониятлари, топшириқларни тез чизиш ва 3D кўринишига келтириш
<b>W</b>	Шаҳарсозликда AutoCad дастуридан фойдаланишнинг кучсиз томонлари	AutoCad дастуридан кам фойдаланилиши ва юклangan катта малумотлар оғирлашиб қолади
<b>O</b>	AutoCad дастуридан фойдаланишнинг имкониятлари (ички)	Beautiful UI (чиройли интерфейс), Аниқ тасаввурга намоён бўлиши
<b>T</b>	Тўсиқлар (ташқи)	AutoCad янги тизими орасидаги фарқ

### Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, химоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурухлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

## Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи тингловчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатали;



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз муроҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер-ўқитувчи томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзуу яқунланади.

Дастурий тизимлар					
3d Max		Photo Shop		Corel Draw	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса:					

### «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология тингловчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

#### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- тингловчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки фоя таклиф этилади;
- ҳар бир тингловчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- тингловчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили тингловчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Фикр:** “Шаҳар ва қишлоқ фуқаролар йигинлари ривожланишининг ижтимоий иқтисодий йўналиши ва лойиҳаси”.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

### “Инсерт” методи

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

### Методни амалга ошириш тартиби:

➤ тренер-ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн тингловчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ тингловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчиларга қўйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

1. Аҳоли пунктларининг гурӯҳли тизимлари (АПГТ) қайси принципларга асосан шаклланадилар?

2. Қишлоқ аҳоли пунктларининг жойлашув тизимлари йўналишидаги ривожланиши қайси босқичларга бўлинади ?

3. Шаҳар-марказларнинг интенсив таъсири зонасида, вилоятлар ва туман чеккаларидаги қишлоқ аҳоли пунктлари ривожаланишида қандай ўзига хос хусусиятлар бор?

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			

## Архитектура

“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, тингловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар тренер-ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

### “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод тингловчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- тингловчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки гурухли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англашиб, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- ҳар бир тингловчи берилган тугри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

### “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Қишлоқ аҳоли пунктларининг чегараси нима?	Қишлоқ аҳоли пунктларининг ташқи чегараси	
Қурилиш чизиги ва чегарасини тартибга солишинима?	Қурилиш чегараси, бинолар, иншоотлар ва иморатлар жойлаштириш вақтида белгиланадиган қизил чизик	
Шаҳарсозликда умумий фойдаланиш худуди нима?	Майдонлар, кўчалар, турар жой кварталлари, скверлар тор кўчалар	
ХМРТ нима?	Қилоқ аҳоли пунктлари учун шаҳарсозлик комплекс хужжати	
Шаҳарсозлик хужжатлари	Худудларнинг ривожланиш планининг ўрнатилган тартибда тасдиқланадиган шаҳарсозлик хужжати	
Шаҳарсозлик зоналари	Қишлоқ аҳоли пунктларини чегаралаш шаҳарсозлик регламентларини ер участкалар обектлари зонгасида тадбиқ этиш	
Якка тартибдаги уй-жой курилиш обьектлари	Аҳоли туган ёки бир икки қаватли турар жойларига мўлжалланган ер участкаси	

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага тингловчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

**1-мавзу: “Шаҳарсозликда шаҳар, туман ва қишлоқ тархий таркибининг замонавий ҳолати”.**

**Режа:**

1.1. Шаҳар, туман ва қишлоқларни шаҳарсозлик хужжатларини ишлашда дастлабки асосий маълумотлар тамойиллари.

1.2. Ўзбекистон Республикасидаги қишлоқ аҳоли пунктларининг демографик тузилмалари.

1.3. Ўзбекистон Республикасидаги шаҳар, туман ва қишлоқлар аҳоли пунктларининг тоифаланиши ва шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқишининг кетма-кетлиги.

**Таянч иборалар:** демографик, ресурс, структура, инфраструктура, индустриал, схематик, рекреацион.

**1.1.Шаҳар, туман ва қишлоқларни шаҳарсозлик хужжатларини ишлашда дастлабки асосий маълумотлар тамойиллари.**

Аҳолининг, айниқса, қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолининг шароитларининг яхшиланиши республикамизнинг аграр секторида жиддий ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар содир этилишини назарда тутади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мазкур муаммога доимо жиддий эътибор қаратиб келган ва шунинг учун ҳам 2009 йилнинг “Қишлоқ ривожланиши ва фаровонлиги йили” деб эълон қилиниши бежиз эмас. Алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган амалларнинг мазмун-моҳияти ва энг муҳим йўналишлари қабул қилинган Давлат дастурида аниқ ва равshan белгилаб берган. Дастурдаги “алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган навбатдаги энг муҳим вазифа – қишлоқда турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган узок муддатли ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-куватлашдан иборатдир”.

Бу дастурни амалга ошириш учун бугунги кунда иқтисодиятнинг аграр сектори ривожланишига тўсқинлик қилаётган бир қатор камчиликларни, хусусан, қишлоқ ҳудудларида аҳоли жойлаштирилишининг шаклланиб улгурган структурасидаги мавжуд камчиликларга (аҳолининг сийрак жойлашиши, ёйилганлик, аҳоли пунктларининг бир-бирларидан ва қишлоқлараро индустриал ва маданий марказлардан узокда жойлашганлиги) барҳам бериш лозим. Мехнат ресурсларидан оқилона бўлмаган тарзда фойдаланиш қишлоқ ҳудудларидаги ишлаб чиқаришнинг техникавий, технологик ва ташкилий даражасини ошириш бўйича самарадорлик пасайишига сабаб бўлмоқда; қишлоқ ҳудудларидаги кичик

## Архитектура

аҳоли пунктларининг сон жиҳатдан қўплиги хизмат қўрсатиш соҳасининг ривожланишини чеклаб қўймоқда; аҳоли пунктларининг яккаланиб қолганлиги ва марказий шаҳарлардан узоқда жойлашганлиги хўжаликларо ҳамда тармоқлараро кооперация жараёнларининг суст боришига, қишлоқ аҳолисининг шаҳар маданияти ва шаҳар турмуш тарзига мослашиш имкониятлари пасайишининг асосий сабабчиси сифатида эътироф этилаётгани сир эмас.

Юқорида санаб ўтилган камчиликларни бартараф этилиши меҳнат ресурсларидан фойдаланиш доирасининг кенгайтирилишини, хизмат қўрсатиш соҳасининг шаҳар маданиятига хос бўлган илғор стандартларга асосланган шаклда тақдим этилишини, юқори даражадаги умумий ва профессионал таълим олиш учун зарур бўлган имкониятлар яратилишини, бўш вақтдан оқилона тарзда фойдаланишни назарда тутади. Шунинг учун ҳам, функционал равища йўналтирилган аҳоли пунктларининг республиканинг қишлоқ худудларида мақсадли равища ривожлантирилиши ишлаб чиқаришнинг худудий ташкил этилиши ва аҳоли жойлаштирилишини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифалар сирасига киради. И.А.Каримов ҳам ана шу жиҳатларга ургу берган ҳолда, хусусан, қўйидаги: «Қишлоқни янгилаш ва қайта куриш чора-тадбирлари тизимида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурани жадал ривожлантириш жуда катта аҳамиятга эга. Бу ҳозирги аграр сиёсатнинг ғоят муҳим устувор йўналишларидан биридир. Коммунал ва муҳандислик тизимларининг кенг тармоғини яратсақ, қишлоқда яшовчиларнинг ижтимоий ҳаётини тубдан яхшиласаккина бутун қишлоқ хўжалигини сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш, унга индустрiali тус бериш мумкин.» - деган фикрни айтиб ўтади. Шу билан бирга қишлоқнинг энг долзарб муаммоларидан бири, яъни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги ортиқча меҳнат ресрусларининг индустрiali соҳаларга, сервис ва майший хизмат қўрсатиш соҳасига жалб қилиниш масаласи ҳал қилинади”.

Ана шу масалаларнинг ҳал қилинишида шаҳарсозлик фаолиятига катта аҳамият берилади, сабаби ҳаёт фаолияти ва фазовий шаклларнинг уйғунлиги, уларнинг ўзаро мувофиқ ва монанд бўлиши айнан шаҳарсозлик воситалари ёрдамида амалга оширилади. Шаҳарсозликнинг ана шундай ижтимоий-иқтисодий боғлиқлиги ва амалийлиги қишлоқ аҳолисини жойлаштиришда инсон учун зарур бўлган яшаш шароитларининг йирик худудий тузилмалар миқёсида йўлга қўйилишида, тартибга солинишида айниқса муҳим аҳамиятга эга. Аҳоли пунктлари тармоқларининг жойлаштириш тизимини шакллантиришга йўналтирилган ривожлантирилиши республикада аҳолини жойлаштириш бўйича амалга оширилаётган ўзгаришларнинг замонавий концепциялари учун асос бўлиб хизмат қилиши зарур. Тизимли равища ташкил этилган ушбу жараён аҳоли жойлаштирилишида шаҳар ва қишлоқ ўртасида мавжуд бўлган тавофутни бартараф қилинишининг янги йўлларини белгилаш учун имконият яратиб беради.

Аҳолини жойлаштириш бир марталик тадбир эмас, аксинча, узлуксиз давом этувчи ва ўз моҳиятига кўра анча мураккаб бўлган мажмуавий жараёндир<sup>1</sup>. Ишлаб чиқариш ва аҳолининг яшаш шароитларининг жадал суръатларда ривожланиши ўзгаришлар бўйича ўтказиладиган тадбирларнинг узлуксиз бўлишини талаб

<sup>1</sup> K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition

этади. Айнан шу жадаллик, аксарият ҳолларда, аҳолини жойлаштириш структурасига нисбатан қўйиладиган талаблар тез-тез ўзгариб туришига ҳамда ушбу структуранинг ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг эришилган даражасига мувофиқ ҳолга келтиришга ундейди. Бу жараённинг мураккаб кечиши хусусида шуни айтиш мумкинки, аҳолини жойлаштириш бўйича реконструкциянинг ушбу босқичида қишлоқ худудларидағи аҳоли пунктларининг деярли барчаси қамраб олинади, бу эса, ўз навбатида уларда амалга ошириладиган қайта қуриш ишлари кенг миқёсда ўтказилишини англаради.

Гуманизм идеалларига асосланган янги муносабатлар шаклланишининг энг муҳим йўналишларини белгилмай, шаҳар ва қишлоқ ўртасида ҳалигача мавжуд бўлган ижтимоий-иктисодий ҳамда маданий-маиший тафовутларни бартараф этмай туриб қишлоқни ва, умуман, қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзини ўзгартириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам шаҳарсозликнининг, яъни қурилиш ва фойдаланиш нуқтаи назарида қулай ва тежамкор қишлоқ турар-жой уйларининг барпо этилиши жуда катта аҳамиятга эга<sup>2</sup>.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ҳажмларини саноат ва қишлоқ хўжалигига асосланган ҳолда оширилиши аҳоли пунктларини ўзгартиришдаги ижтимоий ва шаҳарсозлик жиҳатларга чамбарчас боғлиқдир. Ушбу муаммони ҳал этиш учун давлат томонидан жуда катта маблағлар ажратилмоқда. Улардан фойдаланишнинг самарадорлиги лойиҳавий ечимларнинг қанчалик оқилона бўлиши ва аниқ шарт-шароитларга қанчалик мос келиши билан шартланиб берилади.

Ўзбекистон Республикасида мавжуд бўлган табиий, ижтимоий-демографик ва бошқа шарт-шароитлар қишлоқ қиёфасини ўзгартириш учун етарлича дастлабки шартларни яратиш имконини беради. Ўзбекистондаги қишлоқ аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуриш бўйича умумий масалалар Ўзбекистон Республикаси ҳамда хорижий илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтлари томонидан чоп этилган ишларда кенг ёритилган.

Ўзбекистон Республикасида бош лойиҳанинг “доналаб” ишлаб чиқишдан қишлоқ фуқаролар йиғини худудини меъморий-режали ташкиллаштириш лойиҳасини (ҲМРТ) комплексли ишлаб чиқишга қаратилган узвий кетма-кетликдаги ишлар олиб борилмоқда. Унда қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги барча қишлоқ аҳоли пунктларининг схематик бош режалари ишлаб чиқилиб, ер ресурслари, уй-жой фонди, ижтимоий ва муҳандислик инфратузилмалардан оқилона фойдаланиш масалалари ҳал қилинмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги ихтисослаштирилган олий ўқув муассасаларида Ҳудуднинг меъморий-режали ташкиллаштириш (ҲМРТ) ва қишлоқ аҳоли пунктларини меъморий-режали ташкиллаштиришга бағишлиланган умумий ва ихтисослаштирилган ахборот ҳамда ўқув материаллари етишмайди. Зарур материаллар кўп сонли китоблар, мақолалар, ахборот вараклари ва обзорларда тарқоқ ҳолда берилган, бундай ҳолат ахборот йиғиш ва уни ўрганишда маълум қийинчиликларни туғдиради. Ундан ташқари, бу каби ахборот оқимида тингловчилар бош ғояни илғаб олишлари, ўқилган материалларни умумлаштиришлари (аксарият ҳолларда ҳажм катта бўлгани сабабли), турли

<sup>2</sup> K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition

## Архитектура

ташкилотларнинг ахборот тусига эга ҳамда илимий материалларини ўзаро боғлашларида жиддий муаммоларга дуч келмоқдалар. “Барқарорлик” ривожланиши кенг кўламли йўналишдир: қурилиш материалларини танлаш, транспорт ва қурилиш жараёнлари тугатиш учун зарур бўлган энергия миқдорини таъминлаш, уларни техник ислоҳат қилиш. Уларнинг ислоҳатини давом эттириш учун зарур энергия миқдори, техник жараёнлар, чидамлилик, фойдаланиш жиҳатидан ички мосланувчан, олиб ташлаш ва қайта ўрнатиш мумкин бўлган ускуна таъминоти, чиқиндиларни ва телекоммуникация тармоқларини, яроқлилигини, соҳасида янги технологияларга мосланувчанлик, конвертация ва қайта ислоҳ имконияти эмас, шу билан бирга албатта, иситиш, совутиш, қуёш энергиясидан фойдаланиш учун, айниқса, жавобгардир. Лекин мен тўлиқ энергия мухторияти фақат фавқулодда ҳолларда керак, деб ўйлайман. ер қуёшдан қабул қилиш радиация миқдори инсониятнинг энергия эҳтиёжларига нисбатан бир неча марта юқори бўлгани сабабли асосий масала бу қобилиятини қандай фойдаланиш ҳисобланади. Бу энергия миқдори муқобил энергия манбаларидан олинган бўлиб, бинонинг иссиқлик эҳтиёжларини қондириш учун истеъмол қилиниши ҳақиқатдир ва бу факт янгилик эмасдир.<sup>3</sup>

Ўқув-услубий мажмуасида мавжуд материалларни умумлаштиришга, қишлоқ ахоли пунктларини Ўзбекистон қишлоқ фуқаролар йиғини тузилмасидаги меъморий-режали ташкил этилишининг асосий принципларини аниқлашга ҳаракат қилинган.

Ўқув-услубий мажмуасидаги материаллар архитектура ихтисоси бўйича таҳсил олаётган тошкент архитектура қурилиш институти ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази учун мўлжалланган. Ахборот материали сифатида фаолияти қишлоқни ўзгартириш билан боғлиқ бўлган мутахассислар учун ҳам фойдали бўлиши мумкин.

Якка тартибда амалга оширилаётган турар жой қурилишининг ривожланиши, қишлоқ инфратузилмаси яхшиланганлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 30 август "Шаҳар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ ахоли пунктларининг бош режалари амалга ошириш жараёнларини такомиллаштириш тўғисидаги “Қарори талабларини ва Ўзбекистон Реатубликаси Шаҳарсозлик кодексини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ ахоли пунктларини шаҳарсозлик хужжатлари билан имкон қадар киска муддатларда ва кам харажатлар эвазига таъминлаш мақсадида қишлоқ фуқаролари йиғини худудининг архитектура-режавий ташкиллаштириш ҲМРТ бўйича комплекс лойиха ишлаб чиқишига ўтиш зарур деб хисоблаймиз, бунда барча қишлоқ ахоли пунктларининг схематик бош режалари ишлаб чиқлади, ер ресурслари, турар жой фонди, ижтимоий ва мухандислик инфратузилмалардан оқилона тарзда фойдаланиш масалалари ҳал қилинади<sup>4</sup>.

Турли типдаги ахоли пунктларининг, жумладан Шаҳар ва қишлоқ ахоли пунктларининг шаклланиши кенг кўламли ижтимоий-иктисодий омилларга асосланган ҳолда, ахоли жойлашуви тизими ривожланишининг тарихий жараёнлари доирасида амалга ошади. Ахолининг жойлашуви умумий кўринишда

<sup>3</sup> Principles of Town Planning and Architecture- p. 8

<sup>4</sup> K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition

Шаҳар ва туманларнинг тархий таркиби  
қўйидагича таърифланади—аҳолининг географик маконнинг муайян пунктларида  
худудий жойлашиш жараёни ва ушбу жараён натижаси—аҳоли сони, бажарадиган  
вазифалари, режали ташкил этилиши ва қурилиши билан фарқланувчи аҳоли  
пунктлар тармоғи.

## **1.2. Ўзбекистон Республикасидағи қишлоқ аҳоли пунктларининг демографик тузилмалари.**

Ўзбекистондаги замонавий жойлашув тизими узок давр мобайнида давом этган ривожланиш жараёнида, аҳоли пунктлари сони ўзгариши, аҳолининг улар орасида қайта тақсимланиши, уларнинг ўзаро функционал дифференциацияси ва интеграцияси натижасида шаклланган. Республикадаги аҳолини жойлаштириш тузилмасини динамикаси аҳоли пунктлари янада чуқурроқ хўжалик ихтисослашуви билан тавсифланувчи функционал дифференциация йўналишида кечди. Шу сабабдан, аҳолининг бугунги кундаги жойлашуви маъмурий-бошқарув функцияларини бажаришига қараб оддий ва ташкил этувчи марказлар сифатида шаклланган шаҳарлар, шаҳар типидаги посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктлари кўринишида берилади. Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси ўзидағи аҳоли пунктлари (ҳам шаҳар, ҳам қишлоқ аҳоли пунктлари) жойлашувининг шаклланиши ва ўрнининг ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Куйида аҳоли жойлашувининг ўзига хос хусусиятларини умумий ҳолда кўриб чиқамиз.

Хозирги кунда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг сони таҳминан 31,5 миллион кишини ташкил қиласди. Таъкидлаш лозимки, Республика ичидаги, туманлардаги жойлашув ва урбанизация даражаси ҳамда аҳоли зичлигини худудий тақсимланишида катта фарқланишлар мавжуд: аҳолининг зичлиги Навоий вилоятида 5-6 киши/кв.км, Андижон вилоятида 380 киши/кв.км ни ташкил қиласди. Шу билан бирга айтиш лозимки, республиканинг энг яхши ўзлаштирилган ва аҳоли энг кўп истиқомат қиласиган худудлари Ўзбекистоннинг бутун майдонининг

7-10%ни ташкил қиласди. Бу эса, ўз навбатида, шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларидағи аҳоли жойлашувида ўз аксини топди. Ўзбекистондаги шаҳарлар тармоғи 234 та аҳоли пунктлари ва 113 та шаҳра посёлкаларидан иборат. Қишлоқ аҳоли пунктларининг сони эса 11,7 мингтани ташкил этади. Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг нисбати эса 36,7 ва 63,3 фоизни ташкил қилиб, бу ерда қишлоқ аҳолисининг сони юқорироқ кўрсаткичга эгадир.

Республика худудида жойлашувнинг бир текисда бўлмагани сабабли аҳоли жойлашган худудлардаги шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг тақсимланиши ҳам бир хил эмас. Ўзбекистон худудидаги ландшафт-икклимий шароитлар аҳоли жойлашувидаги хилма-хилликни ва унинг чизиқли-тугунли тузилмаси шаклланишини шартлаб берди. Республикадаги иқлим шароитида аҳолининг жойлашув ареаллари сув захиралари етарлича бўлган текисликлар ва ўрта тоғли худудлардаги дарё водийлари, шунингдек тоғ олди худудларга боғлангандир.

Жойлашувнинг энг йирик худуди Фарғона водийси ва унинг ён атрофида шаклланган бўлиб, у ерда 7 млн.дан ортиқ киши истиқомат қиласди. Аҳоли пунктларининг ушбу минтақа марказидаги Ёзёвон котловинасига нисбатан ҳалқасимон тарзда жойлашганлиги аҳоли жойлашувининг ўзга хос хусусияти

## Архитектура

ҳисобланади. Бу ҳудуддаги шаҳарлар тармоғи анча ривожланган: 28 та шаҳар ва 26 шаҳар туридаги посёлкалар мавжуд. Лекин, аҳолининг аксарият қисми қишлоқда яшовчилардан иборат—улар ушбу минтақа аҳолисинининг 69%ини ташкил қиласидилар.

Жанубий-ғарбда Сирдарёга қўйиладиган Чирчик ва Оҳангарон дарёларининг водийларида Тошкент минтақаси жойлашган бўлиб, бур ердаги аҳоли сони 4,6 млн. Кишини ташкил қиласидилар. Республика пойтахти Тошкент шаҳрининг Ўзбекистон ҳудудида эксцентрик тарзда, яъни Қозоғизстон билан чегара ёнида жойлашгани ушбу минтақанинг ўзига хос жиҳатидир. Рельеф шароитлари бўйича бу минтақа учта зонадан иборат: йирик—Чирчик дарёсининг водийи, ўртача—Оҳангарон дарёси водийи ва кичик, нисбатан автоном бўлган Бекобод зонаси. Бу Ўзбекистондаги урбанизация даражаси энг юқори бўлган минтақа ҳисобланиб, шаҳар аҳолисининг улуши 68%ини ташкил қиласидилар.

Тошкент минтақасидан жанубий-ғарбий томонда, Сирдарёнинг чап қирғоги бўйидаги водийда ва жанубий Мирзачўл каналининг суви билан суғориладиган чўл зоналарда катта бўлмаган Гулистон ва Жиззах жойлашув зоналари шаклланган. Бу ерда қишлоқ аҳолисининг улуши (тахминан 70%) салмоқлироқдир.


Зарафшон дарёси ҳавзаси бўйлаб жойлашувнинг Зарафшон зонаси шаклланган бўлиб, унинг асосини урбанизациялашган зоналар занжири Самарқанд, кейин Навоий ва Бухоро зоналари ташкил қиласидилар. Самарқанд зонасида режалаштириш нуқтаи назарида нисбатан мустақил ҳисобланувчи Каттақўрғон, Бухоро зонасида эса—Қорақўл жойлашув гуруҳлари ажралиб туради. Бу минтақада ҳам қишлоқ аҳолисининг улуши катта—Самарқанд вилоятида 74%, Бухоро вилоятида 70% ва Навоий вилоятида 60%.

Республика жанубидаги Сурхондарё водийсида жойлашувнинг икки гуруҳидан иборат зона мавжуд бўлиб, уларнинг бирида марказ сифатида Термез, иккинчисида эса—Денов кўрилади. Ушбу зонанинг ўзига хос хусусияти, бу Термез шаҳрининг Афғонистон билан чегарада жойлашганидир. Айнан шу жиҳат жойлашув маркази бўлган Термезнинг шаҳарсозлик нуқтаи назарида ривожланишига таъсир кўрсатади. Умуман олганда, бу минтақадаги аҳолининг аксарият қисми (80%) қишлоқда истиқомат қиласидилар.

Аҳоли жойлашувининг Қашқадарё зонаси Зарафшон ва Сурхондарё зоналарини боғлаб турувчи бўғин ҳисобланиб, унининг таркибида иккита—Қарши ва Шаҳрисабз гуруҳлари жойлашган. Биринчи гуруҳнинг маркази йирик шаҳар Қарши бўлса, иккинчисининг маркази—нисбатан катта бўлмаган Шаҳрисабз шаҳридир. Жойлашув тузилмасидаги аҳолининг катта қисми (75%) қишлоқда истиқомат қиласидилар. Икки миллиард одам кейинги 20 йил давомида уй-жой билан таъминланиши зарур бўлишини эътиборга олган ҳолда, архитектура келажаги порлок касб ҳисобланади.<sup>5</sup>

<sup>5</sup> Principles of Town Planning and Architecture, Marie-Helene Contal, Jana Revedin, Boston, USA, 2009.- p8

Шаҳар ва туманларнинг тархий таркиби  
Ўзбекистон Республикасидаги қишлоқ аҳоли пунктларининг  
тоифаланиши



Катта аҳоли пунктлари – 1052 та	-аҳоли сони 3000 дан 5000 гача
Йирик аҳоли пунктлари – 1052 та	-аҳоли сони 5000 дан кўп
Ўртacha аҳоли пунктлари – 4511 та	-аҳоли сони 1000 дан 3000 гача
Кичик аҳоли пунктлари – 5856 та	-аҳоли сони 100 дан 1000 гача

**Ўзбекистон республикаси қишлоқ аҳоли пунктларида оила таркибининг ўртacha сони**



Республиканинг шимолий-гарбидаги Амударёнинг қуи оқимида аҳоли жойлашувининг иккита: Хоразм ва Қуи Амударё зonasи шаклланган. Хоразм зonasи Амударё билан иккита қисмга бўлинади: чап қирғоқдаги қисм, маркази Урганч шаҳри бўлган асосий гуруҳ ва маркази Беруний шаҳри бўлган ўнг қирғоқдаги қисм. Бу ердаги аҳолининг катта қисми қишлоқда яшовчилар ташкил қиласиди – 77%. Қуи Амударё зonasидаги шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг улушлари бир-бирларига деярли тенг.

### **1.3. Ўзбекистон Республикасидаги шаҳар, туман ва қишлоқлар аҳоли пунктларининг тоифаланиши.**

1. Қишлоқ аҳоли яшаш пунктлари жойлаштиришнинг ягона тизими элеменatlари бўлиб, қарор топган худудий тузилмали уюшмалар асосида шакллантирилади:

- маъмурий туман;
- қишлоқ (қишлоқ, овул) Кенгаши;
- қишлоқ хўжалик корхонаси;
- қишлоқ аҳоли яшаш пунктлари.

2. Жойлаштиришнинг оқилона тизимини ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш истиқболларига ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг қабул қилинган ташкилотига жавоб бериши керак. Бунда жойлаштириш тизими учун ягона бўлган ижтимоий, ишлаб чиқариш, муҳандислик-транспорт ва бошқа инфрутзилмаларнинг шакллантирилиши, шунингдек, қишлоқ хўжалик корхонаси доирасида истиқболда ривожлантириладиган меҳнат, маданий-маиший ва рекреацион алоқалар ҳисобга олиниши лозим бўлади.

3. Қишлоқдаги аҳоли яшаш пунктлари аҳолининг лойиҳадаги сонига қараб жадвалга мувофиқ гуруҳларга бўлинади.

4. Хўжалик ичидағи жойлаштириш юзасидан лойиҳага доир таклифларни ишлаб чиқишида қўйидагиларни амалга ошириш зарур:

- жойлаштиришнинг тарихий қарор топ-ган тизимининг ижобий жиҳатларини ва камчиликларини ва у билан боғлиқ асосий элементларни, худуднинг замонавий режалаштирилиши ва хўжалик жиҳатдан ташкил этилишини ҳисобга олиш;

- меҳнаткашларнинг меҳнат қиласидаги жойларига бориб келиши учун энг кам вақт сарфлашини, шунингдек, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш ва дам олиши учун қулай шарт ша-роитларни таъминлаш;

- аҳолининг истиқболда туарар-жойлар билан таъминланишининг ўсишини ҳисобга олиш;

- қишлоқ аҳоли пунктларининг худудларини режалаштириш, қуриш, муҳандислик ускуналари билан жиҳозлаш ва ободонлаштиришнинг юқори сифатли даражасини сақлаб қолган ҳолда уларни қуриш ва фойдаланиш қийматини камайтириш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш;

- амалдаги санитария-гиёна, табиатни муҳофаза қилиш ва бошқа меъёрлар ҳамда талабларга риоя қилиш.

<b>№</b>	<b>Қишлоқ аҳоли пунктлари</b>	<b>Аҳоли сони</b>
<b>1.</b>	<b>Йирик</b>	<b>5000та дан кўп киши</b>
<b>2.</b>	<b>Катта</b>	<b>3000-5000гача киши</b>
<b>3.</b>	<b>Ўртча</b>	<b>1000-3000гача киши</b>
<b>4.</b>	<b>Кичик</b>	<b>100-1000гача киши</b>

5. Аҳоли пунктларини ривожлантириш истиқболлари қишлоқ хўжалик корхонасининг ихтисослашуви, ер қурилиши схемалари ва лойиҳалари, туманнинг режалаштирилишини ҳисобга олган ҳолда агросаноат комплексини шакллантириш билан уйғун тарзда ушбу корхонанинг иқтисодий ривожлантирилиши прогнозлари асосида белgilаниши лозим.

## Шаҳар ва туманларнинг тархий таркиби


6. Қишлоқ ахоли пунктларида хизмат қўрсатиш корхоналари ва муассасалари тармоғи барча қишлоқлардап, меҳнат қилинадиган жойлар ва дам олиш зоналарини қамраб оладиган ягона тизимдан иборат бўлиши керак.


7. Қишлоқ ахоли пунктларнинг ҳудудларини режалаштириш тузилишини шакллантиришнинг умумий тамойиллари Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг иқлимга доир туманлаштирилиши (саҳролар, саҳролар қуршовидаги воҳалар, тоғ этакларидағи воҳалар, янгидан ўзлаштирилаётган ерлар ва тоғлар) ни ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиниши керак бўлади (ҚМҚ 2.01.01-94 «Лойиҳалаштириш учун иқлимий ва физик-геологик маълумотлар»га мувофиқ).

8. Қишлоқ ахоли пунктларнинг режалаштирилиши тузилишини функционал зоналарнинг мухтасар ҳолида жойлаштири-лиши ва ўзаро боғлиқ бўлишини, ҳудуднинг жамоатчилик марказлари, муҳандислик-транспорт инфратузилмаси билан уйғун тарзда оқилона туманлаштирилишини, ҳудуднинг шаҳар қурилиши жиҳатидан зарурлигига қараб ундан самарали фойдаланишни, архитектура ва шаҳарсозлик анъаналари, табиий-иқлим, ландшафт, миллий-маиший ва бошқа маҳаллий ўзига хос хусусиятларнинг комплекс тарзда ҳисобга олинишини таъминлаш лозим бўлади.

Аҳолининг алоҳида миңтақалар ва зоналарда жойлашуви бўйича келтирилган таҳлилдан кўриниб турибдики, қишлоқда яшовчиларнинг улуши шаҳарликларга қараганда кўпчиликни ташкил этади (Тошкент миңтақаси ва Қўйи Амударё зонаси бундан мустасно). Бу ҳолат республикада қишлоқ аҳолисининг шаклланган жойлашувидаги ўзига хос жиҳатларни янада чуқурроқ ўрганишга йўналтиради.

## Шаҳар аҳолисининг жойлашиши





### Қишлоқ фуқоролар йиғини-қишлоқ аҳоли пунктларини режалаштириш (АПОТ) лойихасини ишлаб чиқиши қонуни.

I. Умумий ҳолатлар

II. Қишлоқлар аҳоли пунктларини учун шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиши кетма-кетлиги

III. АПОТ лойихасининг асосий мақсадлари

IV. Хўжаликлараро ишлаб чиқариш ва фермер хўжалик тармоқларини шакллаштириш

V. Хўжаликлар аро жойлаштириш ва унинг шакллаштириш

VI. Аҳоли сонини лойихавий хисоби

VII. Уй-жой қурилишини ривожлантириш

VIII.Хизмат кўрсатиш корхона ва муассасаларини режалаштиришни ташкил этиш

IX. Хўжаликлараро транспорт алоқалари ташкил қилиш

X. Инженерлик инфраструктураси

XI. Ҳудуднинг мұхандислик тайёргарлиги

XII. Атроф-мухит мухофазаси

XIII. ҚФЙнинг (АПОТ) лойихасида амалга оширилишининг ижтимоий-иқтисодий самарааси

XIV. ҚФЙ (АПОТ) лойихасининг келишуви ва тасдиқлаш тартиби.

**Ушбу лойихада қуидаги терминлар ва тушунчалар ишлатилади.**

**Қишлоқ фуқароларини йиғини ҳудудини архитектура-loyихавий ташкиллаштириш лойихаси.** – Қишлоқ фуқоролар йиғини учун комплекс

Шаҳар ва туманларнинг тархий таркиби  
шаҳарсозлик ҳужжати бўлиб, бу ҳужжат шаҳарсозлик принципиал масалалари  
ечимини топади.

Қишлоқ аҳоли пунктларининг лойиҳавий структураси, қишлоқ фуқаролари йигини ҳудудининг комплекс ривожланиши, функционал лойиҳалаштириш тўғрига мувофиқлигини ҳисобга олиниши, архитектуравий қиёфасини мукаммалаштириш, аҳоли яшаш шароитини яхшилаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш, атроф- мухит муҳофазаси, табиий материал ва инсон ресурсларидан умумли фойдаланиш, рекреацион хизмат шакллаштиришни ташкиллаштириш ва мавжудларини ривожлантириш. Қишлоқ аҳоли пунктлари перспектив ривожланиши ва яқин 15-20 йилга анализ қилинади.

### **Биринчи навбатда қурилиш**

#### **Бош тарҳ схемасида биринчи навбатда қурилиш ажратиб бериш.**

– график тасвирининг қабул қилинган шаҳарсозлик қарорлари асосида тасвири билан, асосий фикрларни тушунтириш, принциплари ва ишлар кетма-кетлигини ўюштириш, иншоот ва тармоқлар (сув таъминоти, оқава сувлари, иссиқлик таъминоти, газ таъминоти, электр таъминоти, ирригация алоқалари) ва қурилишга ажратилган обьектлари қисми, ҳудуд биноларини ташкиллаштириш, ва уларнинг эксплуатацияга топшириш ва унга хизмат кўраториши кўзда тутилади.

**Қишлоқ аҳоли пункти чегараси** – Қишлоқ аҳоли пункти ташқи чегараси, қишлоқ аҳоли пунктини бошқа туркум (категория) ерлардан ажратиш.

**Ер участкаси** – ер сирти қисми, аниқ чегараларга, майдонига, ҳудудий статусга ва бошқа характеристикаларга эга, давлат ер кадастр ва давлат рўйхатига эга.

**Умумий фойдаланиш ҳудуди** – аҳолиниг барча қисми чекланмаган тарзда фойдаланадиган ҳудуд, турар жойдан ташқари – майдонлар, кўчалар, турар жой кварталлари – скверлар, тор кўчалар.

**Қурилиш чизиги ва чегарасини тартибга солиш** – қурилиш чегараси, бинолар, иншоотлар ва иморатлар жойлаштириш вақтида белгиланади, қизил чизикдан орқада ёки лойиҳаланаётган бино ва иншоотлар ташқи контурлари ёки ер участкалари чегараси.

**Якка тартибдаги уй-жой қурилиш обьектлари** – алоҳида турган ёки блокли бир-икки қаватли турар жойлар, бир оила яшаш учун мўлжалланган алоҳида ер участкасида жойлашган.

**Блокли турар жой** – 2 қаватдан ошмаган шахсий турар жойлар, бир неча блоклардан иборат, ҳар бир блок бир оила учун, умумий деворга эга бўлган қўшни блокларга эшик ўрнисиз, алоҳида ер участкасида ва умумий фойдаланиш ҳудудига чиқишига эга.

**Шаҳарсозлик** – аҳоли пунктларининг планировка ва қурилиши теория ва практикаси, аҳоли аро пунктлари оралиғи ҳудуди, социал-иктисодий, қурилиш-техник, архитектура-бадиий ва санитар-гигиеник комплекс ечимини такдим этади<sup>6</sup>.

**Шаҳарсозлик фаолияти** – давлат органлари фаолияти, юридик ва жисмоний шаҳсларнинг, аҳоли пунктларининг ҳудудларини шаҳарсозлик

<sup>6</sup> K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition

## Архитектура

режалаштирилишини ривожлантириш, ер участкаларини фойдаланиш турини аниқлаш, қурилиш ишлаб чиқариш, бино ва иншоотлар ва бошқа объектларнинг, қурилиш ва реконструкциясини, аҳоли эҳтиёжини ҳисобга олиб лойихалаш, ижтимоий ва давлат эҳтиёжларини, шу билан бирга, миллий, тарихий-маданий, экологик, табиий хусусиятларини ҳисобга олиш.

**Шахарсозлик ҳужжатлари** – худудларнинг ривожланиш планининг ўрнатилган тартибда тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатлари, аҳоли пунктларини ва уларнинг қурилиши.

**Туарар-жой зонаси** – якка тартибдаги шахсий туарар жойларнинг қурилиши ва ҳовли-жойида, мол ва парранда боқиши ҳуқуқи бўлган ҳудуд.

**Кўча, майдон** – умумий фойдаланиш ҳудуди, қизил чизиқлар билан чегаралangan кўча - йўл тармоғи;


**Кўкаlamзор ҳудуд** – аҳоли яшаш пункти ҳудудининг сунъий яратилган бого-парк комплекслари ва объектлари – бого, парк, тура жой, жамоат-хизмат ва бошка ҳудудлар зонаси, яшил ўсимликлар ва бошка ўсимликлар коплами булган ҳудуд кисми.

**Шахарсозлик зоналари** – кишлок аҳоли пунктларини чегаралаш ва шахарсозлик регламентларини ер участкалари ва капитал қурилиш объектлари зонасида татбик этиш.

**Пиёдалар зонаси** – пиёдалар харакатлари учун белгиланган ҳудуд, транспорт харакати такикланган хизмат курсатишга белгиланган транспортдан ташкари.

**Автоманзилгоҳлар** – автомобиль тўхташ ва сақлаш учун мўлжалланган очик ҳудуд.<sup>7</sup>

### Кишлоқ аҳоли пунктлари учун шаҳарсозлик ҳужжатлар ишлаб чиқишининг кетма – кетлиги.



<sup>7</sup> K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition

## Қурилиш учун ишчи ҳужжатлар (РД)

### Хўжаликлар аро жойлашишнинг шаклланиши.

Қишлоқ аҳоли пунктлари, жойлаштириш системасининг бирлиги элементи бўлиб, асосида мавжуд бўлган ҳудудий структура асосида шаклланади:


- маъмурий туман;
- қишлоқ фуқаролар йиғини;
- фермерлик бирлашмаси ва агро фирм;
- фермер хўжалиги;
- қишлоқ аҳоли пункти;

Жойлаштиришнинг рационал системаси ишлаб чиқариш ривожланиши ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ривожланиши перспективасига жавоб бериши керак. Шу билан бирга ижтимоий ишлаб чиқариш, инженер-транспорт ва бошқа инфраструктуралар ва маданий-маиший, рекреацион ва меҳнат алоқаларининг қишлоқ фуқаролар йиғини чегарасида шаклланишини ҳисобга олиш керак.

### Қишлоқ фуқаролари йигинларини ҳудудларини меъёрий режавий ташкиллаштириш (ҲМРТнинг асосий мазмуни)

<b>I чи босқич лойиҳаси</b> ҲМРТ лойиҳаси Бош тарҳнинг элементлари Батафсил режа лойиҳаси (БРЛ)	<b>II чи босқич лойиҳаси</b> Ишчи ҳужжат лойиҳаси Қишлоқ аҳоли пунктлариниг бош тарҳи эскиз лойиҳаси (ЭЛ)
--	--

### УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.



\* БРЛ Батафсил режа лойиҳаси

\* ЭЛ Қишлоқ аҳоли пунктлариниг бош тарҳи эскиз лойиҳаси

## Архитектура

1. Ушбу нормалар ва қоидалар ишлаб чиқариш фаолияти ва мулкчиликнинг турли шаклларидағи янги қишлоқ хўжалик корхоналарининг лойиҳалаштирилиши ва мавжудларининг реконструкция қилинишига тегишлидир, барча лойиҳалаштирилиши ва ташкил қилинишига нисбатан асосий талабларни ўз ичига олади ва қайси идорага бўйсунишидан қатъий назар барча лойиҳалаштирилиши учун мажбурий хисобланади.

2. Ушбу нормалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

1998 йил 21-майдаги “Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш дастури тўғрисидаги” 182 - сонли Қарорини бажарилиши мақсадида ишлаб чиқилган. Қишлоқ хўжалиги корхоналари худудларини меъморий режалаштириш ва ташкил қилиш юзасидан лойиҳалаштирилиши ишлаб чиқишида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикасини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришга доир жорий ҳамда истиқболли прогнозларга амал қилиш зарур.

Ушбу нормалар Республика қурилиш нормалари ва қоидалари классификаторининг таркибий қисми ҳисобланади ва айни бир вақтда мазкур классификаторнинг архитектура ва шаҳар қурилиши, қурилиш, экология ҳамда ерхўжалик қурилиши соҳасидаги бошқа меъёрий хужжатларининг ҳам амал қилишини тақозо этади.

3. Қишлоқ хўжалик корхонаси - бу очиқ ва ёпик турдаги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, саноат, ташқи ва ички инфратузилма обьектлари, аҳолининг яшайдиган, меҳнат қиласидаги ва дам оладиган жойларининг табиий мухитда иқтисодий ва экологик жиҳатдан мақсадга мувофиқ равишда, ягона меъморий режалаштириш фикри асосида ҳал қилинган шаҳар қурилишининг қўшиб олиб борилишидир.

Қишлоқ хўжалик корхонаси худудини очиқ шаҳар қурилиши тизими сифатида ва шаҳар қурилиши фаолияти тарзида - аграр шаҳар қурилиши комплекси каби кўриб чиқиши керак бўлади.

4. "Қишлоқ хўжалик корхоналари худудларини меъморий режалаштириш ва ташкил қилиш" лойиҳаси ёки қишлоқ фуқаролари йигини принципиал шаҳар қурилиши вазифаларини, барча аҳоли пунктларининг режалаштирилдиган тузилмасини ҳал этади ва лойиҳалаштириш учун асос бўлиб хизмат қиласидир.

### Асосий вазифалар:

- Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши обьектларининг ер қурилиши лойиҳаси ва қишлоқ хўжалик корхонасини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш прогнози билан уйғунлаштирилган ҳолдаги истиқболдаги тараққиётини, ушбу обьектлар асосларининг жойлаштирилиши ва режалаштирилишини белгилаш;

- хўжалик ичida қарор топган жойлашувнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг худудий ташкил этилиши билан уйғунлаштирилган ҳолдаги реконструкцияси;

- қишлоқ хўжалик корхонаси аҳолиси, шу жумладан, ҳар бир аҳоли пункти бўйича аҳолининг лойиҳадаги сонини белгилаш;

## Шаҳар ва туманларнинг тархий таркиби

- қишлоқ хўжалик корхонаси ҳудудида маданий-майший хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этиш;
- фуқаролар учун уй-жойлар ва ишлаб чиқариш мақсадидаги қурилиш учун зарур ҳажмларни ва улар жойлаштириладиган жойларни белгилаш;
- хўжалик ичидаги транспорт-пиёдалар коммуникацияларини ташкил қилиш;
- аҳоли пунктларининг қишлоқ хўжалик корхонаси доирасидаги муҳандислик таъминоти, ободонлаштирилиши ва ландшафтнинг шакллантирилиши бўйича таклифларни ишлаб чиқиши;
- аҳоли сонидан қатъий назар аҳоли пунктларини режалаштиришнинг принципиал схемаларини ишлаб чиқиши;
- атроф муҳитни ҳимоя қилиш, табиат, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиши.

Санаб ўтилган вазифаларнинг ҳал этилиши вариантили асосда бажарилиши лозим, табиат ва бошқа ресурсларга энг кам зарап етказган ҳолда қишлоқ аҳолиси турмушининг юксак ижтимоий-иктисодий даражасига эришиш уларни баҳолаш мезони ҳисобланади.

### Худудни ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил қилиш

#### 1. Қишлоқ хўжалик корхонасини турли худудий даражалар тизими:

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўз чегаралари доирасида, маъмурӣ қишлоқ хўжалик тумани, вилояти ёки унинг бир қисми доирасида, минтақа доирасида ва, ниҳоят, Республика агросаноат комплекси доирасида ташкил этилишидан иборат агросаноат комплексининг элементи сифатида лойиҳалаштириш керак бўлади.

2. Корхонанинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этишининг ўзига хос хусусиятлари минтақанинг тарихий қарор топган ва табиий шартшароитлари асосида умумий Республиkanинг ижтимоий-иктисодий ривожлантирилиши прогнозини ҳисобга олган ҳолда қуидаги асосий масалаларни ҳал қилиб белгиланади:

- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ихтисослашувини белгилаш;
- қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишлаб чиқариш бўлинмаларини жойлаштириш;
- хўжалик ичидаги магистраль йўл тармоғини жойлаштириш;
- янги ерларни аниқлаш ва ўзлаштириш, мавжуд суғориш ва коллектор-дренаж тармоғини реконструкциялаш, ерлар рекультивацияси, эрозияга қарши тадбирлар<sup>8</sup>;

### Хўжалик ичидаги ишлаб чиқариш объектлари тармоғини шакллантириш

1. Ишлаб чиқариш объектларининг жойлаштирилиши қишлоқ хўжалик корхонасининг ишлаб чиқариш фаолиятини астойдил иктисодий таҳлил этиш асосида ва қабул қилинган жойлаштириш тизимига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Ишлаб чиқариш объектларини аҳоли сони 100 киши ва ундан кўп бўлган посёлкалар, йўллар, сув таъминоти тармоқлари, электр таъминоти яқинида,

<sup>8</sup> K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition

## **Архитектура**

маҳаллий шарт-шароитларни (иқлим, жойнинг рельефи, шамолларнинг асосан қайси томонга қараб эсиши, очик сув ҳавзаларининг мавжудлиги, ер ости сувларидан фойдаланиш имконияти ва бошқалар) ҳисобга олиб жойлаштириш керак бўлади.

Ишлаб чиқариш обьектларининг қуввати ва йўналишлари қишлоқ хўжалик корхонасининг хўжалик фаолияти йўналишларини (пахтачилик, дончилик, шоликорлик, боғдорчилик, чорвачилик ва бошқалар) ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

2.Куйидагилар ишлаб чиқариш обьектлари ҳисобланади:

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар;
- қишлоқ хўжалик техникаси ва автотранспортни таъмирлаш, техника хизмати кўрсатиш ва сақлаш корхоналари;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари омбор-хоналари ва сақланадиган жойлар;
- чорвачилик, паррандачилик, ҳайвонотчилик фермалари, озуқа тайёрлаш пунктлари, ҳовузчилик хўжаликлари;
- ветеринария муассасалари<sup>9</sup>.

3.Ишлаб чиқариш обьектларини қуриш учун участкаларни ажратишида аҳо-ли пунктларини санитария ҳимоялаш зоналари яратилишини, лойиҳалаштиришнинг ветеринария, ёнғинга қарши ва технологик меъёrlарини ҳисобга олиш керак бўлади.

Санитария ҳимоялаш минтақалари ердан фойдаланишдан чиқариб ташланмайди ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши эҳтиёjlари учун фойдаланилиши керак.

Санитария ҳимоялаш зonasida туар-жой бинолари, болаларнинг мактабгача ва мактаблар муассасалари, соғлиқни сақлаш ва истироҳат муассасалари, спорт иншоотлари, боғлар, хиёбонлар, боғдорчилик жамиятлари ва полизларни жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

## **Назорат саволлари:**

1. Ўзбекистон Республикаси аҳолиси қанча?
2. Замонавий шаҳар ва қишлоқларнинг ривожланиши қандай жараён билан белгиланади?
3. Шаҳар ва қишлоқнинг узлуксиз ривожланиш жараёни ниманинг ўзгаришида кўзга ташланади?
4. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларида қанча аҳоли яшайди?
5. Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг асосий вазифаси нималардан иборат?

## **Фойдаланган адабиётлар:**

1. K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition.
2. Mohinder S. Grewal , Angus P. Andrews , Chris G. Bartone. Глобальная навигационная спутниковая система. Global Navigation Satellite Systems, Inertial Navigation, and Integration 3rd Edition. USA, 2013, english, Wiley Interscience.

<sup>9</sup> K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition

3. Travis Beck. Principles of Ecological Landscape Design. Island 2013
4. Ловров В.А. «Методика реконструкции городов» Москва, СНиП
5. ШНК 2.07.01-12
6. Хосиева С.А. «Архитектура городской среды» Москва Стройиздат 2001
7. Лола А.М. «Основы градоведения и теории города» 2005
8. Оленьков В.Д. «Градостроительная безопасность». 2007.
9. Н.В Маслов «Градостроительная экология». «Высшая школа». 2003.
10. В.В Аникеев., В.В Владимиров. «Градостроительные проблемы совершенствования административно-территориального устройства». 2002.
11. Исамухамдова Д.У., Адылова Л.А. «Шаҳарсозлик асослари ва ландшафт архитектураси». Дарслик. 1-қисм., Тошкент, 2009.
12. Исамухамдова Д.У., Адылова Л.А. «Шаҳарсозлик асослари ва ландшафт архитектураси». Дарслик. 2-қисм., Тошкент, 2009.
13. Исамухамедова Д.У. Исмаилов А.Т., Хотомов А.Т. “Инженерлик ободонлаштириш ва транспорт”. Дарслик., 1 қисм., Тошкент, 2009.
14. ШНК 2.07.01-12
15. <http://www.arhitekto.ru/txt2razv16.shtml>
16. [http://www.Glazichev.ru/books/mir\\_architectury/glava\\_8/glava\\_08-01.htm](http://www.Glazichev.ru/books/mir_architectury/glava_8/glava_08-01.htm)
17. Principles of Town Planning and Architecture, Marie-Helene Contal, Jana Revedin, Boston, USA, 2009.

**2-мавзу: “Ҳудудий - иерархик тизимининг тақсимланиши шаклланиши”.**

**Режа:**

- 2.1. Аҳоли пунктларининг ижтимоий - иқтисодий интеграцияси.
- 2.2. Маҳаллий тақсимлаш тизимининг тизими-лойиҳаланиши.
- 2.3. Қишлоқ фуқаролар йиғини-маҳаллий тақсимлаш тизимининг асосий элементи.

**Таянч иборалар:** шаҳарсозлик, инфратузилма, компенсация, интенсив, объект, ядро, урбанизация, тенденция.


### **2.1.Аҳоли пунктларининг ижтимоий-иқтисодий интеграцияси.**

Бугунги кунда шаҳарсозлик ва лойиҳалаш соҳасида янгича, янада каттароқ миқёсларда фикрлашга ўтиш аҳоли пунктларининг жойлашув тизимларидағи самарали ривожланиши ва фаолият кўрсатиши билан боғлиқ масалалар мажмуасини ҳал қилишнинг энг муҳим шарти бўлиб қолмоқда<sup>10</sup>. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва шаҳарсозлик соҳасида лойиҳалаштириш объектлари сифатида алоҳида қишлоқ аҳоли пунктлари бир бир қаторда жойлашувнинг гуруҳли шакллари ҳам қабул қилмоқда. Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, аҳоли пунктларининг меъморий-режали ташкил этиш бўйича қўпгина асосий масалалар факат алоҳида аҳоли пункти учун эмас, балки бутун тизим миқёсида кўрилиши мумкин. Бунда алоҳида аҳоли пунктининг режали тузилмаси ҳудуд

<sup>10</sup> K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition

## Архитектура

бўйича каттароқ миқёсга эга бўлган анча мураккаб тизим таркибидаги кичик тизимга айланиб бораётгани қузатилмоқда. Юқорида қайд этилган принциплар асосида аҳоли пунктларининг гуруҳли тизимлари (АПГТ) шакланади.



Аҳоли пунктларининг сийрак тармоғи. аҳоли пунктларининг кичик ўчиқли тармоғи. жойлашувнинг гуруҳли шакллари. шаклланаётган агломерациялар. шаклланган агломерациялар.

қўшни аҳоли пунктлари орасидаги ўртача масофа.

аҳоли пунктлари тармоқларининг зичлиги.<sup>11</sup>

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТУРЛИ ЖОЙЛАШУВ ЗОНАЛАРИДАГИ АҲОЛИ ПУНКТЛАРИ ТАРМОҚЛАРИ ҲУДУДИЙ ТУЗИЛМАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИ

**Аҳоли пунктларининг гуруҳли тизимлари (АПГТ)**—аҳолининг аҳоли пунктлари ўртасида қатнашига сарфланадиган вақт чегарасида жойлашган аҳоли пунктларининг режали-тартибга солинадиган тизими. Бу тизим ижтимоий-иқтисодий ва режавий функционал ўзаро муносабатлар интеграцияси асосида турмуш шароитларини оптималлаштириш мақсадида яратилади.

Аҳоли пунктларининг жойлашув тизимларини шаклантириш йўналишидаги ривожланиш жараёни бир нечта босқичга бўлинади. Бу босқичларни ажратиш келгусидаги ҳолат характерини прогнозлаш имкониятини беради. Бу шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқларнинг ўзаро боғланган тармоғининг график моделида яққол қўрсатилган бўлиб, оддий аҳоли пунктлари тармоғи шартли равишда бир

<sup>11</sup> K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition

турдаги майдон, шаҳарлар–маъмурий марказлар жойлашув тизимининг ядролари, маъмурий-худудий бўлиниш чегаралари эса – жойлашувнинг тузилмавий шакли сифатида кўрилади.

Аҳоли пунктларининг ўзаро боғлиқ тарзда ривожланишининг қучайиши жараёнида тўртта босқични ажратиш мумкин, уларнинг ҳар бири аҳоли пунктлари орасидаги ўзаро боғлиқликнинг янада юкорироқ ва янги шакллари билан фарқланади. Республикализнинг аксарият вилоятларида жойлашув тизими аҳоли пунктларидағи функционал табақаланишининг қучайиши ва илм-фан, дам олиш ва туризм, агаарсаноат ишлаб чиқариш марказлари каби бир қатор ихтисослашган функцияларни бажарувчи шаҳар ва посёлкалар ажралиб чиқиши билан тавсифланади.

Аҳоли пунктлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг қучайиши шуни кўрстаятики, вилоят ва туманлар миқёсидаги жойлашув тузилмаси ривожаланишининг кейинги босқичи жойлашувнинг табақалашган шакли деб эътироф этилувчи ҳолатга ўтишдан иборат бўлади. Прогнозлаштирилаётган бу босқич тизимдаги барча аҳоли пунктларининг қўйида келтирилган ўзаро функционал боғланишлари: ижтимоий-маданий, рекреацион ва бошқа ихтисослашган умумтизим миқёсидаги обьектларнинг ривожланиши (улар фақат тизим бўғинлари сифатида мавжуд бўлиб фаолият юритиши мумкин); аҳолининг вилоят тизимидағи барча асосий ихтисослашган марказларга маятниксимон миграцияси;

### **Аҳоли пунктлари интеграциясининг график модели**

Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ўртасидаги фарқланишларнинг деярли бўлмаслиги; тизимнинг аҳоли яшайдиган ҳудудларида ягона муҳандислик-техник инфратузилма шаклланаши билан ажралиб туради<sup>12</sup>.


Шаҳар-марказларнинг интенсив таъсир зonasидаги қишлоқ аҳоли пунктлари ҳамда вилоят ва туманларнинг чекка қишлоқлари ривожланиши бўйича ўтказилган таҳлил натижалари муайян тизим доирасида шаҳар-марказга нисбатан жойлашув ҳудудлари бир турда бўлмай, бу тизим чегарасида жойлашган аҳоли пунктларининг табақаланиш жараёни қучайганини кўрсатаяти–буни “марказнинг таъсир эффиқти” деб таърифлаш мумкин. Одатда, чекка ҳудудлардан шаклланашган тизим марказига яқинлашган сари агломерация ва муҳит урбанизацияси жараёнлари фаоллиги ошиб боради. Бунда тизимнинг тузилмавий режали ядроидаги жараёнлар “қуввати” ва ҳудудий бирлашишларнинг сифати чекка ҳудудларда жойлашган аҳоли пунктлари локал гуруҳларидагига қараганда анча юқори эканлигини қайд этиш лозим. Бундай ҳолатни аҳоли сони ўсиши ва иқтисодий ривожланишининг жадал суръатлари, аҳоли ўртасидаги икки томонлама алоқалар, шаҳар-марказ ва унинг атрофидаги аҳоли пунктлари ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши айнан шаҳар-марказ яқинида жойлашган аҳоли пунктларида кузатилиши билан изоҳлаш мумкин. Вилоятлардаги жойлашув тизимлари доирасида эса бу каби агломерацион жараёнлар вилоят

<sup>12</sup> K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition


## Архитектура

марказидан узоқда жойлашган туман марказлари (ёки нисбатан катта шахралар) атрофида содир бўлади<sup>13</sup>.

Жойлашувнинг шаклланаётган тизимлари ичида худудий бирлашиш жараёнлари натижасида жойлашув минтақалари ҳосил бўлиб, улар асосий ижтимоий-иктисодий ва тузилмавий-режали кўрсаткичлар, қишлоқ аҳоли пунктларининг марказий шаҳарга нисбатан жойлашиш хусусиятлари бўйича сезиларли фарқланадилар:



ПРИНЦИПИАЛЬНАЯ СХЕМА ВЗАИМОСВЯЗЕЙ НАСЕЛЕННЫХ ПУНКТОВ  
В СИСТЕМЕ РАССЕЛЕНИЯ



Тизимнинг бош маркази. Туман маркази. Қишлоқ аҳоли пунктлари  
Жойлашув минтақалари  
Жойлашувнинг I минтақаси. Жойлашувнинг II минтақаси. Жойлашувнинг III минтақаси

I R = 30-45 дақ. II R= 45-60 дақ. III R = 60-90 дақ.

<sup>13</sup> K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition

## Аҳоли пунктларининг жойлашув тизимидағи ўзаробоғланишларининг принципial схемаси

Қишлоқ аҳоли пункти Минтақавий марказга 1—туар жой зонаси; 2—саноат зонаси; 3—жамоат маркази; 4—дам олиш занаси; 5—ташқи қишлоқлараро алоқалар; 6—аҳоли пункти ичидаги алоқалар.

### Аҳоли пунктларининг жойлашув тизимидағи ҳолати

Жойлашувнинг I минтақасидаги қишлоқ аҳоли пунктлари, улар, асосан, бош транспорт коммуникациялар бўйлаб шаклланувчи ривожланишнинг асосий ўқларида жойлашади. Бу ўқлар мономарказли тизимларда жойлашувнинг ўзига хос нурларини ташкил этадилар<sup>14</sup>.

Шаҳарсозликка оид барча кўрсаткичлар (биноларнинг зичлиги, функцияларнинг хусусиятлари, кундалик алоқаларнинг йўналиши ва интенсивлиги, техник инфратузилманинг умумийлиги, ривожланиш суръатлари ва б.) қайси аҳоли пунктлари йирик шаҳар-марказнинг таркибига киришини белгилаб беради. Уларнинг режавий тузилмасини ривожланиши агломерация учун умумий режавий тузилма шаклланиши масалаларининг ҳал қилинишига боғлик;

-жойлашувнинг I минтақасидаги жойлашув нурлари ташқарисидаги қишлоқ аҳоли пунктлари ривожланиши нисбатан сустроқ бўлиб, уларнинг худудий ўсиш истиқболлари агломерация учун умумий режавий тузилма шаклланиши масалаларининг ҳал қилинишига боғлик;

-жойлашувнинг II минтақаси ривожланиш ўқидаги қишлоқ аҳоли пунктлари. Бундай аҳоли пунктларининг режавий тузилмаси агломерацияни кичик марказлари таъсири остида шаклланади. У йирик тасмасимон тузилманинг бир қисми сифатида ривожланишини назарда тутиш керак.

-жойлашувнинг III минтақаси ривожланиш ўқидаги қишлоқ аҳоли пунктлари. Бундай аҳоли пунктлари режавий тузилмаси жойлашувларни локал гуруҳи ичидаги турли алоқалар ортиши шароитида ривожланади. Юқорида баён этилганлар якуни сифатида таъкидлаш лозимки, шаклланаётган жойлашув тизимларидаги аҳоли пунктлари тузилмавий интеграцияси жараёнларини англаш шаҳарсозлардан уларнинг ривожланиши ва режали ташкил этилишига янгича ёндошишни талаб қиласди. Бундай ёндошувнинг мазмун-моҳияти қўйидаги асосий методик ҳолатлар мужассамлигини ҳаётга татбиқ этишдан иборат:

-аҳоли пунктини алоҳида обьект сифатида лойиҳалаштиришдан воз кечиш;

ложиҳалаштирилаётган обьект ривожланиши миқёсини бошқа ҳолатлар билан бирлаштирган ва режали тузилмасини шаклланишини унинг шаклланаётган жойлашув тизимидағи ҳолати ва функцияларини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш;

-ложиҳа ишлари турларини ва лойиҳа ҳужжатлари мазмун-моҳиятини жойлашув тизимларига мувофиқлаштириш.

Аҳолининг барча қатламлари учун, улар қаерда яшашидан қатъий назар, меҳнат, турмуш ва ижтимоий-маданий шароитларни имкон қадар бир хил

<sup>14</sup> K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition

## Архитектура

даражада бўлиши таъминлаш жойлашув тизимларидаги қишлоқ аҳоли пунктларини функционал ва режали ташкил қилишнинг асосий вазифалари бири ҳисобланади. Жойлашув тизимларини ташкил этиш қишлоқ аҳоли пунктлари аҳолиси учун ҳам ишлаб чиқариш, ҳам маданий-майший ва ижтимоий соҳаларда имкониятлар доирасини кенгайтириш билан бирга жойлашувнинг шаҳар ва қишлоқка хос тизимлари ўртасидаги фарқланишларни сезиларли даражада тенглаштирасада, уларни батамом бартараф қила олмайди. Шаҳар-марказ билан транспорт алоқалари, шакллари ва имкониятлари турлича бўлгани сабабли жойлашув тизимининг турли минтақаларидаги қишлоқ аҳоли пунктлари ҳам бир-бирларидан сезиларли даражада фарқланади. Демак, ҳаттоқи келгусида ҳам, жойлашув тизимининг ривожланган шароитларида ҳам турли аҳоли пунктларида яшовчилар бир қатор муҳим кўрсаткичлар бўйича турлича турмуш шароитларига эга бўладилар. Лекин, таъкидлаш зарурки, агар қишлоқ аҳоли пунктларидаги қишлоқ аҳолиси ижтимоий-иқтисодий марказлардан узокда яшагани учун муайян турмуш шароитлари бўйича орқароқда бўлсалар, шаҳар аҳолиси табиий муҳитдан узокда истиқомат қилганлари учун яшаш қулайликлари бўйича ёмонроқ шароитда бўладилар. Яшаш шароитларидаги шу каби объектив тенгсизлик кичикроқ миқёсдаги худудий тузилмалар доирасида ҳам кузатилади. Амалда, бундай ҳолат шуни англатадики, бир афзалликка (марказда истиқомат қилиш) эришишдаги қийинчиликлар бошқа афзаллик – табиий муҳитга яқин бўлиш билан компенсацияланади. Бу ҳолатни тасодифий деб ҳисоблаш мумкин эмас, уни компенсациялаш асосида енгиб ўтиш барча жойда умумий хусусиятга эга<sup>15</sup>.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқкан ҳолда, барча аҳоли яшайдиган жойларда, уларнинг асосий марказлар ва тузилмавий-режали тугунларга нисбатан жойлашувини инобатга олиб туриб, бундай фарқланишларни компенсациялашга асосланган ҳисобга олиш принципига ўтиш зарурлигини тан олиш лозим. Қишлоқ жойларга саноат, хизмат кўрсатиш объектлари ва муҳандислик-транспорт инфратузилмаларини киритиш асосида қишлоқ аҳоли пунктларининг ижтимоий-иқтисодий потенциали кучайтириш эҳтиёжи туғилади. Натижада, аграр-саноат интеграцияси ривожланиб, қишлоқ ҳудудлардаги жойлашув тизимларида урбанизация даражаси ошади.

### 1. Махаллий тақсимлаш тизимининг тизими-лойиҳаланиши

Жойлаштиришнинг маҳалий тизимарини қишлоқ аҳоли пунктлари ва фаолиятнинг худудий турларини ривожлантириш билан боғлиқ шакллантириш шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг ўзаро боғлиқликда ривожлантириш масаласини ҳал қилишга, шунингдек бу каби ривожланишнинг аниқ шаҳарсозлик шакллари яратилишига ёрдам беради. Лекин, аҳоли пунктларини лойиҳаштиришнинг ҳозирги амалиётида алоҳида шаклланган аҳоли пунктларини режалаштириш ва уларда турли соҳа объектларини қуриш асосий шаҳарсозлик масаласи бўлиб келмоқда. Бу каби ёндошув шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг ўзаро боғлиқ равишда ривожланиши тенденциясига зиддир. Шу сабабдан, аҳоли пунктларини ривожлантириш бўйича шаҳарсозлик масалалари ечимиға комплекс ёндошув зарурати борган сари долзарб кўринишга эга

<sup>15</sup> K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition

бўлмоқда.

Маъмурий туманларда қишлоқ аҳоли пунктлари ривожланишидаги асосий йўналишларни ва мувофиқ хўжалик инфратузилмаларининг ҳудудий ташкил этишининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва таҳлил қилиниши жойлаштиришнинг маҳаллий тизимларида функционал ва режали тузилмалари шаклланишидаги қўйидаги муҳим жиҳатларини очиб бермоқда:<sup>16</sup>

жойлаштиришнинг маҳаллий тизимларини шакллантириш жараёнида аҳоли пунктлари-марказларнинг тузилма ташкил қилувчи роли ва аҳамияти кучайиб бораяпти, бу ҳолат маъмурий туман аҳолисининг аксарият қисми маҳаллий марказга жамланишида ифодаланади;

-хўжалик ўзгаришидаги ва унинг ижтимоий-иктисодий таъсир қилиш зонасидаги жойлашувнинг хусусиятларни белгилаб берувчи омил сифатида маҳаллий марказ аҳамиятининг ортиши;

-шаклланаётган тизим доирасида жойлашувнинг ҳудудий ва функционал жиҳатдан бирлашиши, бунга юқорида санаб ўтилган жараёнлар сабаб бўлмоқда;

-маҳаллий тизимларнинг функционал ва тузилмавий-функционал яхлитлигининг кучайиши, бунга улар доирасидаги транспорт тармоқларининг такомиллашуви, аҳолининг меҳнат ва маданий-маший маятниксимон миграцияси, аҳолига қишлоқлараро ижтимоий хизмат қўрсатиш тизимининг шаклланиши ва қишлоқ аҳолисига хизмат қўрсатишнинг кўчма шакллари ривожланиши каби омиллар ёрдам беради;

агарсаноат интеграцияси жараёнларининг асосан жойлашувнинг маҳаллий тизимлари доирасида ривожланиши.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришга аграр-саноат бирлашмаларни татбиқ қилиш ва шу йўл билан маъмурий туман ёки туманлар гурӯҳи ишлаб чиқариш тизимини ҳудудий ишлаб чиқариш бирлигига айлантириш учун дастлабки шартларни яратилиши маҳаллий марказ ва истиқболли қишлоқ аҳоли пунктларининг функционал тузилмасини мураккаблаштириш ва такомиллаштиришга хизмат қиласди. Шу билан бирга аҳоли пункти-маҳаллий марказнинг интенсив таъсири остидаги зонада агросаноат ишлаб чиқариш инфратузилмаси жамланиши учун шароитлар ташкил қилинади. Бир вақтнинг ўзида марказдан узоқда жойлашган маҳаллий жойлашув тизимларида меҳнаткашлар мавсумий ёки вақтинча ишлайдиган ишлаб чиқариш базалари ривожланиши учун дастлабки шартлар ҳам яратилади.

Санаб ўтилган тенденцияларнинг барчаси истиқболли жойлашув характерига, жойлашувнинг маҳаллий тизимлари ва, мос равища, марказлар вазифасини бажарувчи ёки, аксарият ҳолларда, жойлашувнинг маҳаллий тизимларида оддий бўғин сифатида қараладиган аҳоли пунктларининг режали ташкил этилишига бевосита таъсир қўрсатади. Шу билан бирга, бу тенденциялар барча шаҳарсозлик тадбирлар ва, биринчи навбатда, бутун тизимдаги жойлашув ривожланиши манфаатларин ҳисобга олган ҳолда марказларнинг ривожлантиришга қаратилган тадбирларнинг ижтимоий, иқтисодий ва меъморий-режали нуқтаи назардаги самарадорлигини баҳолаш зарур эканлигини қўрсатади. Бу тенденциялар жойлашувнинг шаклланаётган маҳаллий тизимларини ягона

<sup>16</sup> K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition

## Архитектура

шаҳарсозлик бутунлигини ва келгусида улар асосида сифат нуқтаи назарида янги, шаҳарсозлик нуқтаи назарида ягона тузилмалар – жойлашувнинг локал ҳудудий бирликлари пайдо бўлишини шартлаб берадилар.

Бу каби жойлашув бирликларини ишлаб чиқариш алоқаларини ҳисобга олган ҳолда яратилиши шаклланган қишлоқ жойлашувини ўзгартиришда принципial аҳамиятга эга, сабаби, жойлашувнинг локал ҳудудий бирликларидаги аҳоли пунктлари бутун мужассамлигининг (“лотер”) ривожланишини бошқариш бўйича тадбирларнинг (иктисодий, ижтимоий, шаҳарсозлик ва б.) ягона комплекси ишлаб чиқилишини таъминлайди. Туман доирасида хўжалик ёки ижтимоий умумийлик асосида шакланаётган ҳар бир ҳудудий жойлашувнинг локал бирлиги юқорида санаб ўтилган тенденциялар таъсири остида келгусида маҳаллий марказ томонидан бошқариладиган ва коммуникацияларнинг умумий тизими билан боғланган турар-жой, меҳнат ва дам олиш зоналаридан таркиб топган комплексларни ташкил қиласидар. Локал ҳудудий бирлик аҳолиси учун истиқболда кундалик хусусиятга эга бўлиши кутилаётган меҳнат ва маданий-маиший алоқалар туфайли бундай бирликлар, ўз моҳиятига кўра, жойлашувнинг анъанавий шакли, яъни мувофиқ ўлчамга эга шаҳар (режали тузилмаси тарқоқлашган) сифатида кўрилиши мумкин бўлади.

Шундай шакланаётган жойлашув бирликларида жойлашув ва ҳудуддан фойдаланишда ҳар хилликнинг ошиб бораётган хусусияти намоён бўлмоқда. Қишлоқлараро меҳнат ва маданий-маиший алоқаларнинг бугунги қундаги ривожланишида ён-атрофда яшовчи аҳолининг маҳаллий марказларда ишлайдиларининг улуши анча салмоқли бўлиб, баъзида маҳаллий марказда ишловчиларнинг 20-25% ни ташкил қиласидар. Бундай вазият кўпроқ қишлоқ аҳоли пунктларининг кўпчилиги марказий аҳоли пунктига ёндош бўлганида кузатилади. Бундай ҳолатда маҳаллий марказ (туман маркази) ўзига ёндош қишлоқ аҳоли пунктлари, шунингдек ўз ҳудуди чегаралари яқинида жойлашган айrim қишлоқ хўжалик обьектлари билан жойлашув ядросини шакллантиради, бу ядро локал ҳудудий жойлашув бирлигининг режали тузилмасида етакчи ўринни эгаллади<sup>17</sup>.


Шаҳардан ташқарида яшайдиган, лекин марказда ишлайдиган меҳнаткашлар жойлашувининг чизиқли радиуси бир қатор омилларга, биринчи навбатда, транспорт қатновига боғлиқ равишда сезиларли даражада фарқланади. Шаҳарликмас меҳнаткашларнинг катта қисми (30% ва ундан кўп) маҳаллий марказга автобус қатнови билан боғланган бўлиб, одатда, шаҳардан 15 км дан узоқ бўлмаган аҳоли пунктларида яшайдилар. Бундай меҳнаткашларнинг аксарияти учун жойлашув зонаси марказий аҳоли пунктидан 10-12 км узокликдаги радиусни ташкил қиласидар. Бир соатли йўл радиусида жойлашган қишлоқ аҳоли пунктларида яшовчи аҳоли (шунингдек, 10-15 км узокликда, яън 1,5 соатли радиусда яшайдиганлар ҳам) туманнинг бошқа аҳоли пунктларига қараганда туман маркази билан кўроқ ва яқинроқ, тахминан ҳафтасига бир марта алоқада бўлиб, туман марказидаги асосий маданий-маиший муассасалардан фойдаланадилар. Меҳнат ва маданий-маиший алоқалар таҳлили шуни кўрсатдики, ушбу зонада жойлашган қишлоқ аҳоли пунктлари шаҳар билан бошқа аҳоли пунктларига қараганда кўпроқ

<sup>17</sup> K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition

## Шаҳар ва туманларнинг тархий таркиби

алоқда бўлар эканлар. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, кўпчилик туман марказлари 10-15 км радиусда ўзига хос “интенсив таъсир зонаси”ни ташкил этадилар.

Баён этилганларнинг ҳаммаси маҳаллий марказ ва унга яқин жойлашган қишлоқ аҳоли пунктлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар етарлича мураккаб хусусиятларга эга эканлигидан ва маҳаллий марказга тушаётган юклама нафакат мавжуд, балки, интенсив таъсир зонасида яшайдиган аҳолининг кундалик қатновлари натижасида борган сари ортиб боришидан далолат беради. интенсив таъсир зоналарида аҳоли пунктлари аксарият ҳолларда туманнинг бошқа қишлоқ аҳоли пунктларига қараганда тезроқ ривожланади. Натижада, ушбу зона жойлашувнинг маҳаллий тизими ва унинг маркази тузилмавий-режали ташкил этилишининг мустақил комплекс омили сифатида хизмат қиласди.



“Макро” даражаси (республика, вилоятлараро)

“Мезо” даражаси (вилоят, туманлараро)

“Микро” даражаси (туман ичидаги)

I минтақа, II минтақа, III минтақа

“Лотер”-локал ҳудудий жойлашув бирлиги

A-қишлоқ хўжалик корхонасининг маркази; Б-хўжаликлараро марказ; В-туман маркази; Г-туманлараро марказ

А - центр сельхозпредприятия; Б - межхозяйственный центр  
В - районный центр; Г - межрайонный центр.

## ЖОЙЛАШУВНИНГ ҲУДУДИЙ - ИЕРАРХИЯ ТУЗИЛМАСИ МОДЕЛИ

Жойлашувнинг маҳаллий тизимининг режали тузилмасида маҳаллий марказнинг интенсив меҳнат ва маданий-маиший таъсир зонасидан ташқари таҳминан 15-25 км радиусда иккинчи зона ҳам шаклланиш эҳтимоли ҳам бор. Бу зонада ҳам маҳаллий марказнинг маданий-маиший таъсири сезилади<sup>18</sup>.

Ҳозирги кунда маҳаллий марказнинг интенсив таъсири зонасида жойлашган қишлоқ аҳоли пунктлари жадал ривожланишини ва иккинчи зонадаги қишлоқ аҳоли пунктларидағи аҳоли сони барқарорлашганини кузатиш мумкин. Бу ҳолатни марказга яқин жойлашган аҳоли пунктлари марказдан узоқдаги аҳоли пунктларидағи қараганда қўпроқ қулайликларга эга бўлишлари билан изоҳлаш мумкин. Улар, одатда, аҳолисини йўқотмайди, аксинча, бундай аҳоли пунктларидағи аҳоли сони қўпаяди. Ундан ташқари, туман марказлари таъсир зоналаридағи жойлашувга нисбатан йирик посёлкалар улушининг ортиши, қишлоқ хўжаликка ихтисослашмаган аҳоли пунктлари сонининг қўпайиши, аҳолининг хўжаликлар қошидаги посёлкаларда қўпроқ жамланиши, ихтисослашган обьектлар (паррадачилик фермалар, чорвачилик комплекслари, иссиқхона хўжаликлари ва ҳ.к.) қошидаги қишлоқ аҳоли пунктлари тармоқларининг шаклланиши каби тенденциялар хосдир.

Жойлашувнинг маҳаллий тизимлари шаклланиши босқичида иккинчи зонадан ташқарида, туманнинг чекка ҳудудларида жойлашган қишлоқ аҳоли пунктларининг сони қисқариш тенденциясига эга бўладилар. Келгусида бу тенденция шундай ҳолатга олиб келиши мумкинки, жойлашувнинг амалдаги зонаси бутун туман ёки тумандаги шароитлари ва ривожланишига кўра жойлашувнинг маҳсус зонасини ажратиш мумкин ва мақсадга мувофиқ бўлади. Ана шу зонадан ташқарида ўзига хос хусусиятларга эга зоналар шаклланиши мумкин. Масалан, бу зоналарда аҳоли доимий истиқомат қилиши учун ўринлар сони кам бўлиши мумкин. Ушбу зоналарда турар-жой бинолари деярли бўлмаган ишлаб чиқариш обьектлари ривожланадилар. Жойлашувнинг маҳаллий тизимларини режали тузилмасида алоҳида жойлашув зоналарини ажратиш лойихалаш амалиётида маҳаллий марказга нисбатан ҳисобланган жойлашув радиусининг ўртача кўрсаткичлари масаласини кўриб чиқиш имкониятини беради.

Туман марказлари яқинидаги қишлоқ аҳоли пунктларининг ривожланиш тенденцияси, хусусан, ҳатто кичик посёлкаларда ҳам аҳоли сонининг ўсиши шуни кўрсатаятики, маҳаллий марказнинг интенсив таъсири мавжуд бўлган шароитларда локал ҳудудий жойлашув бирликларининг элементлари бўлган қишлоқларни ўлчамлари сезиларли аҳамиятга эга бўлмайди, баъзи ҳолатларда эса анча кичик ҳам бўлиши мумкин. Жойлашув зонасининг чекка қисмлари эса, аксинча, етарлича йирик элементлардан шаклланиши лозим, бу зоналарда маҳаллий марказда банд бўлган аҳоли улуши марказий зонадагига қараганда анча камроқ бўлиб, ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими таркибиға даврий хизмат кўрсатиш муассасаларининг баъзилари киритилади.

<sup>18</sup> K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition

Шундай қилиб, маҳаллий тизимларнинг режали тузилмасида, келгусида эса, локал ҳудудий жойлашув бирликларида ҳам интенсив жойлашув зоналари ҳамда фақат хўжалик нуқтаи назарида ўзлаштириладиган зоналар шаклланиб боради.

Жойлашувнинг маҳаллий тизимларини режали тузилмаси шаклланиши уларнинг чегарасида ягона коммуникация инфратузилмасини ташкил этилиши билан узвий боғлиқ. Бугунги кунда қишлоқ ҳудудларидағи коммуникациялар тармоғи (йўллар, алоқа, электртаяминот, газ ва сув таъминоти, канализация) яхши ривожланмаган. Ҳаттоқи, баъзи туман марказларида ушбу тармоқларнинг ривожланиш даражаси замонавий талабларга жавоб бермайди. Қишлоқ аҳоли пунктларида эса газ ва сув таъминоти тармоқлари ривожланиши энди бошланаяпти. Қишлоқ жойлардаги йўлларнинг аксарият қисми асфальт билан қопланмаган, уларда ҳаракатланиш вақт ва маблағлар ортиқча сарфланишига сабаб бўлмоқда. Ягона коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш хўжаликларни ўзгартириш ва маҳаллий миқёсидаги жойлашув тизимларини ташкил қилиш учун асосий йўналиш ҳисобланади.<sup>19</sup>

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб жойлашувнинг маҳаллий тизимлари тузилмасини шакллантиришнинг қуидаги асосий жиҳатларни (улар марказларни режали ташкил этишининг муҳим омиллари сифатида ҳам кўрилиши мумкин) ажратиш мумкин:

-асосан маъмурий туман ёки туманнинг бир қисми (локал ҳудудий жойлашув бирликлари) чегараларида шаклланувчи ўзаро боғлиқ аҳоли пунктлари ривожланишидаги ишлаб чиқариш, транспорт, ижтимоий-маданий ва бошқа омиллари ягоналигини ортиши маҳаллий тизимлар ҳамда уларнинг марказларини тузилмавий-режали ташкил қилиш масалаларини ҳал қилиши заруратини, уларнинг ҳудудий ривожланиши хусусиятлари ва йўналишларини белгилашни, турар-жой ҳудудларини, аграр-саноат ва аграр корхоналарни, хизмат кўрсатиш ва дам олиш марказлари ва алоҳида муассасаларни, транспорт ва муҳандислик обьектларини жойлаштириш масалаларини нафақат алоҳида аҳоли пунктлари ва марказлар, балки бутун тизимнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши нуқтаи назарида шартлаб беради;

-жойлашувнинг маҳаллий тизимлари ҳудудларини марказий аҳоли пунктига нисбатан минтақавий зоналаш марказ ва бошқа аҳоли пунктлари тузилмасини белгилаб берувчи муҳим омил вазифасини бажаради;

-транспорт, алоқа ва қишлоқлараро муҳандислик коммуникациялари тармоқларидан ташкил топган ягона маҳаллий коммуникация инфратузилмаси тизим маркази ва унинг ташқи зонаси тузилмасида, барча тизимлар келишилган ҳолда ривожланиши ва ҳудудлардан самарали фойдаланиш мақсадида, ушбу инфратузилманинг асосий ва чизиқли обьектлари учун тегишли зона ва участкалар ажратиш йўли билан уни маҳсус режа асосида ташкил этилишини талаб қиласди;

-жойлашувнинг маҳаллий тизимлари учун хос бўлган тарқоқ режали тузилмалар шароитларида ушбу тизимнинг ижтимоий-иктисодий самарадорлигининг зарур даражасини таъминлаш унинг асосий иктисодий ва ижтимоий маданий потенциалини жойлашув зонасининг марказида

<sup>19</sup> K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition

## **Архитектура**

жамланишини назарда тутади. Қишлоқлараро коммуникациялар зичлиги юқори бўлган шароитларда маданий-маиший хизмат кўрсатиш обьектлари ва кўп меҳнат талаб қилувчи ёки коммуникация инфратузилмаси билан яқиндан боғланган ишлаб чиқариш обьектлари айнан шу марказий ҳудудларда жойлаштирилади.

## **2.2. Қишлоқ фуқаролар йигини-маҳаллий тақсимлаш тизимининг асосий элементи.**

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунида шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ҳамда овуллардаги маҳаллалар фуқаролар йигинлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари деб белгиланган.

Ўзини ўзи бошқариш органлари фуқароларга жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш хукуқларини амалга оширишда кўмак берадилар, ўз ҳудудидаги ижтимоий ва хўжалик масалаларини ҳал қилиш, маданий-оммавий тадбирларни ўtkазиш мақсадида фуқароларни бирлаштиради, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси, Ҳалқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимлар қарорларини ижро этишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига ёрдам беради.

Ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудий принцип асосида ташкил этиладилар.

### **Фуқаролар йигини:**

фуқаролар йигинининг фаолият дастурини ва харажатлар сметасини, тегишли ҳудуд доирасида ободонлаштиришга, кўкаламзорлаштиришга ва санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирлар режаларини тасдиқлайди;

фуқаролар йигини кенгаши раиси (оқсоқоли) ва маслаҳатчилари фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди, уларнинг йиллик ҳисоботларини эшитади;

-ўз ҳудудидаги ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун ихтиёрийлик асосида аҳоли, мулкчиликнинг турли шакллари асосида фаолият юритувчи корхоналар, ташкилотлар, муассасалар маблағларини йигиш тўғрисида қарорлар қабул қиласди;

-пул маблағлари сарфланишини назорат қиласди, зарур ҳолларда тафтиш комиссиясини тузади ва у тўғрисидаги низомни тасдиқлайди;

-ўз ҳудудида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тадбиркорлик фаолияти субъектларини, шу жумладан сартарошхоналар, пойабзал таъмирлаш ва тикиш бўйича устахоналар, ҳалқ хунармандчилиги цехларини ташкил этиш масалаларини кўриб чиқади;

-маъмурий-ҳудудий бирликлар, маҳаллаларнинг чегараларини ўзгартириш, маҳаллалар, кўчалар, майдонлар ва бошқа обьектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш хақида тегишли давлат органларига илтимосномалар киритади;

-Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

-посёлка, қишлоқ, овул фуқаролар йигини раис (оқсоқол)нинг шахсий томорқа хўжалиги юритиш учун ер участкалари ажратилиши, тўғрисидаги

тақдимотларини тасдиқлади;

-Посёлка, қишлоқ, овул фуқаролар йигини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ер ажратиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳам ҳал қиласи.

Ўзбекистон Республикасида аҳолисининг сони 5 минг кишидан ортиқ бўлган 228 та, аҳолисининг сон 5 минг кишигача бўлган 808 та қишлоқ фуқаролар йигинлари ҳудудлари рўйхатга олинган.<sup>20</sup>

### **Назорат саволлари:**

1. Аҳоли пунктларининг гуруҳли тизимлари (АПГТ) қайси принципларга асосан шаклланадилар?
2. Қишлоқ аҳоли пунктларининг жойлашув тизимлари йўналишидаги ривожланиши қайси босқичларга бўлинади?
3. Шаҳар-марказларнинг интенсив таъсири зонасида, вилоятлар ва туман чеккаларидағи қишлоқ аҳоли пунктлари ривожаланишида қандай ўзига хос хусусиятлар бор?
4. Қишлоқ аҳоли пунктларининг функционал ва режали ташкил этилишидаги асосий вазифалардан бири (яшаш жойидан қатъий назар барча аҳоли учун меҳнат, турмуш ва ижтимоий-маданий шароитларнинг имкон қадар бир хил килиш вазифаси) қай тарзда ҳал қилинади?
5. Жойлашувнинг маҳаллий тизимларини функционал ва режали тузилмалари шаклланишининг қайси жиҳатлари муҳим ҳисобланади?
6. Маҳаллий марказ ва истиқболли қишлоқ аҳоли пунктларининг функционал тузилмалари мураккаблашиши ва такомиллашишига қайси омил кўмаклашади?
7. Жойлашувнинг шаклланаётган маҳаллий тизимларининг шаҳарсозлик нуқтаи назаридаги яхлитлигини ва истиқболда уларга асосланган янги, шаҳарсозлик нуқтаи назарда ягона тузилмалар—локал ҳудудий жойлашув бирликлари пайдо бўлишини қайси тенденциялар шартлаб беради.
8. «Лотер» деган атама нимани англатади?

### **Фойдаланган адбайётлар:**

1. K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition.
2. Mohinder S. Grewal , Angus P. Andrews , Chris G. Bartone. Глобальная навигационная спутниковая система. Global Navigation Satellite Systems, Inertial Navigation, and Integration 3rd Edition. USA, 2013, english, Wiley Interscience.
3. Travis Beck. Principles of Ecological Landscape Design. Island 2013
4. Ловров В.А. «Методика реконструкции городов» Москва, СНиП
5. ШНК 2.07.01-12
6. Лола А.М. «Основы градоведения и теории города» 2005

<sup>20</sup> ШНК 2.07.01-12

## Архитектура

7. Оленьков В.Д. «Градостроительная безопасность». 2007.
8. Н.В Маслов «Градостроительная экология». «Высшая школа». 2003.
9. Исамухамдова Д.У., Адылова Л.А. «Шаҳарсозлик асослари ва ландшафт архитектураси». Дарслик. 1-қисм., Тошкент, 2009.
10. Исамухамдова Д.У., Адылова Л.А. «Шаҳарсозлик асослари ва ландшафт архитектураси». Дарслик. 2-қисм., Тошкент, 2009.
11. Исамухамедова Д.У. Исмаилов А.Т., Хотомов А.Т. “Инженерлик ободонлаштириш ва транспорт”. Дарслик., 1 қисм., Тошкент, 2009.
12. Перцик Е.Н. «Районная планировка (территориальное планирование)». Учебное пособие для ВУЗов, 2006.
13. ШНК 2.07.01-12
14. <http://www.arhitekto.ru/txt2razv16.shtml>
15. [http://www.Glazychev.ru/books/mir\\_architectury/glava\\_8/glava\\_08-01.htm](http://www.Glazychev.ru/books/mir_architectury/glava_8/glava_08-01.htm).
16. Principles of Town Planning and Architecture, Marie-Helene Contal, Jana Revedin, Boston, USA, 2009.

**З-мавзу: “Шаҳар ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари ривожланишининг ижтимоий иқтисодий йўналиши ва лойиҳаси”.**

**Режа:**

- 3.1. Хўжалик ичидағи аҳоли жойлаштиришнинг шакллантирилиши.
- 3.2. Уй-жой қурилишини ривожлантириш.
- 3.3. Маданий-майний хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналар тармоғини ташкил этиш.

**Таянч иборалар:** рекультивация, реконструкция, муҳандислик, участка, ферма, инфекцион, радиус.

### **3.1. Хўжалик ичидағи аҳоли жойлаштиришнинг шакллантирилиши.**

Аҳолини хўжалик ичидағи жойлашувини таркибига шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқ аҳоли пунктлари ва бошқа жойлашув бирликлари кирган жойлашув тизимининг бир қисми сифатида ташкил қилиш лозим.

Қишлоқ хўжалик корхонаси ҳудудидаги аҳоли пунктлари тармоғини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этилиши билан мувофиқ тарзда шакллантириб, меҳнат алоқалрининг оптималь шароитларини таъминлаш зарур.

Қишлоқ аҳоли пунктлари тармоғини тартибга солиш, улардаги қурилиш ҳажмлари ва турларини белгилаш мақсадида уларни тоифаларга ажратиш лозим.

Қишлоқ аҳоли пунктларининг тоифаси	Аҳоли сони, киши
Йирик	<b>3000-5000 ва кўпроқ</b>
Катта	<b>1000 дан 3000 гача</b>
Ўрта	<b>200 дан 1000 гача</b>
Кичик	<b>100 гача</b>

## Шаҳар ва туманларнинг тархий таркиби

Хўжалик ичидаги жойлашув тизимини такомиллаштириш қўйидаги принциплар асосида амалга оширилиши лозим:

- тарихий қарор топган аҳоли пунктларини, уларнинг истиқболдаги функцияларини ҳисобга олган ҳолда, имкон қадар сақлаб қолиш;

- марказий аҳоли пунктлари: хўжаликлар марказлари, ишлаб чиқариш бўлинмалари, фермер хўжаликлари ва қўргончаларни белгилаб бериш;

- коммуникациялар ва асосий (марказий) посёлкала-ишлаб чиқариш ва маданий-маиший обьектлар жамланган жойлар атрофига қишлоқларни гурухлашни такомиллаштириш йўли билан қишлоқлараро алоқаларни кучайтириш воситасида ягона жойлашув тизимини шакллантириш;

- жойлашув тузилмасини шакллантириш бўйича реконструкция чоратадбирларини амалга ошириш кетма-кетлигини белгилаш;

- меҳнат ва маданий-маиший алоқалар йўналишларини белгилаш;

- меҳнаткашларнинг иш жойлари-га қатнаши учун энг кам вақт сарфланашини, шунингдек, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш ва улар дам олиши учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш;

- амалдаги санитария-гигиена, табиатни муҳофаза қилиш ва бошқа меъёрлар ҳамда талабларга риоя қилиш;

- янги қишлоқ аҳоли пунктларини қуриш учун ҳудуд 2-3 та майдонча учун табиий ва санитария-гигиеник характеристикалари, улар ўзлаштирилишининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари, жумладан қишлоқ хўжалик ерларни муомаладан чиқариш билан боғлиқ йўқотишлар ҳисобга олинган таҳлил ва таққослашлар асосида танланиши лозим;

Янги қурилиш учун реконструкция амалга оширилаётган шароитларда ички ҳудудий захиралар: бўш ерлар ва эски иморатлар билан банд майдонлар, аҳоли истиқомат қилиш жойларидан ишлаб чиқариш бинолари чиқарилганидан кейин бўшаган ер участкалари, хўжалик мақсадларида фойдаланилганидан сўнг тартибга солинган (рекультивация қилинган каръерлар, суғориш ва дренаж тармоқларини тартибга солинишидан кейин тупроқ билан тўлдирилган ҳандақ ва траншеялар); муҳандислик тайёргарликдан ноқулай ҳолатга келган ерлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ховлилар (оилалар) сони, одатда, оиланинг ўртача таркибидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади, агар қайсиdir хўжаликларда жиддий четланишлар бўлса (фарқланиш вилоят бўйича ўртача кўрсаткичлардан 23% дан кўпроғини ташкил қиласа), у ҳолда оиланинг мавжуд ўртача таркиби қабул қилинади.

Уй хўжалигига қарашли томорқа ер майдонининг ўлчамлари жамоа хўжалиги (қишлоқ хўжалик корхонаси) уставида белгиланган нормаларга мувофиқ қабул қилинади.

Қишлоқ (туар-жой ва ишлаб чиқариш зonasи)нинг умумий майдонини ҳар бир уй хўжалигига қарашли томорқа ерларининг умумий майдонига қўйидаги коэффициентларни қўллаб туриб аниқланади:

- томорқа участкасининг ўлчами  $0,08 \text{ га} \leq K = 2,0-2,5$ ;

- томорқа участкасининг ўлчами  $0,09-0,15 \text{ га} \leq K = 1,8-2,0$ ;

- томорқа участкасининг ўлчами  $0,16-0,20 \text{ га} \leq K = 1,3-1,5$ ;

Ушбу коэффициентларнинг юқори чегаралари қишлоқ хўжалик корхонасининг маркази ҳисобланган аҳоли пунктлари, шунингдек янги суғориш

## Архитектура

худудларда янги ташкил этилган хўжаликлар майдонини белгилашда, қўйи чегаралари эса—эскидан мавжуд хўжаликлар ва ёрдамчи қўрғончалар майдонларини белгилашда қўлланилади.

Қишлоқлар учун ажратилаётган худуд унинг аҳоли истиқомат қилувчи майдонидаги барча элементларни, уларни худудий жиҳатдан ривожланишини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш учун етарлича ўлчамларга эга бўлиши керак.

## АҲОЛИ ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ ҲУДУДНИ ҲИСОБЛАШ

Қишлоқ аҳолиси сони, киши	Аҳоли истиқомат қилувчи худуднинг участкаларнинг ўлчамлари бўйича солиштирма сарфи											
	киши $m^2$	хона дон $m^2$	киши $m^2$	хона дон $m^2$	киши $m^2$	хона дон $m^2$	киши $m^2$	хона дон $m^2$	киши $m^2$	хона дон $m^2$	киши $m^2$	хона дон $m^2$
<b>500 гача</b>	165	1100	200	1300	240	1550	270	1780	310	2010	360	2350
<b>500 дан 1000 гача</b>	150	980	180	1200	220	1440	250	1660	290	1900	340	2250
<b>1000 дан 1500 гача</b>	140	920	175	1160	210	1390	245	1620	280	1850	330	2200
<b>1500 дан 3000 гача ва ундан кўп</b>	130	850	170	1110	200	1330	240	1560	270	1790	320	2130

# ҚИШЛОҚ ХУДУДИННИГ ТАВСИЯ ЭТИЛГАН РАЦИОНАЛ БАЛАНСИ

Қишлоқ ахоли истиқомат қилувчи худудидаги элементлар ўлчамлари, ахоли сони						
Томоркча участкаси-нинг ўлдами, м <sup>2</sup>						
						100 дан 300 кишигача
						Жамоат муассасаларининг худудлари
						Яшил ўсимликлар
						Кўчалар, ўйлар, майдонлар
						ЖАМИ
						Турар-жой худудлар
						Жамоат муассасаларининг худудлари
						Яшил ўсимликлар
						Кўчалар, ўйлар, майдонлар
						ЖАМИ
						Турар-жой худудлар
						Жамоат муассасаларининг худудлари
						Яшил ўсимликлар
						Кўчалар, ўйлар, майдонлар
						ЖАМИ
						Турар-жой худудлар
						Жамоат муассасаларининг худудлари
						Яшил ўсимликлар
						Кўчалар, ўйлар, майдонлар
						ЖАМИ
						Турар-жой худудлар
						Жамоат муассасаларининг худудлари
						Яшил ўсимликлар
						Кўчалар, ўйлар, майдонлар
						ЖАМИ
1500	1200	1000	800	600	400	Томоркча участкаси-нинг ўлдами, м <sup>2</sup>
65	60	55	50	40	30	Турар-жой худудлар
16,5	18	20	25	30	35	Жамоат муассасаларининг худудлари
2,5	2,5	3	3	4	5	Яшил ўсимликлар
16	19,5	22	22	26	30	Кўчалар, ўйлар, майдонлар
100	100	100	100	100	100	ЖАМИ
70	66	62	57	50	40	Турар-жой худудлар
14	16	17,5	20	25	30	Жамоат муассасаларининг худудлари
2	2	2,5	3	3	4	Яшил ўсимликлар
14	16	18	20	22	26	Кўчалар, ўйлар, майдонлар
100	100	100	100	100	100	ЖАМИ
73	69,4	66	61,5	55	45	Турар-жой худудлар
11	13	14,7	17	20	25	Жамоат муассасаларининг худудлари
1	1,1	1,3	1,5	2	2,4	Яшил ўсимликлар
15	16,5	18	20	23	27,6	Кўчалар, ўйлар, майдонлар
100	100	100	100	100	100	ЖАМИ
77,4	74	70,	66	59,5	50	Турар-жой худудлар
8,8	10,4	12	14	17	21	Жамоат муассасаларининг худудлари
1,1	1,4	1,6	1,8	2,2	2,3	Яшил ўсимликлар
12,7	14,2	16	18,2	21,3	26	Кўчалар, ўйлар, майдонлар
100	100	100	100	100	100	ЖАМИ

## Шаҳар ташкил қилувчи базани ва аҳолининг Лойиҳавий сонини белгилаш

Аҳоли сонини прогнозлашни бутун қишлоқ хўжалик корхонаси бўйича, унинг вазифаси ва аҳоли ўсишининг шаклланган суръатларига кўра аҳоли пунктларига таксимланишига мувофиқ бажариш лозим.

Аҳоли сонини ҳисоблашда аҳолининг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги иштироки ва меҳнат фаолияти хусусиятига боғлиқ равишда З та гуруҳга бўлинишини инобатга олиш зарур:

-Шаҳар ташкил қилувчи гурух–қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришда, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашда банд бўлган ишчилар, мухандис-техник ходимлар (МТХ), кичик хизмат кўрсатувчи ходимлар (КХКХ);

Хизмат кўрсатиши гурух–хизмат кўрсатиши соҳасида: таълим, соғлиқни сақлаш, умумий овқатланиш, савдо, маданий-маърифий ва спорт муассасаларида банд бўлган ишчи-хизматчилар.

Ўзи фаолият кўрсатмайдиган гурух–болалар, ногиронлар ва нафақахўрлар.

Аҳоли сони ушбу элементлардан келиб чиқсан ҳолда янги ўзлаштириш учун меҳнат баланси методи билан қуидаги формула бўйича аниқланиши мумкин:

$$H = \frac{(A+Rn+C) \times 100}{100-(B+B)} \quad \text{где}$$

H – аҳолининг талаб этилган сони

A – қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар

Rn – саноат корхоналарида ишловчилар сони

C – МТХ, хизматчилар ва КХКХ сони

B – хизмат кўрсатиши соҳасида ишловчилар сони

B – ўзи фаолият кўрсатмайдиган аҳоли сони

Ўсимликшуносликдаги ишчи кучига бўлган келгусидаги эҳтиёж ишлаб чиқариш жараёнлари комплекс механизациялаштирилишини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Маъмурий-хўжалик ходимлар сони штат жадвалига мувофиқ қабул қилинади.

Хўжаликлараро корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар (пахта тозалаш заводлари, касалхонлар, коллеж ва бошқа ташкилотлар)да ишлайдиган ишчи-хизматчилар сони хам штат жадвалига мувофиқ қабул қилинади.

Аҳоли сони, шунингдек қуидаги формула бўйича ҳисобланиши мумкин:

$$H = \frac{A \times 100}{B} \quad \text{где}$$

H – аҳолининг истиқболли умумий сони

A – шаҳар ташкил этувчи кадрларнинг абсолют сони (меҳнат сарфи нормалари бўйича аниқланади)

B – шаҳар ташкил этувчи кадрларнинг аҳолининг умумий сонига нисбатан солиширма миқдори (%) да) қуидаги формула бўйича аниқланади:

B = T-a-b-p+t-B, бу ерда

T – ишга лаёқатли ёшдаги аҳолининг солиширма миқдори (масалан: 43,5%)  
a – уй ва шахсий хўжаликда банд бўлган ишга лаёқатли ёшдаги аҳолининг

## Шаҳар ва туманларнинг тархий таркиби

солиширима миқдори - 1,2% (ёки 43,5% дан 3%)

в—ишга лаёқатли ёшда ишлаб чиқаришдан ташқари таҳсил олаётган тингловчиларнинг солиширима миқдори - 4,3% (ёки 43,5% дан 10%)

п—ишга лаёқатли ёшдаги пенсионерларнинг солиширима миқдори-0,4% (ёки 43,5% дан 1%)

т—ишлайдиган пенсионерларнинг солиширима миқдори-2,9% (ёки 7,3% - нафака ёшидаги аҳоли сонидан 40%)

Б – хизмат кўрсатиш гуруҳининг солиширима миқдори: аҳоли сони 1000 ва ундан кўп киши посёлкалар учун-19%, аҳоли сони 1000 гача бўлган посёлкалар учун-14% ва кичик қишлоқлар учун-10%.

Шундай қилиб, шаҳар ташкил қилувчи гуруҳнинг солиширима миқдори:

$$B = 43,5\% - 1,3\% - 4,3\% - 0,4\% + 2,9\% - 19(14)(10) = 21,4(26,4)(30,4)\%$$

$$H = \frac{A \times 100}{21,4(26,4)(30,4)} = 4,67A; (3,79A); (3,29A)$$

Шаҳар ташкил қилувчи кадрларнинг солиширима миқдори ўртача ҳисобда берилган бўлиб, ҳар алоҳида ҳолат учун якка тартибда ҳисобланади.

Қўйида республика аҳолисининг демографик тузилмаси бўйича ўртача кўрсаткичлар жадваллари келтирилган, улар ёрдамида аҳоли сонини дастлабки ҳисоблашни бажариш мумкин.

### Ўзбекистон аҳолисининг ёш бўйича таркиби

т/р	Ёши	%
<b>1</b>	<b>3 ёшгача</b>	<b>10,4</b>
<b>2</b>	<b>3 ёшдан 7 ёшгача</b>	<b>13,1</b>
<b>3</b>	<b>7 дан 13 ёшгача</b>	<b>17,6</b>
<b>4</b>	<b>13 дан 16 ёшгача</b>	<b>8,1</b>
<b>5</b>	<b>16 дан 18 ёшгача</b>	<b>5,0</b>
<b>6</b>	<b>18 дан 55 ёшгача (аёллар) 18 дан 60 ёшгача (эркаклар)</b>	<b>38,5</b>
<b>7</b>	<b>55 ёшдан катта (аёллар) 60 ёшдан катта (эркаклар)</b>	<b>7,3</b>
<b>8</b>	<b>ЖАМИ</b>	<b>100</b>

ЭСЛАТМА: 1.Реконструкция қилинаётган посёлкалар учун аҳолининг ёш бўйича таркиби мавжуд ҳолатга мувофиқ аниқлаштирилади

### 3.2. Уй-жой қурилишини ривожлантириш.

Қишлоқда хўжалик юритишнинг янги иқтисодий усулларига ўтиш, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг янги, истиқболли нормаларини ривожланиши билан боғлиқ бир қатор масалалар ечилишини талаб қиласди. Бугунги кунда ижарага асосланган пудрат, айникса, жамоавий, оилавий, якка тартибдаги кўринишлари, фермер (дехқон) хўжалиги каби шакллари долзарб ҳисобланади<sup>21</sup>.

Замонавий бозор муносабатлари шароитида қурилишнинг ҳар хил турларини: қўргонлар, кам қаватли, зич жойлаштирилган, текис ҳудудларда ва мураккаб рельефли участкаларда қуриладиган уй-жой тузилмаларини қўллаш лозим, бунда уй-жой қурилиши қулай уй-жой муҳитини шакллантиришнинг қўп турдаги талабларига (шаҳарсозлик, демографик, табиий-иқлимий, эстетик) жавоб бериши керак. Қишлоқдаги манзилгоҳларда уй-жой қурилишининг элементлари таркиби, ўлчамлари ва меъморий-режали ташкил этилиши оилаларнинг функционал-маиший жараёнлари, жамоанинг қўшничилик муносабатлари (маҳалла) ва ижтимоий уюшмаларнинг бошқа турлари билан белгиланади.

Таъкидлаш лозимки, хўжалик юритишнинг янги шакллари ўзаро қўшилиб, турли бирлашмаларни ҳосил қилмоқда. Дехқон хўжаликлари фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш мақсадида кооператив, ширкат, уюшмаларга бирлашиш ва улар таркибидан чиқиш ҳуқуқига эгалар.<sup>22</sup>

Ерга бўлган мулкчиликнинг бу каби шакли дехқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалигига оид турли ихтисослашувларнинг янада жадал ривожланишига, ва умуман, республикани озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи ҳал қилинишига кўмаклашади. Аҳолига хизмат кўрсатиш (маиший техника, ускуна ва асблолар таъмири) ва ҳунармандчилик (гиламдўзлик, зардўзлик, сопол идишлар ишлаб чиқари ва ҳқ.) каби соҳаларда фаолият кўрсатаётган ташкилотлар ва кичик корхоналар қишлоқ аҳолисига сервис хизматларини кўрсатиш муаммосини ҳал қилишга катта ҳисса қўшадилар.

Хўжалик юритишнинг янги шакллари ривожланаётган шароитларда қўргонча туридаги бир хонадонли турар-жойлар қурилиши мақсадга мувофиқдир. Бундай турар-жой биноларининг фойдали майдонлари катта ва қулайлик даражаси юқори бўлиб, уй хўжалиги ҳовлисида турли ёрдамчи иморат ва қурилмалар тўплами (хўжалик ва маиший эҳтиёжларга боғлиқ тарзда тузилиши ва шакли ўзгарадиган) бўлишини ҳам кўзда тутиш лозим. Қишлоқ жойларда қуриладиган замонавий турар-жойларнинг бир қатор вариантлари мавжуд<sup>23</sup>:

- аҳоли истиқомат қилувчи ҳудуддан ташқарида, пиёда қатнаш чегарасида жойлашган фермага хизмат кўрсатувчи оила учун мўлжалланган турар-жой биноси. Бундай турар-жойнинг ҳовлисида уй хўжалиги учун зарур бўлган турли ёрдамчи қурилмалар тўплами кўзда тутилади;

- ҳовлисида агрoserвис ёки бош хизмат турларини кўрсатиш учун қурилмалар ва ускуналар бўлган якка тартибда қурилган турар-жой биноси;

<sup>21</sup> K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition

<sup>22</sup> Principles of Town Planning and Architecture-p.126-127

<sup>23</sup> K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition

- турар-жой хоналари ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш объектлари ихчам шаклда жойлаштирилган алоҳида қўрғонча, бунда оила истиқомат қиласиган хоналар ва хўжалик юритиш учун мўлжалланган ёрдамчи иморат ва қурилмалар жойлашуви буюртмачининг талаб ва эҳтиёжларига асосан режалаштирилади.

Ундан ташқари, аҳоли истиқомат қилувчи ҳудуддан узоқда жойлашган қишлоқ хўжалик объектлари қошида муваққат турар-жой комплекслари қурилишини ҳам кўзда тутиш лозим. Бундай турар-жойларда ишлаб чиқариш объектида меҳнат қилувчи меҳнаткашлар (оила, бригада) яшаси учун тегишли қулайлик даражасидаги шароитлар яратилиши лозим.

Янги қурилиш билан бирга мавжуд уй-жой фондини, ва биринчи навбатда, қўрғонча қўринишидаги турар-жойларни модернизация қилишга ҳам эътибор қаратилиши лозим. мавжуд қишлоқ турар-жой биноларини такомиллаштириш жараёнида ҳар бир аниқ ҳолат учун амалга ошириш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда модернизациянинг ҳар хил турларини (ҳажмли-режали, хўжалик-маиший, санитария-гигиеник) бажариш тавсия этилади. Бунинг учун қишлоқ аҳоли пунктларидги мавжуд уй-жой фондини комплекс баҳолаш ишларини амалга ошириш лозим. Баҳолаш жараёнида қуйидагилар аниқланиши зарур:

- турар-жой ва ҳовлидаги ёрдамчи қурилмалар амортизациясининг фоизи;
- турар-жой хоналари ва ҳовлидаги ёрдамчи қурилмаларнинг умумий майдони;
- турар-жой биносининг меъморий-режали жиҳатлари;
- турар-жой биносининг санитария-гигиеник хусусиятлари;
- муҳандислик ускуналарининг даражаси;
- турар-жойни барпо этишда қўлланилган қурилиш материалларининг техник характеристикаси.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ҳудудини меъморий-режали ташкил этиш лойиҳасида қуйидагилар белгиланиши лозим:

- янги уй-жой қурилишининг ҳажмлари ва жойлашиши, қурилишнинг биринчи навбати ва уй-жой қурилишини келгусида ривожлантириш учун захира майдонлари ҳам белгиланади;
- санитария-химоя зонаси ёки сув босиб қолиши мумкин бўлган зоналаридаги уй-жойлар қурилиши чегаралари, бу каби қурилмаларни янги жойларга кўчириш ёки номақбул санитария-гигиеник вазиятларни бартараф қилишга қаратилган чора-тадбирларни ўtkазиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш;
- модернизация қилинадиган турар-жой биноларининг сони, тури ва жойлаштирилиши, биринчи навбатда бажариладиган ишлар;
- шахсий томорқалар учун ажратиладиган ер участкаларининг ўлчамлари ва жойлаштирилиши;
- янги қурилиш учун турар-жой биноларининг тавсия этиладиган типлари.

Ижарага ер олган ёки оилавий ферма ташкил қилмоқчи аҳолини жойлаштириш мақсадида кичик қишлоқлар ҳудудидги ер майдонларидан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Мутахассислар томонидан республиканинг турли иқлим зоналари (Қарши, Хива, Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Қорақалпогистон) ва тоғли ҳудудлари учун турар-жой бинолари режаланишининг бир нечта вариантлари таклиф қилинган.

### 3.3. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналар тармоғини ташкил этиш

Аграр сектор иқтисодиётининг мустаҳкамланиши, жумладан хўжалик юритишининг жамоавий ва оиласвий пудрат, ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари кўринишидаги турларини ривожланиши барча қишлоқ аҳоли пунктларига: жойлашувнинг таянч марказларидан кичик қишлоқларгача маданий-маиший хизмат кўрсатишни ташкил этишни тақозо қилади<sup>24</sup>.

Ёшларнинг қишлоқ жойларда қолиши, малакали қадрларни қишлоқ хўжалик корхоналарига жалб қилиниши муайян қишлоқ аҳоли пунктидаги турмуш шароитларининг даражасига боғлиқ. Қишлоқ аҳоли пунктларида мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, мактаблар, даволаш-профилактика, маданий-маиший хизмат кўрсатиш ва савдо муассасаларининг мавжудлиги катта аҳамиятга эга.

Ижтимоий ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналари тармоғини ташкил этилишини ижтимоий хизмат кўрсатишнинг қарор топган тизим-ларига мувофиқ тарзда, яшаш жойида ижтимоий хизмат кўрсатиш билан таъминланганлик даражасини ҳисобга олиб лойиҳалаштириш зарур.

Қишлоқдаги жамоат биноларини лойиҳалаш ва қуришни такомиллаштириш жараёнидаги асосий йўналишлар қуиагилардан иборат:

1. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш тизимини хизматларни аҳолига яқинлаштириш принципи асосида ташкил қилиш, бунда илмий-техник тараққиётнинг замонавий воситаларидан, жумладан кўчма қурилмалар ва диспетчерлик хизматидан фойдаланиш кўзда тутилиши лозим.

2. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш тизимида киравчи муассаса ва корхоналар тармоғи тузилмасини уларнинг функционал вазифаларига боғлиқ равишда ташкил этиш. Хизмат кўрсатиш тизимини шаклланиришда жамоат бинолари, мавсумий тусга эга иншоотлар ва кўчма қурилмалар мужассамлигидан фойдаланиш зарур. Тармоқлар тузилмасини белгилашда минтақавий ўзига хосликни ҳисобга олиш, турли даражадаги муассасалар ўртасидаги тузилмавий алоқаларни кучайтириш зарур. Хизмат кўрсатиш тизимининг муҳим бўғини сифатида кичик қишлоқларнинг марказлари кўрилиши лозим<sup>25</sup>.

3. Ишлаб чиқариш марказлари ва кичик аҳоли пунктларига хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим, бунинг учун аҳолига хизмат кўрсатишга ихтисослашган янги бинолар қуриш ёки мавжудларини модернизация қилиш лозим. Кичик қишлоқларда жамоат марказининг бирлаштирилган биноларидан, шунингдек, маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб, таркибида кичик сифимли муассасалари бўлган туар-жой биноларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. 3.5.1-расмда “Маданий-маиший хизмат кўрсатиш обьектлари хизмат кўрсатишнинг схемаси” келтирилган.

4. Жамоат биноларининг қуийдаги турлари кенг тарқалиши лозим:

- кичик сифимли ва оиласвий мактабгача муассасалар;


<sup>24</sup> K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition

<sup>25</sup> K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition

## Шаҳар ва туманларнинг тархий таркиби

- жойлашувнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қурилган мактаблар, жумладан кичик сифимли таълим муассасалри;
- бошланғич ва ўрта мактаблар билан бирлаштирилган боғча-яслилар;
- бошланғич мактаб ва болалар боғчаси бўлган ўқитувчи уйи;
- аҳолининг барча табақалари учун мўлжалланган маърифат, маданият ва спорт марказлари (одатда, ўрта мактаблар қошида ташкил қилинади);
- маданият уйлари ва ҳордиқ чиқаришга мўлжалланган клублар (мехмонхоналар, спорт ва соғломлаштириш йўналишида фаолият кўрсатадиган клублар);
  - қўп функцияли бирлаштирилган бинолар: клуб-идора, клуб-ошхона, кафе, мактаб-клуб, спорт гурухи билан ва ҳк.
- кўчма савдо ва буюртмаларни уйга етказиб беришга, ёрдамчи хўжаликлар маҳсулотларини қабул қилиш ва мавсумий савдо ҳамда умумий овқатланиш шахобчаларини ташкил қилишга ихтисослашган ривожланган “Гузар” таркибидаги савдо марказлари;
- жамоат марказлари комплекслари, шу жумладан кичик қишлоқлар учун микромарказлар;
  - ижтимоий ҳимояланмаган аҳоли-фаҳрийлар, қариялар, ногиронлар ва етимлар учун бинолар.

Схема организации обслуживания объектами  
культурно – бытового назначения.



1-стационарное здание базового типа, осуществляющее функции межселенного обслуживания на группу населенных мест:

2- стационарное здание повседневного обслуживания, принимающее выездное обслуживание:

3-помещения, рассчитанные на осуществление межселенных функций:

4-помещения, рассчитанные на прием выездного обслуживания:

5-Полустационарные сооружения (киоски, навесы):

6-Базирование передвижных средств:

7-Коммуникации связи:

8-Трассы передвижного обслуживания:

9-Трассы движения заявок на услуги и технических средств:

10-Жилые дома, арендные хозяйства.

5.Маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналари тармоғининг ташкил этилиши қуйидагилар бўйича таклифларни ўз ичига олиши лозим:

-қишлоқ фуқаролари йиғинининг бутун ҳудудида мактабгача ва мактаб таълими муассасалари тармоғининг ташкил қилиниши;

-қишлоқ фуқаролари йиғини аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш тизимининг ташкил этилиши;

-қишлоқ фуқаролари йиғини аҳолисига маданий-маърифий ва савдо-маиший

хизмат кўрсатиш тармоғининг ташкил этилиши;

-қишлоқ фуқаролари йиғини аҳолисига рекреацион хизмат кўрсатилиши;

-қишлоқ фуқаролари йиғинининг худудида маъмурӣ ва жамоат ташкилотларининг жойлаштирилиши.<sup>26</sup>

6.Қишлоқ фуқаролар йиғини таркибига киравчи аҳоли пунктларидағи мактабгача таълим муассасалари тармоғини шакллантириш принципи:

Мактабгача таълим муассасалари тармоқлари қуйидагиларни ўз ичига олади: умумий типдаги болалар боғча-яслилари, соғломлаштириш ва ихтисослашган, муассасалар<sup>27</sup>.

Аҳолисининг сони 300 кишигача бўлган аҳоли пунктларида кам сифимли хусусий болалар боғча-яслиларини жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Соғломлаштириш ва ихтисослашган боғча-яслилар катта қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштириш лозим.

Мактабгача таълим муассасалари билан таъминланганлик даражаси, уларнинг сифими, ер участкаларининг ўлчамлари ҳар бир аҳоли пунктида лойиха топшириғига мувофиқ қабул қилинади.

Умумтаълим ўқув муассасалари тармоғи мактабгача таълим муассасалари тармоғи каби мактаб ёшидаги болаларнинг таълимнинг у ёки бошқа босқичи билан қамраб олинганлигига оид кўрсаткичлар асосида ҳисоблаб чиқилиши лозим. Мактабларнинг сифими мазкур қишлоқ аҳоли пункти ва унинг атрофидаги қишлоқлардаги мактаб ёшидаги болалар сонига қараб белгиланади.

Мавжуд мактаб фондини сифат нуқтаи назарида баҳолаб, мактабни тутатган тингловчилар янги дастур бўйича мактаб таълими тизимини яратиш учун фойдаланиши имкониятларини аниқлаш лозим.

Бугунги кунда шакланаётган ишлаб чиқаришга оид муносабатлар ва жойлашув хусусиятлари қишлоқ аҳоли пунктларидағи болаларга таълим беришнинг қуйидаги шакллари татбиқ этилишини талаб қилмоқда:

а) аҳолиси 100-200 кишидан иборат бўлган барча қўргончаларда тингловчилар сони 15 гача, аҳолиси 300-500 кишидан иборат бўлганларида эса тингловчилар сони 36 гача бошланғич мактаблар кўзда тутилиши лозим;

б) аҳолиси 600 дан 2000 кишигача бўлган қишлоқ аҳоли пунктларида хўжалик фаолиятини қўшимча тайёргарликсиз олиб бориш учун зарур бўлган касбга ўқитадиган ихтисослашган ўрта мактаблар мавжуд бўлиши лозим;

в) аҳоли сони 2500 ва ундан кўп бўлган қишлоқ аҳоли пунктларида қобилиятли болалар учун коллеж ва лицейлар ташкил қилиниши лозим.

Таълим соҳасидаги янги дастурга ўтиш баробарида умумтаълим мактабларидаги ўринлар сони (tinglovchilar soni va xonalar mайдони bўyicha) қисқаради.<sup>28</sup>

Мактабларнинг сифими бўйича таҳлил натижалари:

Республика бўйича мактаб ёшидаги (7-16 ёш) болаларнинг аҳолининг умумий сонига нисбатан улуши 28,3%ни, шу жумладан: 7-9 ёшдагилар—8,9% ташкил қиласди. Уларнинг 7,4% бошланғич таълимга эга бўлади, ривожланиши суст болалар (1,5%) ихтисослаштирилган таълим муассасаларида таҳсил олади.

<sup>26</sup> Principles of Town Planning and Architecture-p.156-159

<sup>27</sup> K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition

<sup>28</sup> Principles of Town Planning and Architecture-p.172-175

## Архитектура

10-16 ёшдаги болалар улуши 19,4% ни ташкил қилади, уларнинг 7,0% куйидаги иқтисодий соҳалар бўйича таълим олади:

- а) бизнес фаолияти
- б) менежер
- в) тадбиркорлик
- г) ҳукуқшунослик
- д) бухгалтерия ҳисоби ва ҳк.

- диний йўналиш бўйича таҳсил оладиганлар 1,4% ни ташкил қилади  
 - "Университетлар" (максус ихтисослар) - 3,0%  
 - хўжаликлардаги ишлаб чиқаришда меҳнат қилувчи мутахассислар билан таъминлаш - 8%


- а) иқтисодчи
- б) механизатор
- в) агроном
- г) боғбончилик
- д) ирригатор
- ё) чорвачилик
- ж) зоотехник
- з) қуруқчи
- и) ҳамшира
- к) тикувчилик (кийим-кечак ва пойафзал)
- л) ҳунармандчилик ва бошқ.

Ахоли-нинг ёши	Демографик тузилма бўйича фоиздаги нисбат	Бошлангич мактаб	Ривожланишда суст болалар	V-IX синфлар				
				Бозор муносабатлари бўйича ихтисосларнинг	Диний йўналишдаги ихтисосларнинг	Университет йўналишидаги ихтисосларнинг	Хўжалик йўналишидаги ихтисосларнинг	Умумтаълим мактаблари учун
7-9 ёш	8,9	7,4	1,5					7,4
10-16 ёш	19,4			7,0	1,4	3,0	8,0	8,0
	28,3	7,4	1,5	7,0	1,4	3,0	8,0	15,4

Жадвалдан кўриниб турибдики, умумтаълим мактабларида ўринлар сони 12,9% ёки 45,5%га қисқаради.

Мактабгача таълим ва мактаб таълими муассасаларидағи аҳоли пунктлари бўйича ўринлар, уларнинг жойлаштирилиши, хизмат кўрсатиш радиуслари, ер участкаларининг майдонлари ҚМҚ 2.07.04-98 “Қишлоқ хўжалик корхоналари худудларини меъморий-режавий ташкиллаштириш” ва ҚМҚ 2.07.01-94 “Қишлоқ аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуриш” норматив ҳужжатларига мувофиқ қабул қилиниши лозим.

Кўйида тингловчилар ҳаракатланиши ва қишлоқ аҳоли пунктлари бўйича мактаблар жойлаштирилишининг тахминий схемаси келтирилган.



### Тингловчилар ҳаракатланиши ва қишлоқ аҳоли пунктлари бўйича мактаблар жойлаштирилишининг тахминий схемаси

8. Қишлоқдаги тиббиёт муассасаларининг тармоғи қуидагилардан иборат: фельдшер-акушерлик пунктлари, амбулаториялар, қишлоқ врачлик пунктлари, поликлиника ёки амбулаториялари бўлган касалхоналар. Улар туман, вилоят, республика соғлиқни сақлаш муассасаларининг умумий тармоғи билан узвий боғланганлар.

Қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат қўрсатиш тармоғини ташкил қилишнинг асосий вазифаси – қишлоқ аҳоли пунктларидағ барча аҳолига тиббий ёрдам қўрсатиш.

Шаклланаётган ишлаб чиқариш муносабатлари ва жойлашув ҳусусияти тиббий хизмат қўрсатиш тармоғида қуидаги тиббиёт муассасалари ташкил этилишини тақозо қиласди:

Аҳолисининг сони 100-200 киши бўлган барча қўрғончаларда шифокорлар (терапевт, акушер, педиатр, тиш техники) истиқомат қиласидиган “туар-жой-тиббий пункт”. Шу бинонинг ўзида умумий анализлар лабораторияси, 1-2 ўринли стационар ва дорихона кўзда тутилиши лозим.

Аҳолисининг сони 600 дан 2000 кишигача бўлган посёлкаларда кенг қамровли тиббий хизмат қўрсатишга ихтисослашган қишлоқ врачлик пунктлари ташкил қилиниши зарур. Бу муассаса қошида дорихона, бир нечта ўринли

## [Архитектура](#)

стационар ва маслаҳатхона бўлиши керак.

Аҳолининг умумий сони 3000 кишидан ортиқ бўлган қишлоқ аҳоли пунктларида таркибида поликлиника, туғруқхона, лаборатория ва дорихона бўлган участка касалхоналари ташкил қилиниши лозим.

Болалар саломатлигини мустаҳкамлаш учун қулай иқлим ва табиий шароитларга эга бўлган жойларда соғломлаштириш масканлари, катталар учун эса-дам олиш уйлари, профилакторийлар қуриш зарур.

Асосий посёлкаларда далада меҳнат қилаётган аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш (ҳам профилактик, ҳам тез тиббий ёрдам) учун кўчма тиббий пунктлари кўзда тутилиши лозим.


Ҳар бир чорвачилик хўжалигига ветеринария хизмати пунктлари (лаборатория ва дорихонаси билан) ташкил қилиниши керак.

Қишлоқ аҳоли пунктида истиқомат қилувчи барча аҳоли тиббий ёрдам кўрсатилиши билан таъминланиши зарур, инфекцион, онкологик ва шу каби оғир касалликлар билан оғриган кишилар туман ёки вилоят марказидаги ихтисослашган касалхоналарда даволанадилар.

Қишлоқда тиббий ёрдам кўрсатишнинг ана шундай тизимини яратилиши натижасида аҳоли пунктидаги ҳар бир шифокор ўз мижозларини туғилганидан бошлаб кузатиш имкониятига эга бўлади.

Ундан ташқари, тиббиёт муассасаларини бундай тармоғининг ташкил қилиниши ишга лаёқатли аҳоли учун қўшимча иш ўринлари яратиб беради.

Қуйида қишлоқ аҳоли пунктида тиббий хизмат кўрсатишнинг тахминий схемаси келтирилган.



### Қишлоқ аҳоли пунктидаги тиббий хизмат қўрсатиш схемаси

Рекреация функциялари ривожланган қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида маданий-маиший хизматларни қўрсатишни ташкил қилишда аҳолининг эҳтиёжларини ва ўзига хос миллий хусусиятлар ва қарор топган анъаналарни инобатга олиш лозим. Қишлоқ аҳолиси ҳордиқ чиқаришини ташкил қилиш учун рекреацион хизмат қўрсатишнинг уч босқичли тизимини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

1. Кундалик хизмат қўрсатиш обьектлари: болалар учун ўйин майдончалари, катта ёшдаги аҳоли дам олиши учун майдончалар, маҳалла марказлари участкалари, посёлка парклари, хиёбонлари, шунингдек, дарёлар, табиий ва сунъий сув ҳавзалари ёнидаги пляжлар. Бундай обьектлар аҳоли пиёда (30 дақиқагача) етиб олиши мумкин бўлган радиусда жойлаштирилади. Рекреацион участкаларнинг ўлчамлари ШНҚ 2.07.01-03 «Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудининг ривожланиши ва қурилишини режалаштириш» норматив ҳужжатининг асосан белгиланади.

2. Ҳафта охирида даврий равишдаги қисқа муддат (1-2 кунлик) дам олиш. Бундай дам олиш турини ташкил қилиш учун табиий ёки сунъий барпо этиладиган ва табиий компонентларга (сув, яшил ўсимликлар, рельеф, юксак эстетик хусусиятларга) бой бўлган, аҳоли пунктидан транспортда 1-1,5 соат ичида етиб

## [Архитектура](#)

олиш мумкин бўлган маҳсус ҳудудлар ажратилиши лозим.

З. Катта ёшдаги аҳолининг ҳар йилги меҳнат таътили ва мактаб ёшидаги болаларнинг ёзги таътиллари вақтидаги эпизодик, узоқ муддатли дам олиши учун мўлжалланган дам олиш масканлари – санаториялар, дам олиш уйлари, пансионатлар, туристик базалар, мотеллар, болаларнинг соғломлаштириш муассасалари, болалар муассасаларининг ёзги боғ ҳовлилари.

Қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудида характеристикаси туманларни режалаштириш лойиҳасида кўрсатиладиган туман, вилоят ёки республика аҳамиятига эга қимматли рекреацион ресурслар мавжуд бўлса, улардан мазкур қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудида яшайдиган аҳолининг дам олиши учун фойдаланиш имкониятини белгилаш зарур.

Спорт бинолари ва иншоотлари тармоғи жисмоний тарбия талабларини қондириш учун зарур бўлган ҳажмда, қишлоқ фуқаролари йиғинининг бутун аҳолисига қўйидагича принципга кўра хизмат кўрсатилишини ҳисобга олиб туриб лойиҳалаштирилиши лозим:

Ҳар куни спорт билан шуғулланиш учун–мактаб тингловчилари ва катта ёшдаги аҳоли спорт ўйинлари ва машғулотлари билан шуғулланиши учун мўлжалланган майдончалар, улар 5-10 дақиқа ичида пиёда етиб олиш радиусида (тураг жой гурухлари ичида, мактаб қошида, маҳалла маркази ёнидаги рекреацион мажмуада) жойлаштирилиши керак.

Катта ёшдаги аҳоли ва болаларнинг мустақил ва мураббий раҳбарлигига умумий жисмоний тайёргарлик гурухлари (саломатлик гурухлари)да ва спорт секцияларида мунтазам равишда шуғулланиш учун.

Тизимли тарздаги машғулотлар учун мўлжалланган спорт маркази-30 дақиқа ичида пиёда етиб бориш радиусида жойлаштирилиши лозим.

Спорт иншоотларини лойиҳалаштиришда улардан кўп мақсадларда фойдаланиш принципига асосланиш зарур.

Маъмурий бинолар, молия, алоқа муассасалари, жамоатчилик ташкилотлари, жамоат тартиби бўлинмалари, қишлоқ кенгашлари (диний муассасалар бундан мустасно) қишлоқ аҳоли пунктининг ижтимоий маркази ҳудудида жойлаштирилиши ва маъмурий-ижтимоий хизматлар тўлиқ ҳажмда кўрсатилишини таъминлаши керак.

Бинолар имкони борича бирлаштирилиши керак.

Жойлаштиришнинг ҳажми ва манзили ҳар бир муайян ҳолат учун лойиҳалаштириш топширифига биноан белгиланади.

Бинолар ва муассасаларнинг тав-сия қилинадиган рўйхати, уларнинг сифими ва қишлоқ фуқаролари йиғинининг аҳоли пунктлари бўйича жойлаштирилиши ШНҚ 2.07.04-12 норматив ҳужжатнинг 10-15 жадвалларида келтирилган.

Қўйида маданий-маиший муассасаларнинг талаб этилган сифимини ҳисобкитоби келтирилган.

## **Биринчи погонада - ҳар қуни ишлатиладиган жамоа бинолари**

- Кундалик хизмат кўрсатиш обьектлари: болалар учун ўйин майдончалари, катта ёшдаги аҳоли дам олиши учун майдончалар, маҳалла марказлари участкалари, посёлка парклари, хиёбонлари, шунингдек, дарёлар, табиий ва сунъий сув ҳавзалари ёнидаги пляжлар. Бундай обьектлар аҳоли пиёда (30 дақиқагача) етиб олиши мумкин бўлган радиусда жойлаштирилади. Рекреацион участкаларнинг ўлчамлари ШНҚ 2.07.01-03 “Шаҳарсозлик”. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари худудининг ривожланиши ва қурилишини режалаштириш» норматив хужжатининг 15-жадвалига асосан белгиланади.

### **Иккичи погонада -ҳафта орисида хизмат кўрсатадиган жамоа бинолари**

-Ҳафта охирида даврий равишдаги қисқа муддат (1-2 кунлик) дам олиш. Бундай дам олиш турини ташкил қилиш учун табиий ёки сунъий барпо этиладиган ва табиий компонентларга (сув, яшил ўсимликлар, рельеф, юксак эстетик хусусиятларга) бой бўлган, аҳоли пунктидан транспортда 1-1,5 соат ичида етиб олиш мумкин бўлган маҳсус худудлар ажратилиши лозим.

### **Учунчи погонада -эпизодик узоқ муддат фойдаланадиган жамоа бинолари**

- Катта ёшдаги аҳолининг ҳар йилги меҳнат таътили ва мактаб ёшидаги болаларнинг ёзги таътиллари вақтидаги эпизодик, узоқ муддатли дам олиши учун мўлжалланган дам олиш масканлари – санаториялар, дам олиш уйлари, пансионатлар, туристик базалар, мотеллар, болаларнинг соғломлаштириш муассасалари, болалар муассасаларининг ёзги боғ ҳовлилари.

Қишлоқ фуқаролари йиғини худудида характеристикаси туманларни режалаштириш лойиҳасида кўрсатиладиган туман, вилоят ёки республика аҳамиятига эга қимматли рекреацион ресурслар мавжуд бўлса, улардан мазкур қишлоқ фуқаролари йиғини худудида яшайдиган аҳолининг дам олиши учун фойдаланиш имкониятини белгилаш зарур.

Спорт бинолари ва иншоотлари тармоғи жисмоний тарбия талабларини қондириш учун зарур бўлган ҳажмда, қишлоқ фуқаролари йиғинининг бутун аҳолисига қуидагича принципга кўра хизмат кўрсатилишини ҳисобга олиб туриб лойиҳалаштирилиши лозим:

### **Биринчи погонада - ҳар қуни спорт билан шуғулланадиган жамоа бинолари**

Ҳар қуни спорт билан шуғулланиш учун–мактаб тингловчилари ва катта ёшдаги аҳоли спорт ўйинлари ва машғулотлари билан шуғулланиши учун мўлжалланган майдончалар, улар 5-10 дақиқа ичида пиёда етиб олиш радиусида (туар жой гуруҳлари ичида, мактаб қошида, маҳалла маркази ёнидаги рекреацион мажмууда) жойлаштирилиши керак.

### **Иккичи погонада -мураббий раҳбарлигига умумий жисмоний спорт билан шуғулланадиган жамоа бинолари**

Катта ёшдаги аҳоли ва болаларнинг мустақил ва мураббий раҳбарлигига умумий жисмоний тайёргарлик гуруҳлари (саломатлик гуруҳлари)да ва спорт секцияларида мунтазам равишда шуғулланиш учун.

**Тизимли тарздаги машғулотлар учун мўлжалланган спорт маркази-30** дақиқа ичида пиёда етиб бориш радиусида жойлаштирилиши лозим.

## Архитектура

Спорт иншоотларини лойихалаштиришда улардан күп мақсадларда фойдаланиш принципига асосланиш зарур.

Маъмурий бинолар, молия, алоқа муассасалари, жамоатчилик ташкилотлари, жамоат тартиби бўлинмалари, қишлоқ кенгашлари (диний муассасалар бундан мустасно) қишлоқ аҳоли пунктининг ижтимоий маркази худудида жойлаштирилиши ва маъмурий-ижтимоий хизматлар тўлиқ ҳажмда кўрсатилишини таъминлаши керак.

Бинолар имкони борича бирлаштирилиши керак. Жойлаштиришнинг ҳажми ва манзили ҳар бир муайян ҳолат учун лойихалаштириш топшириғига биноан белгиланади.

Бинолар ва муассасаларнинг тавсия қилинадиган рўйхати, уларнинг сифими ва қишлоқ фуқаролари йигинининг аҳоли пунктлари бўйича жойлаштирилиши ШНҚ 2.07.04-12 норматив ҳужжатнинг 10-15 жадвалларида келтирилган.

Қўйида маданий-маиший муассасаларнинг талаб этилган сифимини ҳисобкитоби келтирилган.<sup>29</sup>

### **КФЙ АПОТини лойихалаш учун қишлоклар аро жамоат марказлари ва самоат объектларини назарда тутиш керак:**

1. – Болалар соғломлаштириш корпус: - 1.0 га

- Спорт комплекс

- Хўжалик зонаси

-Маъмурий бўлим

- Ошхона

2. – Болалар оромгохи (мавсумий): - 3.0 га

- Ошхона

- Дам олиш корпуси

- Спорт зонаси

- Оммавий тадбирлар ўтказиладиган майдонча

- Хўжалик зона

- кўкаламзор зона, киши бошига: - 10 $m^2$

3. Медицина муассасалари: - 2.0 га- поликлиника лаборатория корпуси дилан

-Туғирикхона 1000та аёлга 1 урин

4. Спорт (мактаблар аро беллашувлар ва байрам тадбирлари «Мустақиллик», «Наврўз»): - 6.0 га

- Футбол майдонлари 2,5-3,0 минг кишилик трибуна билан

- Комплекс (валейбол, баскетбол ва теннис кортлари) иншоотлари

- Ёпик сузиш бассейни (11X25м), болаларники (8X12,5м)

- Комплекс спортзал (18x30)

- Маъмурий булим

5. Маданий-маиший ва савдо объектлари: - 0.8 га

- парк 1 кишига 4-6 $m^2$  кўкаламзорлар ҳисобида

- Маросимлар ўтказиш учун универсал зал (туйхона, клуб, мусикий тугарак, ёш камолотчилар уйи)

<sup>29</sup> K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition

- Мусикий ва бадиий мактаб
- Маиший хизмат қўрсатиш комбинати 24 хилдаги хизмат турлари
- Банк
- Кичик ва ўрта бизнес учун бизнес маркази
- Кичик дехқон бозори
- 6. Ишлаб чиқариш обьектлари: - 4.0 га
  - Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари цехи
  - Консерва цехи
  - Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қуритиш пункти
  - Балик хўжалиги
  - Сутли маҳсулотлар мини цехи
  - Доривор ўсимликларни қайта ишлаш цехи
- 7. Автосервис хизмати: - 0.5 га
  - Диагностика
  - Ремонт хизматлари (мотор, кузов ва юриш кисими)
- 8. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш: - 0.5 га
  - Шлакоблок цехи
  - Рубероид ишлаб чиқариш цехи
  - Ёгоч қайта ишлаш цехи
  - Ғишт цехи

### **Назорат саволлари:**

1. Туман марказининг “интенсив таъсир зонаси” деган тушунчанинг моҳияти нимадан иборат?
2. Туман марказининг иккинчи таъсир зонаси қандай таърифланади?
3. Истиқболли жойлашув, жойлашувнинг маҳаллий тизимлари ва аҳоли пунктларининг режали ташкил этилишига қайси тенденциялар бевосита таъсир кўрсатади?

### **Фойдаланган адбайётлар:**

1. K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition.
2. Mohinder S. Grewal , Angus P. Andrews , Chris G. Bartone. Глобалная навигационная спутниковая система. Global Navigation Satellite Systems, Inertial Navigation, and Integration 3rd Edition. USA, 2013, english, Wiley Interscience.
3. Travis Beck. Principles of Ecological Landscape Design. Island 2013
4. Ловров В.А. «Методика реконструкции городов» Москва, СНиП
5. ШНК 2.07.01-12
6. Лола А.М. «Основы градоведения и теории города» 2005
7. Оленьков В.Д. «Градостроительная безопасность». 2007.
8. ШНК 2.07.01-12.
9. <http://www.arhitekto.ru/txt2razv16.shtml>.
10. [http://www.Glazychev.ru/books/mir\\_architectury/glava\\_8/glava\\_08-01.htm](http://www.Glazychev.ru/books/mir_architectury/glava_8/glava_08-01.htm).
11. Principles of Town Planning and Architecture, Marie-Helene Contal, Jana Revedin, Boston,USA,2009.

**4-мавзу: “Қишлоқ аҳоли пунктларининг функционал тизимли элементларининг меъморий лойиҳавий ташкил этилиши: функционал худудлар, турар-жой худудлари, ишлаб чиқариш”.**

**Режа:**

- 4.1. Табиий-иқлиний шароитлар.
- 4.2. Аҳоли пунктлари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг ривожланиши.
- 4.3. Қишлоқлараро муҳандислик-транспорт, ишлаб чиқариш омилиниң тузилмалари аҳоли пунктларининг режали тузилмаси шаклланишидаги роли.

**Таянч иборалар:** радиация, интенсификация, рельеф, орфография, элемент, тенденция, элемент.

**4.1. Табиий-иқлиний шароитлар.**

Табиий-иқлиний шароитлар - қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий-режали ечимиға энг катта таъсири этувчи омиллардан бири ҳисобланади. Бу шароитлар қаторига ландшафт, қуёш радиацияси, шамол, ҳаво ҳарорати, тупроқ тузилишининг хусусиятлари, ёғинлар ва шу кабиларни киритиш мумкин. Санаб ўтилган шароитлар бўйича республика ҳудуди бир хил эмас, шунинг учун табиий муҳитнинг минтақавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда шаҳарсозлик масалалари ечимини ҳал қилиш учун “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” институти томонидан Ўзбекистон ҳудуддининг ландшафт-иқлиний зоналаштирилиши бажарилган, унга кўра республиканинг бутун ҳудуди шартли равишда З та минтақага бўлинган.

1-минтақа таркибиға текислик ва тоғ олди воҳалар, тоғ водийларининг пастликлардаги қисмлари, денгиз сатҳидан баландлиги 1000 метргача бўлган тоғ олди ҳудудлар киради. Бундай ерлар аввалдан суғорилиб келган ва янгидан ўзлаштирилаётган бўлиб, аҳоли зичлиги анча юқори – айрим ҳудудларда 1 кв.км га 400-500 тагча киши тўғри келади. Бу ҳудудлар ўзларининг тупроқ ва сув ресурсларининг қулайлиги, ўсимликларнинг яхши ривожланиши ва ерларни қишлоқ хўжалик нуқтаи назарида яхши ўзлаштирилишини таъминлаш имкониятини яратувчи шаклланган ирригация тизимлари билан ажralиб турадилар.

Иқлим қуруқ ва иссиқ бўлиб, ёз фаслида ташқи муҳитнинг иссиқ дискомфорти шаклланади – бундай давр шимолда 60 кунга яқин, жанубда эса 120 кундан кўпроқ давом этади. Шамол режими шамол тезлигининг кичик ва нормал кўрсаткичлари билан тавсифланади – кун ва тун вақтида шамолнинг ўртча тезлик 3 м/с дан ошмайди. Сахро билан черадош ҳудудларда қум бўронлар кузатилади, уларнинг таклорланиши ёз кунлари камида 3 кунни ташкил қиласади<sup>30</sup>.

Ушбу ҳудуддаги иқлиний шароитлар мелиорацияси бўйича асосий чора-тадбирлар посёлка ва унинг элементларини ҳажмий-режали ташкил этиш, кўкаламзорлаштириш, сув чиқариш ва ободонлаштириш каби шаҳарсозликнинг барча воситаларидан фойдаланган ҳолда йилнинг ёз фаслида шамол режимини

<sup>30</sup> K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition

сақлаш ёки интенсификация қилиш йўли билан иссиқни камайиришга қаратилиши лозим.

Посёлканинг очиқ ва ярим очиқ тузилмаси 1-минтақада жойлашган қишлоқ аҳоли пунктларини режали ташкил этишнинг асосий типологик принципи ҳисобланади, чунки айнан шундай тузилма очиқ бўшликларни уларга ёндош бўлган қулай ва мақбул ландшафт билан бевосита боғланишини, шунингдек саҳро чгарасида ёки водийларнинг бўғизларида жойлашган посёлкаларни ёздаги қайнок ва қишки совуқ шамоллардан ҳимоя қилинишини таъминлайди. Тоғ олди воҳаларда нурлисимон ва тўғри бурчакли тузилма афзалроқ ҳисобланади, бунда кўчаларни бир маромда шамоллатиш учун кўчалар тармоғи рельефга нисбатан қия бурчак остида трассалаштирилади (белгиланади). Текислиқда жойлашган воҳалардаги посёлкаларни режали ташкил этилишида кўча тармоғи радиал тизими қўлланилади. Лекин, бу каби тузилмаларда кўчалар йўналиши ва саҳро томондан эсадиган шамоллар йўналиши мос тушишини олдини олиш зарур. Қишлоқ аҳоли пунктларидағи аҳоли истиқомат қиласидиган зоналарнинг тавсия этилган.

2-минтақа (чўл-саҳро) таркибида кам ўзлаштирилган, техник экинлар учун ноқулай, суғорма дехқончилик учун деярли яроқсиз суви кам худудлар киради. Ерларни ўзлаштириш жуда мураккаб бўлиб, факат тупроққа агротехник ишлов бериш йўли билангира қишлоқ хўжалик экинларини этиштириш мумкин. Худудларда аҳоли зичлиги жуда паст, аҳоли пунктлари атрофи саҳро ва чўллар билан ўралган бўлиб, коммуникацион алоқалар чекланган.

Бундай худудларда ёз қуруқ ва иссиқ бўлиб, жанубда 120 кун давомида иссиқ ва қуруқ ҳаволи ўта мураккаб термик шароитлар ҳукм суради. Шамол тезлиги йил давомида 30 м/с дан катта бўлиб, агар худудда мустаҳкамланмаган ва эрозияга учраган тупроқлар бўлса, ёз ойларида 3-5 кундан ортиқ давом этадиган қум бўронлари кузатилади<sup>31</sup>.

Бу минтақадаги атроф муҳитни яхшиланиши сунъий ландшафт яратиш, табиий шароитларни ўзгартириш, саҳронинг салбий таъсирларидан, чанг шамоллари ва бўронларидан ҳимоя қилиш, чангланганлик даражасини камайириш йўли билан аҳоли яшаши учун қулай шароитларни яратишга қаратилиши лозим. Шаҳар муҳитини мелиоратив ҳолатини яхшилашда шаҳарсозлик воситаларидан фойдаланиш имкониятлари чекланганини ҳисобга олган ҳолда, биринчи навбатда, иморатлар қурилишини ташкил этиш усуслари ва уларнинг функционал элементларини номақбул ташқи омиллардан ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Яшил ўсимликлардан ва сув қурилмаларидан фойдаланиш имкониятлари ҳар бир аниқ ҳолат учун сув ресурслари ва ҳудудни суғориш шароитлари билан белгиланади.<sup>32</sup>

2-минтақадаги аҳоли пунктларининг типологик хусусиятлари режали тузилманинг ёпиқлиги, ташқи муҳит билан боғланишларнинг минималлиги ва бўш майдонларнинг ўлчамлари, турар-жой бинолари ва кундалик хизмат кўрсатиш муассасалари қурилишини комплекс тарздаги ечими воситасида

<sup>31</sup> K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition

<sup>32</sup> Principles of Town Planning and Architecture-p.70-75


## Архитектура

ифодаланиши лозим. Посёлка ва унинг элементларини режали тузилмаси посёлка ичидағи бўшлиқларни шамолнинг салбий таъсиридан, қум бўронлари ва сахронинг юқори ҳароратли фонидан имкон қадар ҳимоя қилиши лозим.

Қишлоқ аҳоли пунктининг режали тузилмаси истиқомат зонасидаги бўшлиқлар шамоллатилиши учун оптималь шароитлар яратилишини, шамол

тезлиги камайтирилиши ёки интенсификациясини ўзаро боғлик кўчалар, майдонлар, кўкаламзорлаштирилган зоналар ташкил қилиш ҳамда сувли юзаларнинг ягона вентиляцион тизимга очиш йўли билан таъминлаб бериши лозим. Сахро-чўлли зоналардаги посёлкаларнинг кўчалар тизими ёпиқ ҳалқасимон схема асосида ташкил этилиб, аҳоли пукти чегараларидан ташқарига чиқиши чеклаши зарур. Шунингдек, тўғри чизиқли коммуникациялар узунлиги ва ўлчамларини чеклаш, кўчаларни режада бўлиб ташлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. (қишлоқ аҳоли пунктларидағи аҳоли истиқомат қиласидан зоналарнинг 2-минтақада қўлланилиши учун тавсия этилган тузилмалари).


3-минтақа (баланд тоғ олди ва тоғли худудлар) рельефнинг мураккаб кесими ва метеорологик омилларнинг жойнинг орфографияси билан шартланган турли мужассамликлари билан таърифланади. Бундай худудлар тупроқ, сув ва ўсимлик ресурсларининг ранг-баранглиги ҳамда қурилиш учун қулай участкаларнинг чекланганлиги билан ажralиб туради. Шу сабабдан ҳам, бу каби худудларда аҳоли пунктларини қуришга бўлган шаҳарсозлик талаблари аниқ маҳалий шароитлар билан белгиланади ва мазкур қўлланмада кўрилмайди. Ўзбекистон худудининг шаҳарсозлик мақсадларида ландшафтли-иклиний районлаштирилишининг схемаси. (ЎзшаҳарсозликЛИТИ).




Ўзбекистоннинг

1-минтақасида жойлашган

қишлоқ аҳоли пунктининг режали ташкил  
етилишини модели.




- селитебная зона;
- производственная зона;
- озеленение, водные пов-ти;
- общественный центр.



Ўзбекистондаги 1-минтақа шароитлари учун қишлоқ аҳоли пунктлари бош режалари ечимларининг намуналари;  
а) Самарқанд вилояти Ургут тумани шароитлари учун қишлоқ аҳоли пунктининг бош режаси. б) Нманган вилояти шароитлари учун аграр-рекреация функциялари бўлган қишлоқ аҳоли пунктининг бош режаси.



Ўзбекистондаги 1-минтақада жойлашган қишлоқ аҳоли пунктини режали ташкил этиш модел



Агросаноат посёлкасидаги аҳоли истиқомат қилувчи зона фрагменти.

Сирдарё вилоятидаги “Маржонбулоқ” қишлоқ аҳоли пунктининг бош режаси.

## Аҳоли пунктлари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг ривожланиши.

Аҳоли пунктларининг очик режавий тузилмасини шакллантириш бўйича асосий принциплар. Жойлашув тизимларини ва бу тизимларнинг функционал тарзда бирлаштирилган тузилмавий элементлари сифатида аҳоли пунктларини жойлаштириш жараёни ханузгача пала-партиш хусусиятга эга. Бу ҳолат унинг ижтимоий-иктисодий самарадорлигини сезиларли даражада пасайтиради, сабаби, янги тенденциялар меъморий-режавий ташкиллаштиришнинг шаклланиб ва аллақчон эскириб улгурган принциплари ва методларига тўқнаш келади. Айрим ҳолларда эса бу янги тенденциялар яхши ўрганилмагани туфайли тўлиқ қўлланилмайди. Шунинг учун ҳам, бу тенденциялар ва услубларни пухта ўрганилиши ва англаниши, лойиҳалаш амалиётида улардан аниқ мақсадга йўналтирилган тарзда фойдаланиш ҳам лойҳавий ечимлар, ҳам аҳоли пунктлари фаолияти самарадорлигини ошириш имкониятини беради<sup>33</sup>.

Жойлаштириш тизимларида рўй бераётган интеграция жараёнлари билан рағбатлантирилаётган қишлоқ аҳоли пунктлари ривожланишининг янги шартшароитлари, жойлаштириш тизимининг тузилмавий элементларини аҳоли пунктларининг архитектура-режавий ташкил қилиниши учун зарур шароитлар сифатида яратилишини олдиндан белгилаб беради. Лойиҳа тузилиши жараёнида, баъзан, аҳоли пунктлари жойлаштиришнинг автоном элементлари сифатида қабул қилинади, бу каби лойиҳалаштириш “ёпик” режавий тузилмага эга бўлади. Бундай ҳолатларда аҳоли пунктларини режавий ташкил этилишида меҳнат ва маданий-маиший ҳамда ишлаш жойлари ва хизмат кўрсатиш муассасаларининг ушбу аҳоли пункти чегараларида бўлган ўзаро алоқалари катта аҳамият касб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, бу каби турар жойларнинг ҳудудий ривожланиши “шаҳар чегараси” деб аталмиш (кўрилаётган вазият учун – “посёлка чегараси”) доира билан қатъий чегараланган бўлади.

Шу билан бирга, қишлоқлараро алоқаларнинг ривожланиши аҳоли пунктларининг локал территориал тузилмалари чегарасида ҳам, юқори миқёсдаги марказлар доирасида ташки мuloқotларни ҳисобга олинишини тақозо қиласди. Бу каби талабларга аҳоли пунктларининг “очик” деб таърифланган тузилмасининг модели мос келади. Очик режавий тузилма ўзаро боғлиқ фаолиятни амалга ошириш жараёнини режалаштириш воситалари билан ва ҳар бир аҳоли пунктни бошқалари билан биргаликда, бир хил ривожланишини таъминлайди.

Аҳоли пунктларини лойиҳалаштириш бўйича шаклланиб улгурган ёндошув уларнинг шаҳарсозлик нуқтаи назарида ривожланиши шартларига жавоб бермайди. Бу метод, одатда, аҳоли пунктларининг автоном тарздаги фаолиятига асосланади. Бундай ёндошув “ёпик” деб таърифланувчи режали тузилма схемаси билан ифодаланади.

Аҳоли пунктларининг бу каби режавий ташкил этилишида меҳнат ва маданий-маиший ҳамда ишлаш жойлари ва хизмат кўрсатиш муассасаларининг ушбу аҳоли пункти чегараларида бўлган ўзаро алоқалари катта аҳамият касб этади. Аҳолининг ҳам меҳнат билан, ҳам маданий-маиший мақсадлар билан боғлиқ маятниксимон тарзда қишлоқлараро қатнашлари бу концепция доирасида

<sup>33</sup> K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition

кам учрайдиган ва норационал ҳолат сифатида кўрилади. Лойиҳалаштириш амалиётидаги бу каби ёндошув ташқи транспортни жойлашув тузилмасидан номақбул омил сифатида чиқариб ташлашни тақозо қиласди. Режали тузилма шаклланиши жараёнида қишлоқлараро транспортнинг ижтимоий-иктисодий аҳамиятига етарлича баҳо берилмайди. Аҳоли пунктининг худудий ривожланишида ҳам унинг тузилмаси ривожланишини “шахар доираси” билан қатъий чеклаш, жойлашувнинг ёндош тизимлари билан қўшилиб кетишига тўсқинлик қилиш тенденцияси олға сурилади. Замонавий шароитларда шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг ўзаро боғлиқ тарзда ривожланишидаги мавжуд объектив тенденцияларга етарлича аҳамият бермаслик бундай ёндошувнинг асосий сабабларидан биридир.

Қишлоқлараро муносабатларнинг кучайиши лойиҳалаштириш ва келгусидаги ривожланиш истиқболларини режалаштириш жараёнида аҳоли пунктларидағи ҳам локал худудий тузилмалар, ҳам марказлар билан ташқи алоқаларни албатта ҳисобга олиш заруриятини келтириб чиқармоқда. Лекин, бундай алоқаларнинг ҳисобга олиниши ҳозирча тўлиқ эмас. Лойиҳа тузувчи эътиборини, одатда, бундай алоқаларнинг асосан битта жиҳатига, яъни жамоат хизмат кўрсатиш муассасаларини ҳисобга олишга қаратади. Аҳоли пунктларининг лойиҳаларида аҳолининг туман ва вилоят марказлари билан маятниксимон миграция алоқалари, бу алоқалар интенсивлиги ва хусусиятларидаги фарқланишлар, уларнинг аҳоли пунктининг режали тузилмасига, хизмат кўрсатиш муассасаларининг таркиби ва ривожланиш даражасига, жамоат транспорти маршрутларини белгилашга кўрсатадиган таъсири ҳисобга олинмайди. Таъкидлаш лозимки, замонавий шароитларда муайян жойлашув чегаралари нафақат ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими, балки аҳоли пунктининг бошқа функционал тизимлари учун ҳам тор бўлиб қолмоқдалар<sup>34</sup>.

Шу билан бирга, қишлоқлараро алоқаларнинг ривожланиши аҳоли пунктларининг локал территориал тузилмалари чегарасида ҳам, юқори миқёсдаги марказлар доирасида ташқи мулоқотларни ҳисобга олинишини тақозо қиласди. Бу каби талаблар комплексига аҳоли пунктларининг “очиқ” деб таърифланган тузилмасининг модели мос келади. Очиқ режавий тузилма ўзаро боғлиқ фаолиятни амалга ошириш жараёнини режалаштириш воситалари билан ва ҳар бир аҳоли пунктини бошқалари билан биргаликда, баравар ривожланишини таъминлайди. Очиқ режавий тузилманинг асосий фарқланувчи жиҳати, бу унинг ички ва ташқи алоқаларга бир хил йўналтирилганидир, бу эса аҳоли пунктининг яккаланиб қолинишини олдини оладиган омил бўлиб хизмат қиласди.

Жойлаштиришнинг маҳаллий тизимлари, яъни аҳоли пунктларинининг режавий тузилмасини шакллантириш вазифаси - бу ерда кечаётган ижтимоий жараёнлар, қишлоқ аҳолисининг меҳнат, маданий ва ижтимоий фаолияти учун энг қулай шароитларни яратишдан иборатдир. Бу каби шароитларда очиқ режавий тузилманинг асосий ижтимоий моҳияти қўйидагидан иборат – меъморий-режали ташкиллаштириш воситасида жойлаштиришнинг локал худудий бирликларининг марказий ва оддий тузилмавий элементларидаги мавжуд яшаш шароитлари ўртасидаги фарқланишларни маълум даражада бартараф қилиш. Қишлоқлараро

<sup>34</sup> K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition

## Архитектура

алоқаларнинг кучайиши жойлаштириш тизими тузилмаларидағи функционал зоналарнинг түлиқ таркибиға эга аҳоли пунктлари билан бир қаторда айрим объектлар ва уларнинг гурухлари ҳам ривожланишига сабаб бўлади. Бунда тизим таркибидаги айрим ҳудудларда иш жойларининг етишмаслиги ва бошқа ҳудудларда эса ишлаб чиқариш ва агросаноат объектларининг ривожланиши каби тенденциялар намоён бўлади. Бу каби, қишлоқларо миқёсга эга ҳолат дам олиш зоналари ҳамда коммунал-омбор ҳудудларда ҳам кузатилади. Бундай ёндошиш қишлоқ аҳоли пунктларининг жойлаштириш тизимида яккаланиб қолишини олдини олишга ва тизимнинг тузилмавий элементи сифатида ривожланишига ёрдам беради.

Бу жараён ҳозирги шароитлар учун табиий бўлиб, аҳолининг ички ва қишлоқларо қатнашларининг хусусиятлари (қулайлиги, қатнов учун сарфланадиган вақт ва ҳқ.) яқинлашиб бораётганини акс эттиради. Қишлоқ аҳоли пунктида ташқи сафарларнинг ҳажми қишлоқ ичидаги ҳаракатлар ҳажмидан анча катта. Шунинг учун ҳам, қишлоқ аҳоли пунктининг режавий тузилмасига ташқи транспортнинг таъсири энг муҳим омил мақомига эга бўлиб қолади. Демак, аҳоли пункти режавий тузилмасининг муҳим элементи ҳисобланувчи жамоа маркази билан, бир қатор ҳолатларда (биринчи навбатда, маҳаллий марказларда), режавий боғланган йўловчи транспорт инфратузилмасини яратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Аҳоли пунктини жойлаштириш тизимининг тузилмавий элементи сифатида қабул қилиниши, аввалги, анъанавий ёндошишдан фарқли ўлароқ, унинг территорияси функционал равишда зоналаштирилишини белгилаб беради. Аҳоли пункти ва жойлаштириш тизимини режавий ташкил этилишининг услуги сифатида кўриладиган функционал зоналаштиришнинг имкониятлари айрим зоналарнинг ўзаро таъсири, масалан, бу зоналардаги айрим элементларнинг бир-бирига қўшилиб кетиши ва интеграцияси каби шаҳарсозлик яхлитлигига хос бўлган тенденциялар кучайишини ҳисобга олиши зарур. Қурилиш объектларининг нафақат функционал, балки ҳажмий-фазовий жиҳатларини ҳисобга олиш зарурати функционал бир турга мансуб территорияларни белгилашдек нисбатан оддий принциплардан ўзгарувчан, шаҳарсозлик тузилмалари шаклланишининг барча жиҳатларини ўз таркибида қамраб олган принципларга ўтиш мақсадга мувофиқ эканлигини тақозо қиласди<sup>35</sup>.

Қишлоқ аҳоли пунктларининг жойлашув тизими таркибида ривожланиш шароитларини хилма-хиллиги уларни тизим тузилмасига киритиш имкониятлари ва шакллари бир хил бўлмаслигин шартлаб беради. Улар ҳудуднинг урбанизация даражаси, у ёки бу жойлашув минтақасига мансублиги ва шу каби омилларга қараб белгиланади. Табиийки, аҳоли пункти режали тузилмаси ҳам муайян минтақа ва ҳудудлардаги мавжуд шароитларга қараб ўзгаради.

Алоҳида жойлашган ва жойлашув тизимининг элементлари сифатида кўрилаётган қишлоқ аҳоли пунктларига нисбатан шаклланаётган меъморий-режали тузилмалар шаклланишининг солиштирма таҳлили тизимдаги аҳоли пунктининг очиқ тузилмасига хос принципиал хусусиятларни аниқлаш имкониятини берди. Агар алоҳида жойлашув тизими ривожланиши асосида унинг

<sup>35</sup> K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition

фаолиятидаги бир қатор жиҳатлар бўйича ўзини ўзи таъминлаш дастури мавжуд бўлса, аҳоли пунктида, яъни жойлашув тизимининг элементида функциялар бирлаштирилишига асосланган ихтисослаштирилган ривожланиш, тузилмавий элементларнинг турлари, таркиби ва ўлчамлари, тизимнинг турли таркибий қисмлари ўртасидаги ривожланиш бўйича шаҳарсозлик дастурлари кўзга ташланади. Бу фарқланишлар аҳоли пунктини меъморий-режали тузилмаси шаклланишининг барча жиҳатларида ўз аксини топган.

Кишлoқ аҳоли пунктининг жойлашув тизимидағи ривожланишида унинг асосий тузилмавий-функционал элементлари ўртасидаги муайян мутаносибликларни сақлаб қолиш вазифаси ўз маъносини йўқотади. Аҳоли истиқомат қилувчи ва саноат-ишлаб чиқариш ҳудудларнинг ўзаро нисбати мисолида учта асосий вазият юзага келади. Бриничи ҳолатда аҳоли яшайдиган ҳудуд кўпроқ ривожланади, сабаби-ушбу аҳоли пункти аҳолисининг бир қисми ундан ташқарида меҳнат қилади. Иккинчи ҳолатда-бунинг аксини, яъни ривожланган ишлаб чиқариш зонаси бошқа аҳоли пунктларида яшайдиган аҳолининг катта қисмини ўзига жалб қилишини кўриш мумкин. Учинчи ҳолатда, яъни зоналарнинг ҳудудий ривожланиши мутаносиб кўринишга эга бўлганида, функционал баланс сақланмай қолади, сабаби-ушбу аҳоли пунктидаги аҳолининг бир қисми ушбу аҳоли пунктининг ташқарисида меҳнат қилса, бошқа қисми эса маятниксимон мигрантлар ҳисобланади. Шундай қилиб, жойлашув тизимларининг элементлари ҳисобланган аҳоли пунктларидағи тузилмавий-функционал нисбатлар, аксарият ҳолларда, мувозанатлашмаган бўлиб чиқади, чунки аҳоли пунктининг жойлашув тизимидағи роли ва мавқеини белгилаб берувчи вазифалари айнан шундай номутаносибликтни аввалдан шартлаб беради<sup>36</sup>.

Кишлoқ аҳоли пунктлари элементларининг таркиби ҳам турличадир. Уларнинг жойлашув тизимидағи ривожланишида, айниқса, ҳудудий жиҳатдан яқин бўлган аҳоли пунктлари гуруҳидаги ривожланишида аҳоли пунктларининг биридаги алоҳида обьектлари ёки комплекслари (масалан, ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий хизмат кўрсатиш обьектлари ва ш.к.) қолганларининг эҳтиёжларини таъминлаши мумкин. Натижада, бир қатор аҳоли пунктларидағи элементлар таркиби тўлиқ эмас, чекланган бўлиб чиқади. Мисол учун, бир аҳоли пунктида дам олиш зонаси бўлмайди, иккинчисида эса ишлаб чиқариш базаси яхши ривожланмаган бўлади ва ҳк. Мавжуд бўлмаган ёки суст ривожланган функциялар ушбу тизим таркибига киравчи бошқа аҳоли пунктлари ҳисобига қопланади.

Кишлoқлараро маятниксимон миграциялар ривожланаётган шароитларда элементларнинг ўзаро алоқларининг хусусиятлари ҳам ўзгаради. Шаҳар ва қишлoқ аҳоли пунктларининг тузилмавий-функционал элементларида бевосита ўзаро таъсир тенденциялари юзага келади, натижада, муайян аҳоли пунктидаги аввалги тузилмавий-функционал яхлитлик янги, минтақавий ёки маҳаллий жойлашув тизими ядросига асосланган янада йирикроқ яхлитликка ўзгартирилади. Жойлашув тизимининг элементи ҳисобланган аҳоли пунктида турли зоналар, обьектлар, муассаларнинг номутаносиб тарзда ривожланиши мумкин бўлиб, айрим ҳолларда эса, мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади. Сабаби,

<sup>36</sup> K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition

## Архитектура

янада йириқроқ шаҳарсозлик тузилмаси–жойлашув тизими ёки унинг кичик тизимлар воситасида умумий балансга эришиш имкониятлари вужудга келади.

Жойлашув тизимида режалаштиришнинг турли чегаралари ва ҳудудий ривожланишнинг табиий тўсиқларига бўлган муносабат ҳам ўзгаради. Жойлашувнинг гурухли шаклларини лойиҳалаш жараёнида ландшафтнинг жарликлар, сув ҳавзалари, қўшни қишлоқлар ўртасидаги ҳудудий узилишлар каби элементлари турли функционал вазифаларга эга умумгурух зоналар ролини бажарган ҳолда, қўшни аҳоли пунктларини ажратувчи эмас, балки бирлаштирувчи элементлар сифатида қабул қилинадилар.

Нисбатан алоҳида жойлашган аҳоли пунктлари деярли универсал дастур бўйича ривожланадилар, унга қўра ҳар бир алоҳида аҳоли пунктнинг шаҳарсозликка оид асосий вазифаларнинг бутун комплекси, яъни: янги қурилиш; тарихий ёки бадиий қийматга эга элементлар консервацияси; уларнинг айримларини янги функцияларни бажариш учун мослаштирилиши; эски шаклларни кескин янгиланиши ёки батаомом бартараф этилиши амалга оширилади. Бир-бирига зид бўлган бир қатор функционал вазифаларни битта режалий тузилма доирасида амалга ошириш анча мураккаб масала ҳисобланади. Охир-оқибат, эскирган тузилманинг мутлақо янги шароитларда ишлаши аксарият ҳолларда унинг бузилишига олиб келади<sup>37</sup>.

Қишлоқ аҳоли пунктларини жойлашув элементлари сифатида ривожланишида ихтисослашув йўли билан алоҳида, тизим эҳтиёжлари талаб этаётган ва у ёки бу аҳоли пункт учун мақбул келадиган ривожланиш дастурининг исталаётган, мақсадга мувофиқ режимини амалга ошириш имконияти пайдо бўлади. Бошқача қилиб айтганда, жойлашув тизимида аҳоли пунктлари учун ривожланиш дастурларини бирлаштириш имконияти яратилади. Бунда ҳар бир қишлоқ аҳоли пункти учун энг мақбул ва афзал деб топилган дастур ушбу тузилмадаги бошқа дастурларнинг элементлари билан бирга амалга оширилади.

Очиқ режалаштириш тузилмасининг хусусияти қишлоқлараро меҳнат алоқаларнинг интенсивлиги ва йўналишига боғлиқ равишда сезиларли даражада ўзгаради. Шундан келиб чиқиб, очиқ тузилманинг учта энг аҳамиятли турини ажаритш мумкин: I–меҳнат ресурсларини етказиб берувчи аҳоли пункти тузилмаси; II–меҳнат ресурсларидан фойдаланувчи аҳоли пункти тузилмаси;– меҳнат ресурсларини етказиб берувчи-улардан фойдаланувчи аҳоли пункти тузилмаси, бу тузилмада қишлоқлараро меҳнат сафарлари алмашиниши кўзда тутилади. Режали тузилмаларнинг ҳар бир тури учун ривожланиш даражаси ва тузилма элементларининг ўзаро жойлашувига, биринчи навбатда, жамоат транспорти тугуни ва меҳнат қилинадиган жойларга нисбатан муайян талаблар кўйилади. Бунда ҳар бир тузилма тури учун меҳнат алоқаларининг нафақат куввати, балки уларнинг йўналиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Очиқ режали тузилманинг I турида транспорт тугунининг (бир транспортдан иккинчисига ўтиш пунктининг) жойлашув тизимининг марказига нисбатан энг яқин жойлаштирилиши, шунинг натижасида жамоат-транспорт комплексини шакллантириш энг мақбул ечим ҳисобланади. Бундай комплекс “аҳоли пункт-ётоқхона” турига мансуб аҳоли пунктидаги аҳолининг максимал сони ундан

<sup>37</sup> K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition

фойдаланиши учун энг қулай шароитларни яратиш имкониятини беради.

II турдаги очиқ режавий тузилмада транспорт тугунларининг қишлоқлараро меҳнат марказлари (аграр-саноат зонаси ва шу кабилар) ёнида жойлаштирилиши энг оптимал ечим ҳисобланади. Транспорт тугунининг аҳоли истиқомат қиласиган ҳудудларга нисбатан жойлашуви эса иккиласи, бўсинувчи тусга эга бўлади, шу сабабдан транспорт узелини чеккада жойлаштирилиши мақсадга мувофиқ ечим сифатида қабул қилинади.


Очиқ режавий тузилманинг энг кўп тарқалган III турида барча ҳолатларда транспорт тугуни марказда жойлаштирилиши энг мақбул ечим ҳисобланади. Бунда аҳолининг қишлоқлараро қатнашлари учун сарфланадиган умумий вақтни камайтириш имконияти яратилади. Таъкидлаш лозимки, жамоат марказини, у қишлоқлараро функцияларини бажариши ёки бажармаслигидан қатъий назар, транспорт тугуни билан бирлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Мигрантлар манбаатларини ҳисобга олган ҳолда жамоат маркази билан меҳнат марказлари сифатида қабул қилинган бошқа обьектларни ҳам режали тарзда бирлаштириш мухимдир.

Очиқ режали тузилманинг уччала турида, агар схемдан амалдаги вазиятларнинг кўп сонли вариантларига ўтадиган бўлсак, юқорида қайд этилган элементлар (аҳолини жалб қилувчи меҳнат марказлари)ни жойлаштирилиши локал вазиятларнинг кўплаб вариантларига боғлиқ бўлган бошқа омиллар билан ҳам белгиланади. Бунда аҳоли пункти режасининг шакли, жойи ва табиий элементлар (сув ҳавзалари, яшил ўсимликлар, фойдаланилмайдиган майдонлар ва ш.к.)нинг жойлашув тузилмасида тутган ўрни ва аҳамияти муҳим роль ўйнайди. Посёлка ичидаги алоқаларнинг бутун тизими, айниқса, пиёда алоқалар тизими меҳнат, маданий-маиший ва бошқа мақсадларда бажариладиган қатновлар учун сарфланадиган вақт минимал бўлишини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилиниши зарур<sup>38</sup>.


---

<sup>38</sup> K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition

## АХОЛИ ПУНКТЛАРИ ЭЛЕМЕНТЛАРИ ТАРКИБИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЖОЙЛАШУВ ТИЗИМИДАГИ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИКЛАРИ



а - закрытая



1—турар-жой зонаси; 2—жамоат маркази; 3—ишлаб чиқариш зонаси; 4—дам олиш зонаси; 5—ички алоқалар; 6—аҳолининг қишлоқлараро ташқи алоқалари; 6а—ушбу аҳоли пунктининг; 6б—ушбу аҳоли пунктига интилаётган аҳолининг.

## Қишлоқлараро мұхандислик-транспорт тузилмасининг ахоли пунктларининг режали тузилмаси шаклланишидаги роли.

Қишлоқ ахоли пунктида ташқи сафарларнинг ҳажми қишлоқ ичидаги харакатлар ҳажмидан анча катта. Шунинг учун ҳам, қишлоқ ахоли пунктининг режали тузилмасига ташқи транспортнинг таъсири энг мұхим омил мақомига эга бўлиб қолади. Демак, ахоли пункти режавий тузилмасининг мұхим элементи ҳисобланувчи жамоа маркази билан, бир қатор ҳолатларда (биринчи навбатда, маҳаллий марказларда), режа асосида боғланган йўловчи транспорт инфратузилмасини яратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Лекин, бугунги кунга келиб қишлоқлараро транспорт алоқаларининг ривожланиш даражаси нисбатан юқори эмаслигини ҳам таъкидлаш лозим. Шунинг учун ҳам, яқин келажакдаги қишлоқлараро транспорт алоқаларининг аҳамияти тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш учун етарлича имконият йўқ. Бироқ, ахоли пунктларининг режали тузилмаси, барибир, ташқи алоқалар жадаллашуви ва уларнинг иқтисодиётда, ахоли турмуши яхшиланишидаги мұхим ўринга эга бўлишига боғлиқ бўлади. Йўловчи транспортининг сифат ва миқдор нуқтаи назарида яхшиланиши, нафақат республика ва вилоят миқёсидаги, балки маҳаллий аҳамиятга эга автомобиль йўлларининг юқори сифатли тармоқларининг ташкил қилиниши қишлоқлараро алоқалар ҳажми сезиларли даражада ортишига олиб келади. Айнан шундай истиқболли даража ахоли пунктларининг режали тузилмасини шакллантиришдаги ёндошувни белгилаб бериши лозим. Демак, ёпиқ режали тузилмадан кескин фарқланувчи очик режали тузилмада қишлоқлараро транспорт ва мұхандислик коммуникацияларнинг аҳамияти энг мұхим омил сифатида қабул қилинади.

Умумий тизим таркибидаги транспорт ва мұхандислик инфратузилмаси ахоли пунктининг режали тузилмасини шакллантиришда бошқа қишлоқлараро омиллар билан бир қаторда энг аҳамиятли омил сифатида қабул қилинади. Бундай инфратузилма, ўз моҳиятига қўра, ахоли пунктларининг маҳаллий локал гуруҳи тузилмасидаги умумтизим ёки умумгуруҳ инфратузилманинг бир қисми сифатида ривожланиб боради. Бундай шароитларда муайян ахоли пунктининг режали тузилмасида қишлоқлараро инфратузилма комплекслари ва обьектларининг роли тобора ортиб боради. Бу обьект ва комплексларнинг жойлашув тизимида жойлаштирилиши ташқи алоқанинг режали воситалари билан таъминланади. Шу сабабдан ҳам, ахоли пунктининг режали тузилмаси ривожланишидаги асосий йўналишлар сифатида қўйидагилар эътироф этилади: йўловчи транспорти тугунларини шакллантириш; жамоат марказидаги турли функционал зоналарни уларнинг транспорт тармоғи билан боғланишига (катновлар интенсивлигига) қараб жойлаштириш, шароитлардан келиб чиқсан ҳолда транспорт тугунини жамоат маркази билан бирлаштириш (биринчи навбатда—маҳаллий марказларда) ва ижтимоий-транспорт комплексини маҳаллий марказнинг режали тузилмасидаги энг мұхим элементи сифатида шакллантириш; қишлоқлараро инфратузилманинг турли тизимларидаги бош обьектларни ўзаро боғлиқ ва мувофиқлаштирилган тарзда жойлаштириш<sup>39</sup>.

<sup>39</sup> K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition

## Архитектура

Келгусида, маҳаллий марказ (кичик шаҳар ёки йирик қишлоқ аҳоли пункти) ҳам катта марказ, ҳам жойлашувнинг маҳаллий тизимидағи аҳоли пунктлари билан яқиндан алоқада бўлишини эътиборга оладиган бўлсак, шаҳардан ташқари боғланишлар ва алоқаларни туманлар ичидағи ва туманлар ташқарисидаги алоқаларга ажратиш муҳим аҳамият касб этади. Биринчи турдагилари маҳаллий марказларга, иккинчи турдагилари жойлашув тизимидағи элементлар—аҳоли пунктларига хос бўлади. Марказ функцияларини бажарувчи аҳоли пунктлари режали ташкил этилиши туманлар ичидағи ва туманлар ташқарисидаги алоқаларни бирлаштирган ҳолда ҳисобга олишни тақозо қиласи. Ички ва ташқи трнаспорт алоқаларининг ўзаро нисбати жойлашув минтақасига боғлиқ равища ўзгариши мумкин.

Қишлоқлараро транспорт инфратузилмаси обьектларининг роли, айниқса, жойлашувнинг I ва II минтақларида катта. Бу минтақалардаги режали тузилма маҳаллий марказлар йирик шаҳар-марказ билан алоқалар яхши ривожлангани сабабли аҳоли пунктининг тизимга қўшилигандик даражаси юқори бўлишини таъминлаши лозим. Бу минтақлардаги аксарият аҳоли пунктлари учун ташқи алоқаларни амалга ошириш воситаси сифатида автобус қатновларидан (шаҳарлараро ва шаҳар атрофи автобуслардан) фойдаланилади. Келгусида, қишлоқлараро алоқалар жадаллашуви ва автобус қатновлари ортиши натижасида транспорт тармоғининг тузилмавий-режали аҳамияти ҳам ортиб боради. Айниқса, автобус маршрутлари учун сўнгги манзил бўлган аҳоли пунктларида автотранспорт тизимини ташкил қилиш катта аҳамиятга эга бўлади.

Аҳоли пунктлари тузилмасида аграр-саноат корхонлари ва жамоат-транспорт тугунларининг жойлаштирилиши ушбу аҳоли пункти аҳолиси ва бошқа аҳоли пунктлари аҳолиси учун қулайликларни яратиш талаби билан шартланади. Ушбу комплексларни режали тузилмадаги ўрнини белгилаб берувчи асосий шартлар бу—бир томондан, уларни тураг-жой худудига нисбатан қулай жойлаштириш зарурати бўлса, иккинчи томондан эса, уларни ташқи магистралларда жойлаштириш заруратидир. Ана шу, бир-бирига зид бўлган шарт ва талабларни ҳисобга олган ҳолда энг мақбул шаҳарсозлик ечимларни қабул қилишни назарда тутади.


Замонавий аҳоли пункти тузилмасидаги ташқи коммуникацияларга, худди ташқи алоқаларга бўлгани каби эътибор қаратиш шаҳарсозликдаги энг принципиал масалалардан бири ҳисобланади. Шаҳарсозликдаги лойиҳалаш амалиётида аҳоли пунктига нисбатан ташқи ҳисобланган транспорт коммуникацияларини иморатлар қурилган зонадан ташқарига чиқариш ғояси устувор ҳисобланади. Бундай фикр иккита муҳим асосга таянади: аҳоли пункти худудининг қишлоқлараро автомобиль магистраллари билан кесиб ўтилиши (санитария-гигиеник шароитлар ёмонлашади—шовқин, газланганлик даражасининг ортиши); аҳоли пунктининг турли қисмлари орасидаги алоқалар қийинлашгани туфайли катта харажатларни талаб қилувчи коммуникациялар (йўловчи, транспорт, муҳандислик) қуриш зарурати<sup>40</sup>.

Лекин, жойлашув тизимининг элементи сифатида қаралаётган аҳоли пунктидаги функционал алоқалар тизими масалаларини ҳал қилишда

<sup>40</sup> K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition

## Шаҳар ва туманларнинг тархий таркиби

қишлоқлараро қатновлар учун сарфланадиган умумий вақтни тежаш муаммоси энг аҳамиятли вазифалар сифатида қўрилишига эътибор қаратиш зарур. Жойлашув тизимидағи аҳоли пунктларини шакллантиришда вақт омили катта аҳамиятга эга ва бу аҳамият янада ортиб бориши эҳтимоли юқори ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам, аҳоли пункти тузилишида қишлоқлараро қатновлар учун сарфланадиган вақтни тежашга қаратилган ечимларни ишлаб чиқиш муҳим вазифа сифатида қаралади. Шу нұктаи назардан олиб қаралганда транспорт тугунини марказга яқин жойлаштирилиши энг мақбул ва оқилона ечимлардан бири ҳисобланади. Бундай ечимнинг салбий томонлари сув юзалари, яшил ўсимликлардан фойдаланиб туриб ташкил қилинган ҳимоявий буфер элементларини яратиш воситасида бартараф қилиниши мүмкін.



1-туар-жой зонаси; 2-жамоат маркази; 3-саноат-ишлаб чиқариш зонаси; 4-дам олиш зонаси; 5-транспорт тугуни; 6-жамоат транспорти комплекси; 7-қишлоқ аҳоли пункти аҳолиси алоқаларининг схемаси; 8-туман марказига интилувчи аҳолининг қишлоқлараро алоқалари; 9-туманлараро ички йўллар; 10-туманлараро ташқи йўллар.

### ЖОЙЛАШУВНИНГ ТУРЛИ МИНТАҚАЛАРИДАГИ ҚИШЛОҚ АҲОЛИ ПУНКТЛАРИ РЕЖАЛИ ТУЗИЛМАЛАРИ ШАКЛЛANIШИННИНГ ПРИНЦИПИАЛ СХЕМАЛАРИ

**Ишлаб чиқариш омилининг таъсири.** Аҳоли истиқомат қиладиган тузилмани шакллантиришда ишлаб чиқариш билан боғлиқ омилнинг роли каттадир. У қишлоқ хўжалик ихтисослашувини, корхоналар қувватини, истиқомат зонасининг ўлчамларини, туар-жой ва жамоат биноларининг турларини белгилаб беради<sup>41</sup>.

<sup>41</sup> K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill

## Архитектура

Ишлаб чиқариш зонасининг аҳоли истиқомат қиладиган зонага нисбатан жойлашуви ички ва ташқи алоқалар хусусиятини белгилаб беради. Заарарлик тоифасига кўра ишлаб чиқариш зонасини истиқомат зонасига нисбатан жойлашувининг учта варианти бажарилади: истиқомат зонаси тузилмаси ичида, унинг чегарасида ва унинг ташқарисида.

Ишлаб чиқариш зонаси (масалан: йирик чорвачилик комплекслари ва шу кабилардан иборат зоналар) истиқомат зонасидан ташқарида жойлаштирилганида унинг истиқомат зонасининг композициясига таъсири катта бўлмайди. Одатда, ишлаб чиқариш зонаси билан боғланиш битта пиёда-транспорт тармоғи орқали амалга оширилади.

Истиқомат зонаси чегарасида жойлашган ишлаб чиқариш зонаси (таркибида қишлоқ хўжалик техникасини таъмирлаш ва сақлаш корхоналари, иссиқхоналар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш корхоналари ва шу кабилар бўлган зона) ишчилар оқимини жалб қилувчи меҳнат маркази ҳисобланади. Қайд этилган вариантларда қишлоқ аҳоли пунктларининг ягона ижтимоий-ишлаб чиқариш марказларини ташкил этилиши оптималь вариант сифатида қабул қилиниши мумкин.

Аҳоли истиқомат қилувчи зоналарда ишлаб чиқариш заарарликларисиз, шовқинсиз, интенсив транспорт оқимлари бўлиши талаб қилмайдиган корхона ва муассасалар (умумий овқатланиш, коммунал-маиший муассасалари, ўқув-ишлаб чиқариш ва илмий комплекслар, ҳалқ ҳунармандчилиги билан шуғулланувчи кичик корхонлар) жойлаштирилади. Одатда, бу каби корхона ва муассасалар (жамоат маркази билан бир қаторда) аҳоли пункти композициясида устувор мақомга эга бўлиб, асосий алоқаларни жалб қилувчи марказлар вазифасини бажарадилар.

Комплекслар, ишлаб чиқариш зонаси ва унинг участкаларини аҳоли истиқомат қиладиган зонага нисбатан жойлаштирилиши бир томонлама, икки томонлама ва периметр бўйича бўлиши мумкин.

Бир томонлама жойлаштиришда ишлаб чиқариш корхоналари аҳоли истиқомат қилувчи зонанинг бир томонида жойлаштирилади. Бундай ҳолатларда жамоат маркази зоналар чегарасида жойлаштирилиб, умумий меъморий-режали ечимнинг муҳим мазмуний ва шаҳар ташкил қилувчи бўғини ҳисобланади. Ишлаб чиқариш зонасининг бир томонлама жойлаштирилиши бутун хўжаликнинг транспорт ва муҳандислик коммуникациялари ҳамда меъморий-режали ташкил этилиши билан боғлиқ масалаларини аниқ ва оқилона ҳал қилиш имкониятларини яратади<sup>42</sup>.

Икки томонлама жойлаштиришда ишлаб чиқариш зонаси аҳоли яшайдиган зонага нисбатан алоҳида жойлашган икки ва ундан ортиқ ишлаб чиқариш ҳудудларидан иборат бўлади. Жойлаштиришнинг бундай варианти меъморий-режали тузилмаси шаклланиб улгурган қишлоқ аҳоли пунктлари учун хосдир.

Бурчакли жойлаштиришда посёлканинг меъморий-режали тузилмаси ишлаб чиқариш йўналишида, транспортда ташиладиган юқ оқимларини зона ташқарисига чиқариш учун транспорт коммуникацияларини периферияда ташкил

## Шаҳар ва туманларнинг тархий таркиби


қилиш билан ривожланади. Бунда қишлоқ аҳоли пунктига кираверишда ягона жамоат-ишлаб чиқариш марказини ёки алоҳида маъмурий марказни ташкил қилиш учун қулай шароитлар яратилади.

Ёнма-ён жойлаштиришда алоҳида ишлаб чиқариш худудлари қишлоқ аҳоли пунктининг аҳоли яшайдиган зонасининг бир томонида жойлаштирилади. Бу каби жойлаштириш варианти қўлланилганида посёлканинг ишлаб чиқариш ва аҳоли истиқомат қилиш зоналарининг истиқболда ривожланиши учун шароитлар яратилади. Жамоат маркази “ишлаб чиқариш-истиқомат” деб номланувчи шаҳарсозлик ва фунционал тизимдаги боғловчи элемент вазифасини бажаради.

Ишлаб чиқариш зонасининг худудлари, секторлари ёки участкалари ва истиқомат қилиш зоналари қутбли жойлаштирилганида бу зоналар аҳоли пунктининг меъморий-режали тузилмасининг қарама-қарши томонларида бўлади. Бу каби жойлаштиришда айrim ҳолларда ёрдамчи хизматлар, транспорт-муҳандислик коммуникацияларни бирлаштириш имкониятлари бўлмаслиги мумкин, бундай ҳолат, ўз навбатида, обьектларни қуриш ва улардан фойдаланишни қиммат бўлишига олиб келади.

Ишлаб чиқариш участкалари ва секторларини аҳоли истиқомат қилувчи зона периметри бўйича жойлаштириш – реконструкция билан боғлик турли чоратадбирларнинг асосланган ва комплекс лойиха хужжатларисиз амалга оширилиши натижасида шаклланади. Кўрилаётган ҳолатда “ишлаб чиқариш-истиқомат” фунционал тизимишининг ўта мураккаблашиши кузатилади, натижада, қишлоқ аҳоли пунктининг бутун худудидаги меъморий-режали тузилма шаклланиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатилади. Ишлаб чиқариш обьектларининг бундай жойлашувида алоҳида ишлаб чиқариш обьектларини аҳоли пунктининг ишлаб чиқариш зонасида бирлаштиришга қаратилган реконструкция ишлари бажарилиши лозим<sup>43</sup>.

Шундай қилиб, қишлоқ аҳоли пунктларини лойиҳалаштиришда ишлаб чиқариш омилларинининг ҳисобга олиниши ишлаб чиқариш ва аҳоли истиқомат қилиш зоналари ўзаро жойлашишининг оптимал ечимлари учун шароитлар яратиб беради, натижада, қишлоқ аҳоли пунктлари қурилишида режавий ва меъморий-эстетик сифатлар янада ортишига хизмат қилади.




Ишлаб чиқариш зонаси истиқомат зонасидан ташқарида жойлашган  
а) сут ва балиқчиликка ихтисослашган агроЭндустрисал комплекс марказининг


<sup>43</sup> K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition

## Архитектура


б) посёлка режали тузилмасининг принципиал схемаси.



Ишлаб чиқариш зонаси истиқомат зонаси чегарасида жойлашган а) посёлка режали тузилмасининг принципиал схемаси; б) "Горний" қишлоқ аҳоли пунктининг бош режаси (Қишлоқ хўжалик институти, Остона (Целиноград) шаҳри



Ишлаб чиқариш зонаси истиқомат зонасининг тузилмаси ичida жойлашган: а) посёлка режали тузилмасининг принципиал модели; б) халқ ҳунармандчилигига ихтисослашган агроВИДустриал комплекснинг бош режаси



1-

ишлаб чиқариш зонаси;

2–жамоат маркази;

3–аҳоли истиқомат қиласиган зона

### **ҚИШЛОҚ АҲОЛИ ПУНКТИДАГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА АҲОЛИ ИСТИҚОМАТ ҚИЛАДИГАН ЗОНАЛАРИНИНГ ЎЗАРО ЖОЙЛАШУВИНИНГ АСОСИЙ СХЕМАЛАРИ**

Бир томонлама жойлашувда–ишлаб чиқариш зонаси истиқомат зонасининг бир томонида жойлаштирилади.

Икки томонлама жойлашувда–ишлаб чиқариш зонаси иккита алоҳида жойлашган участкалардан иборат бўлади, уларнинг бири, аксарият ҳолларда, чорвачилик комплекси бўлади. Периметр бўйича жойлашувда ишлаб чиқариш объектлари аҳоли истиқомат қилиш зонаси атрофида жойлаштирилади.

#### **Назорат саволлари:**

1. Аҳоли пунктлари режали тузилмасини шакллантиришга ёндошув яқин келажакда қайси истиқболли даражада билан белгиланади?
2. Қишлоқлараро инфратузилма комплеклари ва объектларининг роли ортиб бораётган ва уларнинг аҳоли пунктида режавий воситалар ёрдамида жойлаштирилиши ташқи алоқаларни таъминлаб бераётган шароитларда қайси параметрлар аҳоли пунктлари режали тузилмаси ривожланишидаги йўналишлар учун энг аҳамиятли ҳисобланади?
3. Қайси марказларда ташқи туманлараро алоқалар салмоғи кўпроқ бўлади?
4. Қайси марказларда ташқи туманлардан ташқари алоқалар салмоғи кўпроқ бўлади?

## **Архитектура**

5. Ташқи туманлараро алоқалар ва ташқи туманлардан ташқари алоқалар қайси сабабаларга боғлиқ равища бирлаштириладилар?
6. Аҳолининг маятниксимон миграцияси мавжуд бўлган шароитларда жойлашувнинг қайси минтақаларида қишлоқлараро транспорт инфратузилмаси обьектлари муҳим аҳамиятга эга бўладилар?
7. Аҳоли пунктлари тузилмасида аграр-саноат корхоналари комплекси ва жамоат-транспорт тугунининг жойлаштирилиши қайси талаблар билан шартланади?
8. Қишлоқ аҳоли пункти режалаштиришида транспорт тугунининг марказга яқин жойлаштирилиши оқилона ечим ҳисобланадими?

### **Фойдаланган адбайётлар:**

1. K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition.
2. Mohinder S. Grewal , Angus P. Andrews , Chris G. Bartone. Глобальная навигационная спутниковая система. Global Navigation Satellite Systems, Inertial Navigation, and Integration 3rd Edition. USA, 2013, english, Wiley Interscience.
3. Travis Beck. Principles of Ecological Landscape Design. Island 2013.
4. ШНК 2.07.01-12.
5. Лола А.М. «Основы градоведения и теории города» 2005.
6. Оленьков В.Д. «Градостроительная безопасность». 2007.
7. ШНК 2.07.01-12
8. <http://www.arhitekto.ru/txt2razv16.shtml>
9. [http://www.Glazychev.ru/books/mir\\_architecture/glava\\_8/glava\\_08-01.htm](http://www.Glazychev.ru/books/mir_architecture/glava_8/glava_08-01.htm).
10. Principles of Town Planning and Architecture, Marie-Helene Contal, Jana Revedin, Boston,USA,2009.

### **5-мавзу: “Қишлоқ аҳоли пунктларини функционал –тизимли элементларнинг меъморий-лойиҳавий ташкил этилиши”.**

#### **Режа:**

- 5.1. Ҳудудни зоналаштириш ва функционал зоналарни режали ташкил этишининг ўзига хос хусусиятлари.
- 5.2. Туар-жой ҳудудининг меъморий-режали ташкил этилиши.
- 5.3. Жамоат марказини шакллантириш ва хизмат кўрсатиш муассасалари тармогини ташкил этиш.

**Таянч иборалар:** элемент, территория, комплекс, урбанизация, композиция, функционал, интеграция, территория.

## 5.1. Ҳудудни зоналаштириш ва функционал зоналарни режали ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Жойлашувнинг маҳаллий тизими элементи-қишлоқ аҳоли пункти худудини функционал зоналаш принциплари. Аҳоли пунктини жойлаштириш тизимининг тузилмавий элементи сифатида қабул қилиниши, аввалги, анъанавий ёндошишдан фарқли ўлароқ, унинг территорияси функционал равишда зоналаштирилишини белгилаб беради<sup>44</sup>. Аҳоли пункти ва жойлаштириш тизимини режавий ташкил этилишининг услуги сифатида қўриладиган функционал зоналаштиришнинг имкониятлари айрим зоналарнинг ўзаро таъсири, масалан, бу зоналардаги айрим элементларнинг бир-бирига қўшилиб кетиши ва интеграцияси каби шаҳарсозлик яхлитлигига хос бўлган тенденциялар кучайишини ҳисобга олиши зарур. Курилиш обьектларининг нафақат функционал, балки ҳажмий-фазовий жиҳатларини ҳисобга олиш зарурати функционал бир турга мансуб худудларни белгилашдек нисбатан оддий принциплардан ўзгарувчан, шаҳарсозлик тузилмалари шаклланишининг барча жиҳатларини ўз таркибида қамраб олган принципларга ўтиш мақсадга мувофиқ эканлигини тақозо қиласди. Ушбу принципни амалга ошириш учун энг қулай шароитлар янги ва етарлича даражада истиқболли ҳисобланган аҳоли пунктларида мавжуд, улардаги тузilmани аҳоли истиқомат қиласиган ва саноат зоналарини ажратган ҳолда шакллантириш мақсадга мувофиқ. Бошқа функционал турдаги шаклланиб бўлган аҳоли пунктларида, айниқса, кўп функционал шаҳар ташкил этувчи базаси ва худудий жиҳатдан мураккаб алоқалар мавжуд бўлган шароитларда эса функцияларнинг қатъий бирлаштирилиши функционал нуқтаи назарда ўзини оқлмайди. Демографик ўзгаришлар ва энергия танқислиги муаммолари, мавжуд шаҳарлар структурасида уй-жой ва ишлаб чиқариш обьектларини яратиш, мавжуд инфратизилмаларни рационаллаштириш, глобал энергия сарфини минималлаштириш ва интегратив дизайн бугунги кундаги архитекторлар дуч келадиган муаммоларданadir, лекин бу муаммолар янги эмас. Авваллари кичик, кам функцияли жамоат бинолари эндиликда кенг қамровли обьектларга, халқаро эксперtlар – социологлар, илмий-текширув группалари, инженерлар ва energetiklar таҳлили натижаларига боғлиқ бўлиб бормоқда.<sup>45</sup>

Мавжуд қишлоқ аҳоли пунктаридағи барча худудлар – аҳоли истиқомат қиласиган зона, унинг марказий қисми, ташқи зonasи кўпфункционал тузilmалар сифатида шаклланадилар. Аксарият қишлоқ аҳоли пунктлари тузilmаси ўрганилганида, аҳоли истиқомат қиласиган ва ишлаб чиқариш зоналарининг ажратилиши аниқ белгиланмаганлиги кўзга ташланади. Ундан ташқари, реконструкция тажрибасини тадқиқ этиш жараёнида аникландики, бу каби зоналашда катта қийинчиликлар юзага келиш эҳтимоли юқори бўлар экан.

Қишлоқ аҳоли пункти худудининг функционал жиҳатдан қатъий зоналаншида ҳар бир зона ўзининг ҳажмий-фазовий характеристикалари бўйича бир-биридан анча фарқланиши кузатилади. Бу аҳоли пунктларидағи корхоналар қаватлилиги билан ҳам, худуддан фойдаланиш интенсивлиги билан ҳам турлича

<sup>44</sup> K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition

<sup>45</sup> Principles of Town Planning and Architecture, Marie-Helene Contal, Jana Revedin, Boston,USA,2009.p-11

## Архитектура

бўлади. Бу ерда кўпроқ кам қаватли биноларда жойлашган коммунал хизмат, қишлоқ хўжалик йўналишларидағи ва камроқ аграр-саноат корхоналари қурилган. Транспорт обьектлари билан банд бўлган ҳудудлар ҳам жамоат-транспорт комплекси, автокорхоналар таркибидаги участкаларга бўлинади. ушбу ҳолатларнинг барчаси ҳудудни режали ташкил этиш методи сифатида қабул қилинган функционал зоналашнинг кенг имкониятлари мавжуд эканлигини кўрсатади. Бироқ, бундай ёндошув тузилмавий-режали ташкиллаштиришнинг фақат функционал жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда эстетик хусусиятларни деярли четлаб ўтади.

Ҳудудни функционал ташкил этишда айрим зоналар ўртасидаги исталган шаҳарсозлик яхлитликка хос бўлган ўзаро таъсир (масалан, зоналар элементларининг қўшилиши ва интеграцияси) кучайишини ҳам ҳисобга олиш зарур. Иморатлар қурилишининг нафақат функционал, балки ҳажмий-фазовий характеристикаларини ҳисобга олиш зарурати функционал жиҳатдан бир хил бўлган ҳудудларни нисбатан оддий бўлган ажратиш принципидан мослашувчанроқ, шаҳарсозлик тузилмалари шаклланишининг барча хусусиятларини тўлароқ қамраб олувчи комплекс зоналаштириш принципига ўтиш лозимлигини шартлаб беради. Бу принцип қурилиш зичлиги ва қаватлилигини ҳисобга олувчи функционал ва ҳажмий-фазовий характеристикалар жамланмасига асосланади.

Жойлашув тизимининг маҳаллий маркази вазифасини ўтовчи аҳоли пунктларининг қишлоқ ҳудудларини ўзgartиришдаги аҳамиятли ўрни уларнинг ҳажмли-фазовий тузилмасига алоҳида талаблар қўйилишини тақозо қиласди. Бундай образ шаҳарга хос ва қишлоқнинг маълум афзалликларини сифат жиҳатидан умуман янги бўлган асосларда узвий мужассамлаштиришнинг мантиқий натижаси деб қабул қилиш мумкин. Бунда шаҳарга хос маданиятнинг келгусидаги ривожланиши ва қишлоқ аҳоли пунктларининг ижобий экологик характеристикаларини сақлаб қолиниши албатта ҳисобга олинади. Ушбу аҳоли пунктларининг ўлчамлари уларнинг ҳудудларида ўз параметрлари бўйича тўлиқ бирлаштирилган муҳит яратилишини назарда тутади<sup>46</sup>.

Тизим ташкил этувчи аҳоли пунктлари–ўзаро боғланган аҳоли пунктлари марказларининг шаклланишидаги ўзига хос жиҳатлар улар таркибида ҳажмий-фазовий кўрсаткичлари бўйича ва иморатлар қурилиши тизими билан фарқланувчи учта зонани ажратиш заруратини келтириб чиқади. Бунда ҳар бир зона бир хил бўлмасада, лекин бир-бирига зид бўлмаган функционал жиҳатдан мос элементлардан ташкил топади.

Аҳоли пункти томонидан ижтимоий хизмат кўрсатиш маркази вазифасини бажарилиши унинг марказий қисмида урбанизациялашган деб қабул қилиниши мумкин бўлган зона шаклланиши учун дастлабки шарт хизматини ўтаб беради. Ушбу зонадаги бино ва иншоотлар, марказда жойлашган корхоналар ва туар-жой биноларининг бир қисмидан ташкил топган гурух урбанизациялашган муҳитни яратадилар. Образли, ҳажмли-фазовий асосий жиҳатларга эга ва қайсиидир ҳолатлари билан шаҳарни эслатувчи бундай муҳит биринчи навбатда аҳоли пункт-марказларда шаклланадиган меъморий тузилманинг муҳим элементи

<sup>46</sup> K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition

ҳисобланади. У ҳам функционал, ҳам психологик томондан ижтимоий фаолиятнинг энг муҳим турлари ва аҳоли билан мулоқо қилиш учун энг мақбул шароитларни яратиб беради.

Иккинчи зонани асосан туарар-жой мавзелари жойлашган чекка туманлардан, шунингдек ўзининг шаҳарсозлик хусусиятлари билан шунга ўхшаш бўлган функционал элементлардан иборат. Кам қаватли ва томорқа участкалари ҳамда боғлари бўлган туарар-жойларнинг кўплиги бу зонани кам урбанизациялашган деб таърифлашга асос бўлади.

Ниҳоят, таркибида қишлоқ хўжалик корхоналарига яқиндан боғланган туарар-жой массивлари, жойлашувнинг маҳаллий тизимиning муҳандислик инфратузилмасини бош обьектлари жойлашган, асосан, боғ ва узумзорлар, қишлоқ хўжалик участкалари ва бир қаватли иморатлар зонасидан иборат ташқи зона ҳудудлари қишлоққа хос ёки урбанизациялашмаган муҳитни ташкил қиласидар.

Аҳоли пунктлари–жойлашув тизими элементлари ҳудудининг зоналанишидаги эътиборга молик хусусиятларни аниқлашда, катталиги турлича бўлган аҳоли пунктларида урбанизация даражаси турлича бўлган зоналарнинг ўзаро бир-бирларини тўлдира олишдек хусусиятларини ва барча аҳоли пунктлари учун ягона келишилган зоналаш тизимини қўллаш зарурлигини таъкидлаш лозим. Масалан, фаолият ва ижтимоий мулоқотнинг кенг қамровли бўлиши фақат урбанизация даражаси юқори муҳит таъминлай олади. Бундай муҳит, ўз навбатида, жойлашувнинг вилоят тизимидағи йирик шаҳар-марказда шаклланиши мумкин. Шу билан бирга, йирик шаҳарларда урбанизациялашмаган ёки суст урбанизациялашган зоналарни шакллантиришнинг имкони йўқ.

Жойлашувнинг турли минтақаларидаги аҳоли пунктларини меъморий-режали тузилмасида урбанизациялашган, суст урбанизациялашган ва урбанизациялашмаган (қишлоқ) зоналарининг турлича ўзаро нисбатларини кўзда тутиш мақсадга мувофиқ, хусусан:

жойлашувнинг I ва II минтақаларида қўп қаватли иморталар ва қурилиш зичлиги юқори бўлган урбанизациялашган ва суст урбанизациялашган зоналарни жойлаштириш (урбанизациялашмаган зонани мутлақо бўлмаслиги имконияти мавжуд ҳолларда);

-урбанизациялашган зона жойлашувнинг III минтақасидаги аҳоли пунктининг катта бўлмаган марказида жамланган ҳолатларда шу аҳоли пунктининг кам қаватли ва қурилиш зичлиги паст туарар-жой биноларига эга суст урбанизациялашган зонасини ривожлантириш (урбанизациялашмаган зонани мутлақо бўлмаслиги имконияти мавжуд ҳолларда).

Жойлашув тизимиning вилоят миқёсида аҳоли истиқомат қиласидан зоналари марказга яқинлашган сари кичик аҳоли пунктларидаги туарар-жой зоналарининг урбанизация даражаси кўтарилиб боришини кузатиш мумкин. Бу тенденция лойиҳалаш амалиятида ҳозирча инобатга олинмаяпти, лекин унинг таҳлили шуни кўрсатадики, туарар-жой қурилиши ва қаватлилиги турли бўлган туарар-жой биноларини тизим марказига нисбатан жойлашувига боғлиқ равишда танлашга асосланган узок муддатли сиёsat ишлаб чиқиши учун етарлича асослар

Кишлоқлараро алоқалар жадаллашуви шароитларида жойлашув тизимлари шаклланишини аҳоли пунктлари худудларини зоналаланиши ва мъморий-режали ташкил этилишидаги янги омиллар деб қабул қилинаётган ҳодисалар доираси кенгайиб боради. Бу ҳодисаларнинг хусусиятларини, уларнинг аҳоли пунктлари шаклланишидаги таъсир механизмини ва аҳамиятини янада чуқуроқ ўрганиш зарур. Лекин, шаҳарсозлар томонидан бу омилларни маълум кетма-кетликда ўзлаштирилиши қишлоқ аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқиш методикасини маълум даражада мураккаблаштиурсада, охир-оқибатда лойиҳавий ечимлар сифатини ва қишлоқ жойлашуви худудларида аҳоли пунктларини ривожлантиришнинг муҳим воситаси ҳисобланган лойиҳавий-режали ҳужжатлар самарасини сезиларли даражада оширади.

## 2. Тураг-жой ҳудудининг мъморий-режали ташкил этилиши.

Кишлоқ аҳоли пунктларидаги тураг-жой ҳудудининг тузилмавий элементлари таркиби тураг-жой комплекслари, мавзелар, тураг-жой гурухлари, умумий фойдаланишдаги участкалар (реакреацион ҳудудлар), томорқа участкалари, тураг-жой бинолари, хўжалки қурилмалари, кўчалар киради.

Мутахассислар тураг-жой зonasини битта ёки бир нечта тураг-жой комплексларидан ташкил қилиш тавсия этилган. Тураг-жой комплекси – тураг-жой зonasининг энг катта тузилмавий элементидир. Унинг ўлчамлари 500 дан 2000 кишигача бўлиб, қишлоқ аҳоли пунктининг катталиги, унинг режали тузилмаси, иморатлар қурилишининг зичлиги, мактабгача таълим муассасалари ва бирламчи хизмат кўрсатиш корхоналари ва умумий фойдаланишдаги кўкаlamлаштирилган участкаларнинг мавжудлиги билан белгиланади.

Тураг-жой комплексининг режавий ядроси сифатида мактабгача таълим муассасалари, бирламчи хизмат кўрсатиш пункти, жисмоний тарбия ва болалар майдончалари жойлашган ҳудудлар хизмат қилиши мумкин. Тураг-жой комплексининг ядроси тураг-жой зonasидан жамоат маркази, ишлаб чиқариш зonasи ва режанинг бошқа тузилмавий элементлари томонга пиёда йўналишларда жойлаштирилиши лозим.

Ўлчами бўйича кичик ва ўртacha бўлган ва режанинг ихчам шаклига қишлоқ аҳоли пунктларида тураг-жой зonasи ягона комплекс қилиб режалаштирилиши мумкин. Буда мактабгача таълим муассасалари жамоат марказига яқин ёки бевосита унинг таркибида жойлаштирилиши ва марказнинг композицион ечими билан боғланиши, муҳандислик коммуникацияларининг умумпосёлка тармоқларига уланишлари лозим. хизмат кўрсатиш радиусларини сақлаган ҳолда қўлланилган бу усул жамоат маркази ўлчамларини катталаштириш ва мъморий жиҳатдан ифодаланишини кучайтириш имкониятини беради.

Режали тузилмаларнинг чўзилган ва қурама шаклларида эга катта посёлкаларда тураг-жой зonasи бир нечта тураг-жой комплексларидан таркиб топиши мумкин. Тураг-жой комплексларидаги умумий фойдаланишдаги участка

<sup>47</sup> K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition

элементлари таркибидаги жисмоний тарбия билан шуғулланиш учун махсус майдонча, болалар майдончаси, шунингдек катта ёшдаги аҳоли дам олиши, тантанали маросимлар, байрам ва жамоат байрамларини ўтказиш учун мўлжалланган ҳудудларни кўзда тутиш керак<sup>48</sup>.

Бугунги кунда мамлакатнинг қишлоқ жойларида кўрғон типидаги 1-2 қаватли турар-жой бинолари, 1-2 қаватли 4, 6, 8 ва кўпроқ хонадонлари бўлган бирлаштирилган турар-жой биноларидан иборат посёлканинг истиқомат зоналари кенг тарқалган. Секцияли ва қурама типдаги уйлар айтарли кенг тарқалмаган. Икки хонадонли бирлаштирилган турар-жой бинолари ҳам кўпгина қишлоқ жойларда қурилмоқда.

Бир хонадонли уйлар, норматив ўлчамли ер участкалари бўлган икки хонадонли уйлар қурилган посёлкаларда шахсий томорқалар хўжалик юритиш учун энг қулай шароитлар яратилган. Лекин, бундай уйларнинг аксарияти умумий канализация, сув таъминоти, истиш тармоқларига уланмаганлар. Бундай посёлкаларнинг ташқи ободонлаштирилиши ҳам айтарли яхши кўринишга эга эмас. Иморатларнинг сийрак қурилганлиги, аҳоли зичлигининг кичиклиги барча турдаги муҳандислик коммуникациялари қурилишини қимматлаштириб, маҳаллий тизимлар қўлланилишини белгилаб беради. Бундай посёлкалар катта ҳудудларни эгаллайдилар.

Лойиҳа институтларининг мутахассилари томонидан уйлар жойлашувининг учта асосий усули ишлаб чиқилган: кўчалар бўйлаб (турар-жой кўчаси); мавзелар периметрлари бўйича; очиқ ва ёпиқ ҳажмларни ташкил қиласиган гуруҳлар шаклида. Кўрсатилган усулларнинг ҳаммаси турли типдаги уйларни қуришда қўлланилиши мумкин.

Уйларни кўчалар бўйлаб жойлаштириш усули лойиҳалаштиришнинг замонавий амалиётида кенг тарқалган. Бу каби жойлаштиришнинг композициялари кўп: уйлар кўчаларнинг икки томонига ўзгарувчан тартибда жойлаштирилиши, бу усул қўлланилганида бир маромдаги қаторлар уйлар ва яшил ўсимликлардан иборат гуруҳлар билан алмашинб туради; алоҳида жойлаштирилган урғу элементлари бўлган узлуксиз тасма кўринишида; кўча томонга очилган чуқур ҳажмлар ташкил қилиниши билан, бунда кўчалар табиий шароитлар ва посёлканинг умумий композициясига боғлиқ равишда тўғри ёки эгри чизиқли бўлиши мумкин.

Бир қаватли якка тартибда қурилган ва бир ўлчамли томорқа майдонларига эга уйлардан ташкил топган мавзенинг меъморий композицияси аксарият ҳолларда жўн кўринишда бўлади. Режалаштириш шартлари уйлар бир текисда жойлаштирилиб, бир-бирига ўхшаш қаторлар шаклланишини белгилаб беради. кўп хонадонли 2-4 қаватли турар-жой бинолари мавзе шаклида қурилганида мавзе ҳудуди ва ҳажми умумий функционал-режали кўринишга эга бўлиб, ягона фазовий композицияни ташкил қиласиди. Мавзе ичида майдонлар бир-бири билан ўзаро боғланган ҳовлиларга бўлиниши каби режалаштириш усули ижобий баҳоланди. Бунда ҳовлилар ичида боғлар, болалар майдончаси ва хўжалик

---

<sup>48</sup> K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition

## Архитектура

блоклари жойлаштирилиши мумкин. Энг катта мавзелар ўлчами 6-8 гектар, энг кичиклариники эса 1,5-2,0 гектар қилиб белгианади<sup>49</sup>.

Кўпроқ бош кўча, жамоат маркази ёки табиий ландшафт томонга йўналтирилган катта бўлмаган майдон атрофида бир хил ёки турлича типдаги туарар-жой бинолари жойлаштирилиши ҳам кенг қўлланилмоқда. Уйлар гуруҳи посёлканинг бирламчи режавий ва композицион элементи сифатида уйларнинг типлари ва таркибига боғлиқ равишда турли ўлчамларга ва ҳажмий-режали ечимларга эга бўлиши мумкин. Ундан ташқари, гуруҳ таркибида умумий фойдаланишдаги боғ, катталар дам олиши ва болалар ўйнаши учун мўлжалланган майдончалар ташкил қилиниши мумкин. Турли типдаги уйлар гуруҳларининг шаклланиши демографик таркиби турлича бўлган оиласларни посёлка доирасида бир маромда жойлаштириш имкониятини беради. кўп хонадонли ва якка тартибида қурилган уйларнинг ўзаро нисбати лойиҳалаштириш жараёнида демографик кўрсаткичлар асосида қурилиш худудининг шароитларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Ўзбекистон шароитлари учун туарар-жой бинолари жойлаштирилишининг энг оптималь усули, бу туарар-жой гуруҳларини ташкил этиш ҳисобланади. Бундай гуруҳни ташкил этиш учун қўшнилар жамоаси асос бўлиб хизмат қилади. Гуруҳнинг тахминий таркиби 20-40 оиласдан (100-250 киши) иборат бўлади. Туарар-жой гуруҳининг маркази умумий фойдаланишдаги участок бўлиб, унинг таркибида болалар ва жисмоний тарбия майдончалари, шунингдек жамоавий ва байрам тадбирларини ўтказишга мўлжалланган майдонча лойиҳалаштирилади.

Қишлоқлардаги туарар-жой бинолари қурилишини шаклланишида республиканинг табиий-икклимий шароитлари ўта муҳим аҳамиятга эгадирлар. ҚМҚ 2.08.01-94 норматив хужжатда Ўзбекистоннинг турли минтақалари шароитларида типологик принциплар белгилаб берилган. Туарар-жой биноларини лойиҳалаштириш Ўзбекистон Республикаси худудини зоналаштириш бўйича кўрсаткичларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

I зона – сахроларга хос иқлимининг фаол таъсири остида бўлган ва экстремал ёзги шароитлари мавжуд ҳудудлар. Бу зонада жазирамали даврлари узоқ давом этадиган кичик зоналар (I А ва I Б кичик зоналар), чангланглик даражаси юқори кичик зоналар (I А, I Б ва1 В кичик зоналар), қиши совуқ кичик зоналар (1 Г) ажратилган.

II зона – тоғ олди воҳалар, водийлар ва паст тоғли ҳудудлар, бу зонадаги ландшафт-иклимий шароитлар нисбатан қулай ҳисобланади.

III зона – экстремал иқлимий шароитларга эга баланд тоғли ҳудудлар.

Зоналар ва кичик зоналарнинг характеристикалари ҚМҚ 2.01.01.-94 “Лойиҳалаштириш учун иқлимий ва физик-геологик кўрсаткичлар” берилган.

Ушбу зоналардаги асосий типологик характеристикалар қуидагилар:

1 зона шароитлари учун хонадонлар, туарар-жой бинолари ва туарар-жой тузилмаларининг ташки экстремал шароитлардан (жазирама иссиқ ва қум бўронларидан) ҳимоя қилувчи ягона тизимни ташкил қиласиган режавий ечимлар ишлаб чиқилиши лозим; туарар-жой тузилмалари (қўрғон ва туарар-жой гуруҳи миқёсидаги) ёпиқ ёки ярим ёпиқ композицияли, ҳимояланган рекреация зоналари

<sup>49</sup> K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition

(турар-жой хоналари асосан ҳимоя қилинган томонга очилади) билан лойиҳалаштирилиши лозим; умумий хона ва ёзги хоналар фойдаланишнинг ёпиқ режимига мослаштирилади; ёзги хоналар усти ёпиқ кичик ҳовли шаклида (кам қаватли уйларда) ёки ойнаванд айвонлар қўринишида (кўп қаватли уйларда) қурилади.

II зона шароитлари учун ташқи муҳитнинг қулай шароитларидан (яшил ўсимликлар, сув, тоғ-водийга хос ҳаво циркуляцияси ва б.) максимал тарзда фойдаланишни кўзда тутувчи турар-жой бинолари ва турар-жой тузилмаларнинг режавий ечимлар ишлаб чиқилиши лозим. Туар-жой муҳити маҳаллий шамолларнинг асосий қулай йўналишларини ҳам ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади. Ёзги хоналар тури – анъанавий айвон (очиқ ёки ойнаванд).

III зона шароитлари учун турар-жой бинолари ва турар-жой тузилмаларнинг режавий ечимлари (қўрғон ва турар-жой гурухи миқёсидаги) ихчам композицион-режали тузилмага асосланиб, турар-жой муҳитини қишдаги совуқ иқлимга мослашувини ҳисобга олиши лозим. Ёзги хоналар тури – анъанавий айвон (ойнаванд ёки очиқ).

Қишлоқнинг режали ташкил этилиши ва фазовий композициясига, ҳудудлардан фойдаланиш характеристи ва самарадорлигига, муҳандислик нуқтаи назарида жиҳозланишига шахсий томорқадаги хўжаликни ҳудудий ташкил этилиши катта таъсир кўрсатади. Шахчий ёрдамчи хўжаликлар ҳажми ва ууларни юритиш хусусиятларига кўра З та турга бўлинади: минимал, чекланган ва ривожланган. Таркибида боғ, кичик томорқа ва парранда боқиши учун мўлжалланган хоналари бўлган хўжаликлар “минимал” хўжалик тоифасига киради. “Ўртacha” хўжаликларда майда туёқли чорва моллари учун оғилхоналар ҳам бўлади, “ривожланган” хўжаликларда эса йирик қорамол боқиладиган оғилхона ва қурилмалар мавжуд бўлади.

Ўзбекистондаги қишлоқ аҳолисининг деярли 80% шахсий хўжаликнинг ривожланган турини, қолган қисми, асосан, ўртача хўжалик юритади. Чўл ва саҳро, шунингдек баланд тоғли минтақаларидан ташқари барча жойларда боғ ва кичик экин майдонлари парвариш қилинади. Томорқа участкаларининг қуйидаги функционал зоналари мавжуд: турар-жой ҳовлиси (турар-жой хоналари билан), майший қурилмалар – ёзги ошхона, маҳсулотлар омбори (айрим ҳолларда санитария-гигиеник хоналар), боғ-томорқа, хўжалик ҳовлиси – оғилхона, уй паррандалари учун қурилмалар, хўжалик анжомлари, ем-хашак сақланадиган омборлар ва ҳк.

Ҳовлидаги турли қурилмаларнинг таркиби ва ўзаро нисбати турлича бўлиши мумкин. Дехқончилик ва чорвачилик ҳудудлар учун боғдорчилик, кичик томорқаларда экин етиштириш, йирик қорамол ва парранда боқиши каби хўжалик турлари хос. Бундай хўжаликлар, асосан, воҳаларда ва тоғ этагидаги водийларда юритилади. Чорвачилик ва яйлов қўйчилиги билан шугулланувчи хўжаликлар улуши катта бўлган ҳудудларда боғ ва кичик томорқалар айтарли яхши ривожланмаган, хўжалик қурилмалари, асосан, майда туёқли уй ҳайвонлари учун мўлжалланган. Тоғли ва чўл минтақаларда бу каби хўжаликлар салмоғи катта бўлади.

Уйнинг, ҳовлидаги қурилмалар жойлашувига. Шунингдек ҳовли ҳажмини шаклланишига зоналарга хос омиллар бевосита таъсир кўрсатади. Ушбу омиллар

## Архитектура

ёзги турмушни ташкил қилиш турини ва ҳовлини ободонлаштириш бўйича композицион ечимлар тизимини белгилаб берадилар. Чўл зонасининг текисликдаги ҳудудларида ҳовлида ҳажмларнинг ёпиқ вариантини шакллантириш имкониятлари кўзда тутилади.

Ҳовли ҳажмининг очиқ тизими тоғ олди зоналар учун назарда тутилади, бу тизим турар-жой ҳовлисини боғ билан кўшилиб кетиши учун имконият яратади. Ҳовлининг ушбу турдаги тузилмалари расмларда кўрсатилган.

“Ўзқишлоқлойиҳа” институти томонидан ҳар бир зона учун табиий-иклимий шароитларга, қурилишнинг моддий-техник базасига мос келувчи, аҳолининг ижтимоий-демографик таркибини ва меъморчилик ва қурилишнинг илғор анъаналарини ҳисобга олган турар-жой биноларининг мустақил сериялари ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон шароитларига мос келадиган турар-жой биноларини лойиҳалаштириш учун уй-худудларини меъморий-режали ташкил этишининг илғор усулларидан фойдаланиш катта аҳмиятга эга. Турар-жой биноларининг тарихий шаклланган тузилмаларини тадқиқот қилиш натижасида маҳаллий иклим шароитларига мослаштириш бўйича жуда кўплаб ўзига хос ва самарали ғояларни очиб берди.

Ўзбекистон олимларининг бу йўналишда олиб борган тадқиқотлари натижасида республиканинг турли иклим минтақалари учун хос бўлган асосий тузилмалари аниқланди. Улар қаторига миллий уй-жойларнинг хоразмча, бухороча, фарғонача каби турларини киритиш мумкин. Уларни режали ташкил этилишининг ўзига хос жиҳатлари маҳсус адабиётларда кенг ёритилган. Бироқ, ушбу уй-жойларнинг халқ анъаналарини замонавий қишлоқ уйларини лойиҳалашда қўллаш масаласи қишлоқ меъморчилигига энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Ўзбекистондаги тадқиқот ва лойиҳа институтлари, ОЎЮлари томонидан бу йўналишда, яъни халқ анъаналарини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ уйларининг оптимал меъморий ечимларини топиш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда кўп болали ва мураккаб оиласий тузилмаларнинг зичлиги етарли даражада юқори. Бу тенденция, айниқа, қишлоқ жойларда кенг тарқалган, баъзи ҳудудларда бундай оиласларнинг улуши 60% ни ташкил қиласди. Мураккаб тузилмага эга оиласлар улуши тахминан 30% га teng. Кўп болали оиласлар қаторига ота-она ва 4 ёки ундан кўп болалардан таркиб топган оиласлар киради. Бундай оиласлар, агар балоғат ёшига етган бир нечта ака-укалар бўлса, мураккаб оиласий тузилмаларга ўтишдаги асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қиласди. Мураккаб тузилмага эга оиласлар қаторига таркибида ота-она, эр ёки хотиннинг кекса ота-онаси, шунингдек яқин қариндошлари (оила бошлигининг ака-укалари ёки опасингиллари) 4 ва ундан кўп фарзандлари бўлган оиласлар киритилади. Ундан ташқари, мураккаб оиласларнинг аксарият қисми 2 ёки ундан кўп турли оиласлардан иборат бўлади.

Лойиҳалаш институтлари томонидан қишлоқ уй-жойларини меъморий-режали ташкил этишда қуйидаги жойлашув тизимлари таклиф қилинган: қўшма (кексалар учун алоҳида ажратилган зонаси бўлган битта хонадон); қўшма ва қўшма-ажратилган (турар-жой биносидаги битта хонадон, унда турар-жой ва ёрдамчи хоналарнинг иккита гурухи, шунингдек ушбу, биттаси кекса ота-она ёки


## Шаҳар ва туманларнинг тархий таркиби

уйланган болали ва боласиз ўғил учун мўлжалланган гурухлар ўртасида трансформация воситаси мавжуд); қўшма-ажратилган (қўргонча туридаги турар-жой биносидаги битта хонадон, унинг таркибида 2 та мустакил турар-жой гурухи, ошхона ва санитария бўлмалари, шунингдек турар-жой гурухлари ўртасида ички режавий боғланишлар мавжуд), яқин-ажартилган (битта ҳовлида иккита хонадон жойлашади, ички режавий боғланишлар йўқ, функционал алоқа факат ҳовли, шунингдек кўчадан кирадиган эшик ёки орқа томондаги эшик орқали кўзда тутилади).

Кишлоқдаги уй-жой қурилишида юқорида келтирилган жойлашувнинг биринчи иккита тури кўп болали оиласлар учун турар-жой режали тузилмаси учун дастлабки шартлар бўлиб хизмат қиласди. Учинчи ва тўртинчи турлари эса мураккаб тузилмага эга оиласлар учун ана шундай вазифани ўтаб беради.


## Архитектура

Қишлоқ аҳоли пунктларини лойиҳалашнинг замонавий амалиётида ишлаб чиқилган туарар-жой зоналарининг схемалари



Ўзбекистон Республикасининг қурилиш-иклимий зоналари харитаси  
(КМК 2.08.01-94)







Ярим чўл ҳудудларнинг жанубий зонасидаги ер участкасининг тузилмаси. Қарши, 1-зона ҳудудлари.




Уй-жойнинг фарғонача тури (2-зона).






Воҳа шароитлари учун икки хонадонли қишлоқ уй-жой биноси



Самарқанд вилояти шароитлари учун қишлоқ туарар-жой бинолари


### Хива шаҳридаги ҳалқ туарар-жой биноси.

Туарар-жой тузилмасининг ўзига хос хусусияти – ҳовли ҳажмини шамол ва қум бўронларидан ҳимоя қилишга интилиш; ёпиқ туарар-жой ҳажмининг баландлиги турли айвонлар ёрдамидаги аэрацияси.



Бухорошаҳридаги ҳалқ туарар-жой биноси. Туарар-жой тузилмасининг ўзига хос хусусияти – периметри бўйлаб хоналар қурилган ҳовлининг ёпиқ ҳажми; ёзги хоналар вазифасини бажарувчи тепаси очиқ ҳовли ҳажмларининг погонали тузилиши

Самарқанд шаҳридаги ҳал турар-жой биноси.



Туарар-жой тузилмасининг ўзига хос хусусияти Фарғонадаги уй-жойда бўлгани каби – ободонлаштирилган ва яшил ўсимликлар экилган катта ҳовли; хоналар ҳовли периметри бўйлаб қурилган; ёзги хоналар – айвонлар, узум ишкомлари ва ҳк..



Қўргонча туридаги 2 қаватли туарар-жой биноси



Кўрғонча туридаги 1 қаватли туар-жой биноси, қопламанинг бир қисми армоцемент қобиқлардан бажарилган

### **Жамоат марказини шакллантириш ва хизмат кўрсатиш муассасалари тармоғини ташкил этиш.**

Хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш қишлоқ аҳоли пунктларини ўзгартиришнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Бунда қишлоқ жамоат биноларининг режали тузилмаси ва типологиясини қишлоқлараро хизмат кўрсатишнинг ягона тизими–ижтимоий, шаҳарсозлик, композицион нуқати назарда рационал бўлган посёлканинг жамоат марказини ташкил қилиш асосида шакллантириш кўзда тутилади.

Қишлоқлараро хизмат кўрсатиш тизими. Қишлоқ хўжалигини саноат асосида юритишга ўтиш, транспорт ва алоқа воситаларини, коммуникация инфратузилмасини ривожланиши, жойлашув тизимларининг шаклланиши, маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги илмий-техник тараққиёт қишлоқлараро хизмат кўрсатиш тизими яратилиши учун асосий дастлабки шартлар бўлиб хизмат қилдилар. Қишлоқ фуқаролар йифини ҳудудида шаклланаётган жойлашувнинг янги тизимида бундай ўзгаришларни амалга ошириш реал воқелик сифатида қабул қилинмоқда. Жойлашувнинг бундай тизими шаҳар ва қишлоқ учун ягона жойлашув тизимининг таркибий қисми ҳисобланади.

Демак, қишлоқ жойлардаги хизмат кўрсатиш тизими ҳам шаҳар ва қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш бўйича ягона тизимнинг бир қисми бўлиши керак. Бу тизим шу соҳанинг барча корхоналари ва муассасаларининг бирлашиши асосида қурилиб, аҳоли пунктларига (улар қаерда жойлашишидан қатъий назар) бир маромда хизмат кўрсатилишини таъминлаши лозим.

## Архитектура

Жамоат маркази. Қишлоқ аҳоли пунктининг жамоат маркази аҳолининг ижтимоий ва ишбилармонлик фаолияти жамланадиган жой ва шаҳар ташкил этувчи бош элемент ҳисобланиб, посёлканинг меъморий-ҳажмий композицияси ва контурини белгилаб беришда катта роль ўйнайди. Жамоат маркази маъмурий бошқарув, савдо-маиший, маданий-маърифий ва бошқа функцияларни бажаради.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, жамоат марказларини лойихалашда қўйидаги ҳолатларни ҳисобга олиш керак экан:

- марказнинг композицион тизими узвий боғланишга эга бўлишига;
- хизмат кўрсатишнинг қулай ва оқилона ташкил этилишига;
- марказ функционал вазифаларига мувофиқ аниқ зоналаштирилиши, ҳажмлар талқинидаги асимметриялик, шакллар, контур ва ландшафт тузилишидаги уйғунликка риоя қилинишига;
- архитектура, табиат ва санъат синтези;
- марказдаги бино ва иншоотлар қурилишида миқёслилик, модуллик, услубнинг ягона бўлиши, шакллар ва ҳажмлар уйғунлигига.

Жамоат маркази ҳудудининг функционал жиҳатдан оқилона ташкил этилишида уни аниқ белгиланган вазифалар (маъмурий, маданий-маърифий, савдо-маиший, таълим муассасалари, дам олиш ва спорт) бўйича бўлинган ҳолда ягона режавий-ҳажмли зона яратилишига эътибор қаратиш лозим.

Маданий-томуша зона таркибиغا, одатда, қишлоқ клуби, кутубхона, чойхона каби обьектлар киради. Фаолият кўрсатиш хусусиятлари ва Ўзбекистоннинг иссиқ иқлими бундай муассасаларга кечки салқинда ташқриф буюрилишини шартлаб беради. Шунга сабабдан зона ҳажми ҳам сутканинг айнан шу вақтига мос бўлиши керак: унинг майдони очиқ характерга эга бўлиб, имкон қадар сувли юза (ховуз, фаввора ва ҳ.к.) ташкил қилиниши лозим, шохлари ёйилган дархатлар бўлмаслиги даркор, кечки салқинни сақлаши ва яхши шамоллатилиши, етарли даражада чироқлар ва ёритиладиган рекламага эга бўлиши лозим. бу зона посёлка тузилмасида устувор мавқега эга бўлиши зарур.

Маъмурий зона қишлоқ фуқаролар йиғини маъмурияти биноси, агрофирма бирлашмасининг бошқаруви, алоқа бўлими, омонат кассаси, АТС биноларидан таркиб топиб, кундалик меҳнат фаолиятининг маркази сифатида асосан эрталаб ва кундузи ишлайди. У шохлари кенг дарахтлар, бостирма ва галереялар ёрдамида қуёш нурларидан максимал ҳимояланган бўлиши зарур. Ундан ташқари, маъмурий зонада қулай транспорт кириш йўли, автомобиль тураргоҳи ташкил этилиб, бу зона ишлаб чиқариш зonasи билан қулай боғланган бўлиши лозим.

Савдо-маиший зона таркибиغا озиқ-овқат ва саноат-хўжалик моллари дўйконлари, майший хизмат кўрсатиш комбинатлари, умумий овқатланиш корхоналари (ошхона, кафе ва ҳ.к.) киради. Бу зонага одамлар асосан эрталаб ва кундузи ташриф буюришади, шунинг учун унга қўйиладиган талаблар маъмурий зонадаги каби бўлади.

Мемориал зона жамоат марказида ҳам, парк ёки посёлканинг бош кўчасидаги участкаларнинг бирида жойлаштирилиши мумкин. Қаерда бўлишидан қатъий назар бу зона ва посёлка ансамбли ўртасида композицион боғлиқлик бўлиши зарур.

Ўзбекистоннинг ҳар бир минтақасида қишлоқ посёлкаларининг жамоат марказлари жойлаштирилишида, уларнинг функционал-режали ва меъморий-ҳажмий ташкил этилишида ўзига хос хусусиятлар мавжуд.

Текисликлардаги воҳоларда марказ энг қулай, микроиқлим яратиш имкони берувчи, ҳудуд аэрацияси етарлича бўлган ва биноларни иссиқдан ҳимоя қилинишини таъминлайдиган участкада жойлаштирилиб, посёлкадаги устувор ҳолатни эгаллаши лозим.

Жамоат марказидаги микроиқлим шароитларни яхшилаш мақсадида уни яшил дараҳтзорлар яқинида, парк билан бирлаштириб ёки парк таркибида жойлаштириш керак. Сув манбалари ёнида жойлашган жамоат марказини сув юзалари билан уйғун тарзда боғланиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Микроиқлим шароитларини яхшилаш учун қопламалар юзасини сезиларли даражада қисқартириш, майдон композициясида асосан пиёда қатнови йўналишлари бўйлаб жойлаштириладиган яшил ўсимликлар, гулхоналардан фойдаланиш зарур. Уларни суториш ва қулай микроиқлим шакллантириш учун замонавий ускуналар: ёмғирлатиш ва сув сачратиш қурилмаларидан кенг фойдаланиш керак. Марказ микроиқлимини яхшилаш мақсадида амалиётда кенг тарқалган манзарали бассейнлар ва фаввораларни сувни чанглатувчи ва сачратувчи қурилмалар билан бирга қўллаш мақсадга мувофиқ. Қопламалар сифатида иссиқни ютмайдиган, мутахқам, кам едириладиган материаллардан фойдаланиш зарур.

Тоғ олди воҳаларда посёлканинг жамоат марказларини участканинг энг яхши табиий жиҳатлари ва ён-атрофдаги ландшафт ёрдамида алоҳида ургу бериб, унинг устувор мавқенини кўрсатиш зарур. Табиий ландшафт элементларини марказнинг, умуман посёлкнинг ҳажмли-фазовий тузилмаси таркибиға фаол киритиш мақсадга мувофиқ. Бу шартларни бажариш учун қўйидагиларни бажариш тавсия қилинади:

- марказий майдн учун рельефи бўйича энг баланд участка танлаш;
- биноларнинг асослари ва пойдеворлари сувланишини истисно қиласидан шароитларда марказни сув манбаларига имкон қадар яқин жойлаштириш, уларнинг сув юзасидан (кўзгусидан) марказ композициясидаги элемент сифатида фойдаланиш;
- жамоат маркази жойлашган участкадаги дараҳтлар ва буталарни имкон қадар сақлаш ва улардан марказ ансамблини индивидуал қиёфасини бойитиш учун фойдаланиш;
- участканинг индивидуаллиги ва марказнинг ифодали қиёфасини ажартиш учун бошқа обьектларга нисбатан баландроқ меъморий иншоотларни тепароқ участкаларда, бино режасида узун обьектларни пастроқ жойларда жойлаштириш лозим.

Посёлка ва ён-атрофдаги ландшафт ўртасидаги боғланишини таъминлаш ва ҳажмли-фазовий композиция ифодалалигини кучайтириш мақсадида жамоат маркази, бош кўча ва асосий меъморий ансамблларни перспективада тоғ чўққиларига йўналтириш керак.

Воҳалардаги жамоат марказларининг меъморий-режали тузилмаларини шакллантиришда асосий эътибор таркибида ландшафтнинг манзарали

## Архитектура

элементлари бўлган ва худудни шамоллатиш имкониятини яратадиган очик режали тузилма ташкил қилишга қаратилади. Тоғ олди воҳаларда эса тузилма тоғ сойининг бўйида терраса шаклида ташкил қилиниши мумкин. Бунда ҳар бир террасада зоналар гурухи ёки марказнинг алоҳида зonasини жойлаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Воҳалардаги жамоат марказлари ҳажмий режали тузилмаларини шакллантиришнинг асосий композицион усуллари, бу:

- бинолари алоҳида (ёки бирлаштириган) ҳолда курилган очик майдон кўринишидаги участка;

- ўзаро киришиб кетадиган ҳажмлар;

- чизиқли фазовий ҳажм;

Чўл ва сахро зоналардаги жамоат марказларини жойлаштиришга бўлган талаблар:

- табиий сифатларнинг максимал қўлланиши, микроиқлим шароитларини яратиш учун режали усуллардан кенг фойдаланишни таъминлаш;

Бу талабларни бажариш учун қуйидагиларни бажариш тавсия этилади:

- марказ ҳолатини белгилашда микрорельефни баҳолаш, тепароқда жойлашган ва сизот сувлари сатҳи пастроқ бўлган қулай участка танлаш, марказ микрорельефини вертикал режалаштириш методлар билан кучайтириш;

- посёлка доирасида канал ёки йирик ариқлар бўлса, марказни уларга яқин жойга жойлаштириш, техник имкониятлар мавжуд бўлганида эса-бу сув манбаларини режали композиция таркибига киритиш.

Участканинг табиий сифатлари нейтрал бўлса, жамоат маркази учун жой унинг таркибидаги биноларнинг функционал вазифаларидан келиб чиқиб танланади (бинолар учун ер майдонлари уларни жойлашуви ва хизмат кўрсатишнинг оптималь радиуслари, объектлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва улар фаолият кўрсатиши учун энг мақбул шароитларни ҳисобга олган ҳолда). Бундай шароитларда посёлканинг режали ташкил этилиши бирон-бир жиҳат бўйича мураккаблашмайди. Жамоат бинолари жойлашган участкадаги микроиқлим барқарорлигини таъминлаш учун уларни бирлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади, марказни эса парк зонасида ёки дараҳтзорлар билан бирлаштириган ҳолда жойлаштириш лозим. Марказ учун жойни, кучли шамол ва қум бўронларидан ҳимоя қилиш мақсадида, иморатлар курилган худуднинг ичкари қисмидан танлаш керак.

Сахро ва чўл зоналарда жамоат марказларини меъморий-режали тузилмасини шакллантиришнинг ўзига хос жиҳатлари-тузилма ёпиқ (ярим ёпиқ) шаклда бўлиши, қўёш радиацияси таъсири максимал бўлган ҳажмларнинг имкон қадар қисқартирилиши, муҳитни қумли бўрон ва чангли шамоллардан ҳимоя қилиниши.

Бу минтақадаги жамоат марказлари фазовий ҳажмларини ташкил қилишдаги асосий композицион усуллар қуйидагича бўлиши мумкин:

- ёпиқ (ярим ёпиқ) фазовий ҳажм;

- бирлаштирилган бинонинг ягона ёпилган фазовий ҳажми;

- ўзаро киришиб кетган фазовий ҳажмлар (тузилма посёлка марказида, ён-атрофдаги иморатлар билан ҳимояланган тарзда жойлаштирилган бўлса).

Тақдим этилган композицион усуллар асосида жамоат марказлари тузилмаларини шакллантириш бўйича жуда кўп варианtlар ишлаб чиқилиши мумкин. Улар оддий ва ривожланган бўлиши мумкин. Оддий марказ икки тузилмавий элементдан иборат:

- битта майдон ва унга олиб кирадиган бош кўча;
- бош кўча ёки бульвар.

Таркибида бош кўча, бульварлар ёки пиёда йўлаклари, хиёбон ёки парклар билан ўзаро боғланган иккита ёки ундан кўп майдон бўлган жамоат марказлари ривожланган ҳисобланади. Бундай марказда бош элементнинг (майдон, бош кўчанинг) марказий ансамблдаги аҳамияти катта. Бошқа тузилмавий элементларнинг меъморий-режали ташкил этилиши бош элементни тўлдириш, унинг ягона режали тузилмадаги ўрни ва аҳамиятига урғу бериш вазифасидан келиб чиқади.

Бинолар қурилишидаги хусусиятларга боғлиқ равишда жамоат марказлари қуидаги турларга бўлинади:

- якка ҳолдаги бинлардан иборат;
- блокировкаланган;
- бирлаштирилган.

Қишлоқда хўжалик юритишнинг янги шаклларига ўтилиши биринчи навбатда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг янги, истиқболли нормаларини ривожланишига боғлиқ бир қатор масалалар ҳал қилинишини талаб қиласди. Бугунги кунда ижарага асосланган пудрат, айниқса унинг жамоавий, оилавий, якка тартибдаги, фермер ва дехқон хўжаликлари каби шакллари долзарб ҳисобланади.

Қишлоқда хўжалик юритиш бўйича иқтисодий методларнинг янги шакллари ўзаро бирлашиб, турли кўринишларни ҳосил қиласди, туар-жой, ишлаб чиқариш, жамоат бинолари функцияларининг интеграцияси янада жадалроқ кечишига кўмаклашади.

Аҳолиси 100-300 кишидан иборат чекка қишлоқларда (дехқон, фермер хўжаликларининг истиқомат-ишлаб чиқариш марказларида) таркибида бошланғич мактаб, оилавий болалар боғчаси бўлган туар-жой биноларини (ўқитувчи уйи), тиббиёт пункти ва дорихонаси бўлган туар-жой биноларини (шифокор уйи), шунингдек новвойхона, чойхона, дўкон бўлган туар-жой биноларини қуриш мақсадга мувофиқдир.

Хўжалик юритишнинг янги шаклларини келгусидаги ривожланиши қишлоқ ҳовлиларида қўшимча ёрдамчи иморат ёки қурилмалар, устахоналар ва омборлар қурилишини тақозо қиласди. Шу билан бирга, ишчи хоналарнинг қулайлик даражаси асосий параметрлари бўйича туар-жой хоналаридаги қулайликларга яқинлашиши зарур. Ана шу талаблар қишлоқ туар-жой ва жамоат биноларининг янги хўжалик тузилмалари ва кичик қишлоқлар эҳтиёжларига жавоб берадиган янги лойиҳаларини ишлаб чиқилишига сабаб бўлди.

Маданий-ижтимоий биноларни лойиҳалашда ҳалқ меъморчилиги анъаналаридан имкон қадар ижодий равишда фойдаланиш зарур. Биноларни

## Архитектура

қуббали боғланишлар билан бирлаштириш ўзбек меъморлари томонидан қўп ишлатиладиган усуллардан бир ҳисобланади. Бунда бош бинонинг ўқи ансамблнинг композицион ўқига нисбатан перпендикуляр жойлаштирилган, шу сабабдан бош бино иншоот ичига кирилгани сари аста-секин ёки тўсатдан намоён бўлган. Бош бинонинг тўсатдан ва кутилмагандан пайдо бўлиши бадиий таассуротни кучайтиришга ёрдам берган.


Фазовий ҳажмни ташкил этишда майдонлар ва бинолар ўртасидаги ўзаро оптимал нисбатларни белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Шаҳарсозлик назариячилари қадимги даврлардан бери майдонлар ва иншоотлар мутаносиблигини, қурилмалар баландлиги ва майдонлар ўлчамлари ўртасидаги ўзаро нисбатларни ўрганиб келгандар. Гарчи, амалиётда 3:5, 4:5, 6:7, 5:8 нисбатларга эга майдонлар ҳам кўп учрасада (Л.Тонев тадқиқотлари бўйича), Витрувий, Палладио каби меъморлар тўғри тўрт бурчак шаклидаги майдонлар учун узунлик ва кенгликнинг 2:3 дан 3:4 гача бўлган нисбатларини энг мақбул деб ҳисоблагандар. Альберти ўзаро нисбатнинг 1:2 вариантини таклиф қилган, чўзилган майдонлар учун 1:3, 1:4, 1:5 каби нисбатларни қўллаш мумкин.

Режали тузилмаси очик бўлган майдонлар учун 1:6, 1:7 нисбатлардан фойдаланиш мумкин.

Бир-икки-уч қаватли иморатлар учун 1:6, 1:7 ва 1:8 нисбатлар энг оптимал ҳисобланади.


Жамоат марказларини шакллантириш бўйича юқорида кўрсатилган методлар жамиятнинг янги ижтимоий буюртмасини бажариш жараёнида ушбу марказларнинг функционал вазифалари келгусида янада сифатли бажарилишига кўмаклашади.

Қишлоқ посёлкаси жамоат маркази худудини функционал зоналаштирилишининг схемаси





I -	■	2 -	■	3 -	○	4 -	■
5 -	□	6 -	○	7 -	■	8 -	■
9 -	□	10 -	■	II -	■	12 -	○
13 -	■	14 -	○				



1-посёлка кенгаши; 2-хўжалик бошқаруви; 3-алоқа; 4-автотураргоҳ; 5-савдо; 6-умумий овқатланиш; 7-маданий-маиший хизмат кўрсатиш; 8-коммунал хизматлар; 9-таълим муассасалари; 10-спорт 11-мадания; 12-мулокот; 13-дам олиш; 14-мемориал иншоотлар.



Жамоат марказини очик режали тузилмасининг режали-фазовий модели.




Самарқанд вилоятидаги “Сартай” посёлкасининг жамоат маркази (ўзаро киришиб кетувчи ҳажмлар шаклидаги).  
а) панорама; б) бош режафрагменти.




1-клуб; 2-маъмурий марказ центр; 3-баҳт уйи; 4-маиший хизмат кўрсатиш комбинати; 5-савдо маркази; 6-ошхона

Қишлоқ посёлкасининг жамоат маркази (чизиқли ҳажм шаклидаги)



Посёлка жамоат маркази ёпиқ режали тузилмалисининг режали-ҳажмий модели.



Самарқанд вилояти Ургут туманидаги агросаноат посёлкасининг жамоат маркази. а) жамоат марказининг панорамаси; б) бош режа фрагменти.  
1-клуб; 2-маъмурий блок; 3-спортзал; 4-савдо маркази; 5-меҳмонхона; 6-маиший хизмат кўрсатиш комбинати; 7-ёзги кинотеатр.

### Назорат саволлари:

1. Қишлоқ аҳоли пункти ҳудудини “қатъий” зоналаштиришдаги ўзига хос хусусиятларнинг моҳияти нималардан иборат?
2. Қишлоқ аҳоли пункти ҳудудини комплекс тарзда зоналаштиришдаги ўзига хос хусусиятларнинг моҳияти нималардан иборат?
3. Тизим ташкил этувчи аҳоли пунктлари – ўзаро боғланган аҳоли пунктлари марказларининг режали тузилмасини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат
4. Урбанизациялашган, суст урбанизациялашган ва урбанизациялашмаган (қишлоқ) зоналарининг жойлашувнинг турли миңтақаларида жойлашган қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий-режали тузилмаларида турли нисбатларини қай тарзда назарда тутиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади?
5. Жойлашувнинг вилоят миқёсидаги тизимида кичик қишлоқлардаги турар-жой қурилиши ва турар-жой ҳудудларидан жадал фойдаланиш тенденциясининг моҳияти нималардан иборат?
6. Посёлканинг компрзион моҳияти нимадан иборат?
7. Композицион яхлитликка қайси йўллар билан эришиш мумкин?

## **Архитектура**

8. Посёлка контурини шакллантирилиши деганда нима тушунилади?
9. Посёлка композицияси шаклланиб улгурган режали тузилмага, эски иморатларга нисбатан белгиланадими?
10. Посёлка композицияси, унинг меъморий жиҳатдан ифодаланганлиги ён-атроф ландшафти, табиий мухитга боғлиқ равишда қандай шакллантирилади?
11. Посёлка меъморий-режали тузилмасини чизиқли (анфиладали) композициясини шакллантириш принципи нималардан иборат?
12. Посёлка меъморий-режали тузилмасини марказга интилган композициясини шакллантириш принципи нималардан иборат?
13. Посёлка меъморий-режали тузилмасини панорамали композициясини шакллантириш принципи нималардан иборат?
14. Посёлка меъморий-режали тузилмасини ўқли композициясини шакллантириш принципи нималардан иборат?

### **Фойдаланган адбаиётлар:**

1. K. T. Chang. Introduction to Geographic Information Systems(8th edition). USA, 2015, english Mc Graw-Hill International Edition.
2. Mohinder S. Grewal , Angus P. Andrews , Chris G. Bartone. Глобальная навигационная спутниковая система. Global Navigation Satellite Systems, Inertial Navigation, and Integration 3rd Edition. USA, 2013, english, Wiley Interscience.
3. Travis Beck. Principles of Ecological Landscape Design. Island 2013.
4. Ловров В.А. «Методика реконструкции городов» Москва, СНиП.
5. ШНК 2.07.01-12.
6. Лола А.М. «Основы градоведения и теории города» 2005.
7. Олењков В.Д. «Градостроительная безопасность». 2007.
8. ШНК 2.07.01-12.
9. <http://www.arhitekto.ru/txt2razv16.shtml>.
10. [http://www.Glazychev.ru/books/mir\\_architectury/glava\\_8/glava\\_08-01.htm](http://www.Glazychev.ru/books/mir_architectury/glava_8/glava_08-01.htm).
11. Principles of Town Planning and Architecture, Marie-Helene Contal, Jana Revedin, Boston,USA,2009.

#### IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

**1-амалий машғулот: Шаҳарсозликда шаҳар, туман ва қишлоқларнинг тоифаланиш тамойиллари.**

**Ишдан мақсад:** Мавжуд режаси билан ишлаш. Тоифаланиш турларини ўрганиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Клаузура иш чизмалари. Аҳолининг ўсиш истиқболини ҳисоблаш.

#### **Қишлоқ фуқароларини йиғини худудини архитектура-лойиҳавий ташкиллаштириш лойиҳаси.**

Қишлоқ фуқоролар йиғини учун комплекс шаҳарсозлик хужжати бўлиб, бу хужжат шаҳарсозлик принципиал масалалари ечимини топади.

Қишлоқ аҳоли пунктларининг лойиҳавий структураси, қишлоқ фуқаролари йиғини худудининг комплекс ривожланиши, функционал лойихалаштириш тўғрига мувофиқлигини ҳисобга олиниши, архитектуравий қиёфасини мукаммаллаштириш, аҳоли яшаш шароитини яхшилаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш, атроф- мухит муҳофазаси, табиий материал ва инсон ресурсларидан умумли фойдаланиш, рекреацион хизмат шакллаштиришни ташкиллаштириш ва мавжудларини ривожлантириш. Қишлоқ аҳоли пунктлари перспектив ривожланиши ва яқин 15-20 йилга анализ қилинади.

#### **Аҳолининг лойиҳавий ўсиш хисоб-китоби**

Аҳоли сонининг ҳисоб-китобини қурилишнинг биринчи 5-7 йиллик навбатини ажратиб кўрсатган ҳолда 15-20 йиллик ҳисоб-китоб муддатига чиқариш лозим.

Аҳоли сонининг ҳисоб-китоби аҳоли пунктлари худудларини ривожлантириш ва тураржой-фуқаролик қурилиши ҳажмларини белгилаш учун асос бўлиб ҳисобланади.

#### **Назорат саволлари:**

1. Аҳоли сонини лойиҳавий хисоби.
2. Уй-жой қурилишини ривожлантириш.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. ШНК 2.07.01-12
2. Исамухамедова Д.У. Исмаилов А.Т., Хотомов А.Т. “Инженерлик ободонлаштириш ва транспорт”. Дарслик., 1 қисм., Тошкент, 2009.

**2-амалий машғулот: Тизимни ташкил этувчи марказларнинг турли иерархик даражада ривожиланиши.**

**Ишдан мақсад:** Тизимни ташкил этувчи марказларни ривожлантириш.

**Масаланинг қўйилиши:** Хўжалик ичидаги қарор топган жойлашувнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳудудий ташкил этилиши билан уйғунлаштириш.

**Бош тарҳ схемасида биринчи навбатда қурилиш ажратиб бериш.**

График тасвирнинг қабул қилинган шаҳарсозлик қарорлари асосида тасвири билан, асосий фикрларни тушунтириш, принциплари ва ишлар кетма-кетлигини уюштириш, иншоот ва тармоқлар (сув таъминоти, оқава сувлари, иссиқлик таъминоти, газ таъминоти, электр таъминоти, ирригация алоқалари) ва қурилишга ажратилган обьектлари қисми, ҳудуд биноларини ташкиллаштириш, ва уларнинг эксплуатацияга топшириш ва унга хизмат кўрнатиш кўзда тутилади.

**Хўжаликлар аро жойлашишнинг шаклланиши.**

Қишлоқ аҳоли пунктлари, жойлаштириш системасининг бирлиги элементи бўлиб, асосида мавжуд бўлган ҳудудий структура асосида шаклланади:

- маъмурий туман;
- қишлоқ фуқаролар йиғини;
- фермерлик бирлашмаси ва агро фирм;
- фермер хўжалиги;
- қишлоқ аҳоли пункти;

Жойлаштиришнинг рационал системаси ишлаб чиқариш ривожланиши ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ривожланиши перспективасига жавоб бериши керак. Шу билан бирга ижтимоий ишлаб чиқариш, инженер-транспорт ва бошқа инфраструктуралар ва маданий-маиший, рекреацион ва меҳнат алоқаларининг қишлоқ фуқаролар йиғини чегарасида шаклланишини ҳисобга олиш керак.

**Назорат саволлари:**

1. Хўжаликларо транспорт алоқалари ташкил қилиш.
2. Хўжаликларо ишлаб чиқариш ва фермер хўжалик тармоқларини шакллаштириш.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. ШНК 2.07.01-12
2. Исамухамедова Д.У. Исмаилов А.Т., Хотомов А.Т. “Инженерлик ободонлаштириш ва транспорт”. Дарслик., 1 қисм., Тошкент, 2009.

**З-амалий машғулот: Қишлоқ фуқоролар йиғинлари худудларини замонавий тизимининг кўриниши.**

**Ишдан мақсад:** Мавжуд холат кўринишини ўрганиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Қишлоқ аҳоли пунктларининг асосий дастлабки маълумотларини чуқур тахлил қилиш.

**Қишлоқ аҳоли пункти чегараси**—Қишлоқ аҳоли пункти ташқи чегараси, қишлоқ аҳоли пунктини бошқа туркум (категория) ерлардан ажратиш.

**Ер участкаси** – ер сирти қисми, аниқ чегараларга, майдонига, худудий статусга ва бошқа характеристикаларга эга, давлат ер кадастри ва давлат рўйхатига эга.

**Умумий фойдаланиш ҳудуди** – аҳолиниг барча қисми чекланмаган тарзда фойдаланадиган ҳудуд, тураг жойдан ташқари–майдонлар, кўчалар, тураг жой кварталлари – скверлар, тор кўчалар.

**Қурилиш қизиги ва чегарасини тартибга солиши**—қурилиш чегараси, бинолар, иншоотлар ва иморатлар жойлаштириш вақтида белгиланади, қизил чизикдан орқада ёки лойихаланаётган бино ва иншоотлар ташқи контурлари ёки ер участкалари чегараси.

**Якка тартибдаги уй-жой қурилиш обьектлари** – алоҳида турган ёки блокли бир-икки қаватли тураг жойлар, бир оила яшаш учун мўлжалланган алоҳида ер участкасида жойлашган.

**Блокли тураг жой-2** қаватдан ошмаган шахсий тураг жойлар, бир неча блоклардан иборат, ҳар бир блок бир оила учун, умумий деворга эга бўлган қўшни блокларга эшик ўрнисиз, алоҳида ер участкасида ва умумий фойдаланиш ҳудудига чиқишга эга.

**Шаҳарсозлик**—аҳоли пунктларининг планировка ва қурилиши теория ва практикаси, аҳоли аро пунктлари оралиғи ҳудуди, социал-иктисодий, қурилиш-техник, архитектура-бадиий ва санитар-гигиеник комплекс ечимини тақдим этади.

**Шаҳарсозлик фаолияти** – давлат органлари фаолияти, юридик ва жисмоний шаҳсларнинг, аҳоли пунктларининг ҳудудларини шаҳарсозлик режалаштирилишини ривожлантириш, ер участкаларини фойдаланиш турини аниқлаш, қурилиш ишлаб чиқариш, бино ва иншоотлар ва бошқа обьектларнинг, қурилиш ва реконструкциясини, аҳоли эҳтиёжини ҳисобга олиб лойихалаш, ижтимоий ва давлат эҳтиёжларини, шу билан бирга, миллий, тарихий-маданий, экологик, табиий хусусиятларини ҳисобга олиш.

**Шаҳарсозлик ҳужжатлари**—ҳудудларнинг ривожланиш планининг ўрнатилган тартибда тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатлари, аҳоли пунктларини ва уларнинг қурилиши.

**Тураг-жой зonasи**—якка тартибдаги шахсий тураг жойларнинг қурилиши ва ҳовли-жойида, мол ва парранда боқиши ҳуқуки бўлган ҳудуд.

**Кўча, майдон**—умумий фойдаланиш ҳудуди, қизил чизиклар билан чегараланган кўча - йўл тармоғи;

## [Архитектура](#)

**Кўкаlamзор худуд** – аҳоли яшаш пункти худудининг сунъий яратилган боб-парк комплекслари ва объектлари – боб, парк, тура жой, жамоат-хизмат ва бошка худудлар зонаси, яшил ўсимликлар ва бошка ўсимликлар коплами булган худуд кисми.

**Шахарсозлик зоналари** – кишлек аҳоли пунктларини чегаралаш ва шахарсозлик регламентларини ер участкалари ва капитал курилиш объектлари зонасида татбик этиш.

**Пиёдалар зонаси** – пиёдалар харакатлари учун белгиланган худуд, транспорт харакати такикланган хизмат курсатишга белгиланган транспортдан ташкари.

**Автоманзилгоҳлар** – автомобиль тўхташ ва сақлаш учун мўлжалланган очиқ худуд.

### **Назорат саволлари:**

1. Хўжаликлар аро жойлаштириш ва унинг шакллаштириш.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. ШНК 2.07.01-12.
2. Исамухамедова Д.У. Исмаилов А.Т., Хотомов А.Т. “Инженерлик ободонлаштириш ва транспорт”. Дарслик., 1 қисм., Тошкент, 2009.

### **4-амалий машғулот: Тошкент вилояти, юқори чирчиқ тумани, “Барданқўл” қишлоқ фуқаролар йиғини лойиҳаси.**


**Ишдан мақсад:** Мавжуд холат кўринишини ўрганиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Қишлоқ аҳоли пунктларининг асосий дастлабки маълумотларини чуқур таҳлил қилиш.

Қишлоқ аҳоли пунктларини қисқа муддатларда ва кам харажатлар билан, якка тартибдаги уй-жой қурилиши ривожланишини, қишлоқ инфратузилмасини яхшилашни ҳисобга олган ҳолда шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминлаш учун бош режаларни “доналаб” ишлаб чиқишдан қишлоқ фуқаролар йиғини худудини меъмарий-режали ташкиллаштириш (ҲМРТ) бўйича комплекс лойиҳасини ишлаб чиқишига ўтиш зарур. Ушбу лойиҳада қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги барча қишлоқ аҳоли пунктларининг схематик бош режалари ишлаб чиқилади, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уй-жой фонди, ижтимоий ва муҳандислик инфратузилма масалалари ҳал қилинади.

ҲМРТ лойиҳаси–комплекс шаҳарсозлик ҳужжати бўлиб, ҳар бир аҳоли пунктининг ривожланиш истиқболлари ечими учун асос бўлиб хизмат қиласи. У қишлоқ фуқаролар йиғини ёки қишлоқ хўжалик корхонасининг бутун худуди, жумладан қишлоқ аҳоли пунктлари, ишлаб чиқариш худудлари, муҳандислик иншоотлари участкалари, қишлоқ хўжалик ерлари ва ш.к. учун ишлаб чиқилади. Бу ҳужжат ижтимоий-иктисодий зарурати тасдиқланмаган объектлар қурилишини истисно қиласи ва, ниҳоят, қишлоқ фуқаролар йиғини худудининг меъморий-





### Назорат саволлари:

- Худудни меъморий режавий ташкиллаштириш клаузурасида дастлабки асосий маълумотлар ичигага қандай вазифалар қўйилган?
- Жамоат бинолари ҳақида маълумот, ишлаб чиқариш обьектлари тўғрисида маълумот, мухандислик тармоқлари тўғрисида тўлиқ маълумот беринг?

### Фойдаланилган адабиётлар:

- ШНК 2.07.01-12
- Исамухамедова Д.У. Исмаилов А.Т., Хотомов А.Т. “Инженерлик ободонлаштириш ва транспорт”. Дарслик., 1 қисм., Тошкент, 2009.

## 5-амалий машғулот: Қишлоқ бош тархини ишлаш.

**Ишдан мақсад:** Бош тархларни ишлашда тартибга солиш ноқонуний қурилишни олдини олиш.


**Масаланинг қўйилиши:** Бош тарх ишлашда амал килинадиган меъёрий хжжатлар.

### Асосий вазифалар:

- Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши объектларининг ер қурилиши лойиҳаси ва қишлоқ хўжалик корхонасини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш прогнози билан уйғунлаштирилган ҳолдаги истиқболдаги тараққиётини, ушбу объектлар асосларининг жойлаштирилиши ва режалаштирилишини белгилаш;
- хўжалик ичида қарор топган жойлашувнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳудудий ташкил этилиши билан уйғунлаштирилган ҳолдаги реконструкцияси;
- қишлоқ хўжалик корхонаси аҳолиси, шу жумладан, ҳар бир аҳоли пункти бўйича аҳолининг лойиҳадаги сонини белгилаш;
- қишлоқ хўжалик корхонаси ҳудудида маданий-маиший хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этиш;
- фуқаролар учун уй-жойлар ва ишлаб чиқариш мақсадидаги қурилиш учун зарур ҳажмларни ва улар жойлаштириладиган жойларни белгилаш;
- хўжалик ичидаги транспорт-пиёдалар коммуникацияларини ташкил қилиш;
- аҳоли пунктларининг қишлоқ хўжалик корхонаси доирасидаги муҳандислик таъминоти, ободонлаштирилиши ва ландшафтнинг шакллантирилиши бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;
- аҳоли сонидан қатъий назар аҳоли пунктларини режалаштиришнинг принципиал схемаларини ишлаб чиқиш;
- атроф муҳитни ҳимоя қилиш, табиат, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.

Санаб ўтилган вазифаларнинг ҳал этилиши вариантли асосда бажарилиши лозим, табиат ва бошқа ресурсларга энг кам зарар етказган ҳолда қишлоқ аҳолиси турмушининг юксак ижтимоий-иктисодий даражасига эришиш уларни баҳолаш мезони ҳисоблана

**Қишлоқ аҳоли пунктлари учун шаҳарсозлик хужжатлар ишлаб чиқишининг кетма – кетлиги.**



#### **Назорат саволлари:**

1. Қишлоқлар аҳоли пунктларини учун шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиши кетма-кетлиги.
2. Хизмат кўрсатиш корхона ва муассасаларини режалаштиришни ташкил этиши.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. ШНК 2.07.01-12
2. Исамухамедова Д.У. Исмаилов А.Т., Хотомов А.Т. “Инженерлик ободонлаштириш ва транспорт”. Дарслик., 1 қисм., Тошкент, 2009.

**6-амалий машғулот: Янги иш жойларини ташкиллаштириш ва ишлаб чиқариш ҳудудини шаклланиши.**

**Ишдан мақсад:** Янги иш жойларини яратиш аҳолини иш билан таъминлаш.

**Масаланинг қўйилиши:** Мавжуд иш ўринларии ўрганиш. Керакли иш жойларини келтириб бериш.

## Худудни ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил қилиш

1. Қишлоқ хўжалик корхонасини турли ҳудудий даражалар тизими:

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўз чегаралари доирасида, маъмурий қишлоқ хўжалик тумани, вилояти ёки унинг бир қисми доирасида, минтақа доирасида ва, нихоят, Республика агросаноат комплекси доирасида ташкил этилишидан иборат агросаноат комплексининг элементи сифатида лойиҳалаштириш керак бўлади.

2. Корхонанинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этишининг ўзига хос хусусиятлари минтақанинг тарихий қарор топган ва табиий шартшароитлари асосида умумий Республиkanинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантирилиши прогнозини ҳисобга олган ҳолда қўйидаги асосий масалаларни ҳал қилиб белгиланади:

-қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ихтисослашувини белгилаш;

-қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишлаб чиқариш бўлинмаларини жойлаштириш;

-хўжалик ичидаги магистраль йўл тармоғини жойлаштириш;

-янги ерларни аниқлаш ва ўзлаштириш, мавжуд суғориш ва коллектор-дренаж тармоғини реконструкциялаш, ерлар рекультивацияси, эрозияга қарши тадбирлар;

### **Ишлаб чиқариш мақсадидаги обьектлар билан қишлоқдаги аҳоли пунктлари ўртасидаги санитария ҳимоялаш зоналари**

Ишлаб чиқариш комплекслари ва уларнинг обьектлари	Санитария ҳимоялаш зонаси кенглиги, м
1	2
Сут, сут-гўшт ва гўшт етиштирадиган йирик қорамол фермалари 400 бош сигиргача	100
Ёш қорамолларни парваришилаш, боқиши ва бўрдоқига боқиши ҳамда йирик қорамолларни бўрдоқига боқиши фермалари, 2 минг бошгача	200
Кўйчилик фермалари	
3 минг бошгача	200
3 минг бошдан ортиқ	300
Йилқичилик фермалари	100
Паррандачилик хўжаликлари	
30 минг бошгача	300
Ҳайвонотчилик ва қуёнчилик фермалари	300
Ветеринария шифохоналари	300
Иссиқхона-парник хўжаликлари:	
(техник усулда сув, буғ, газ, электр ёрдамида иситиш)	50
биологик усулда иситиш (гўнг билан)	100
шундай усулда иситиш (ахлат билан)	300
Озуқа ишлаб чиқариш комплекслари:	
озик-овқат чиқитларидан фойдаланмасдан	50
озик-овқат чиқитларидан фойдаланиб	100
Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган комплекслар: сутни	50
корамол ва паррандани (утильцеҳларсиз), донли ва мойли экинларни, картошкани, сабзавот ва меваларни	100

## Архитектура

Ишлаб чиқариш комплекслари ва уларнинг обьектлари	Санитария химоялаш зонаси кенглиги, м
1	2
қорамол ва паррандани (утильзехлар билан) жун, мўйнали терилар ва ўсимлик толаларини (зигирпояни, кунжутни ва бошқаларни)	300 300
Қишлоқ хўжалик машиналари ва автомобилларни таъмирлаш, техника хизмати кўрсатиш ва сақлаш комплекслари	100
Маҳаллий хомашёдан қурилиш материаллари, конструкциялар ва буюмларни тайёрлаш обьектлари: қамиш, похол, фибролит, гипсли ва сомонли буюмлар, тупроқли блоклар, ёғоч конструкциялардан бетон ва темир-бетон буюмлар ва конструкциялар, лой ва силикат ғиштдан, сопол ва ўтга чидамли буюмлардан оҳак ва бошқа боғловчи материаллардан	50 100 300
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва материалларни омборлаш ва сақлаш обьектлари: дон омборлари, картошка, сабзавот ва мевалар сақланадиган жойлар тошкўмир, торф, ёғоч материаллари ва ўтинлар, осон ёнадиган ва ёнилғи суюқликлари, дағал хашак, тортилмаган дон ва ўсимлик толасининг сарфланадиган базисли омборлари	50 100
Омборлар: маъданли ўғитлар ва заҳарли моддалар биргаликда сақланадиган вилоят аҳамиятига эга омборлар катта захирадаги кимёвий моддалар билан фақат маъданли ўғитларни сақлаш учун хўжалик ичидаги омборлар (кам микдордаги маъданли ўғитлар ва захарли моддалар сақланадиган) темир йўл бўйидаги одамларнинг ҳар доим бўлиши билан боғлиқ бўлмаган заҳарли моддалар ва маъданли ўғитларни биргаликда сақлашга мўлжалланган ҳар қандай мақсаддаги станциялар қошидаги бинолар ва иншоотлардаги омборлар даволаш-профилактика муассасаларигача	500 200 200 200 500
Хўжалик ҳовлилари	50

Вилоятлар	Мехнатга лаёкатли ёшдаги аҳоли, % % ларда	Оиланинг ўртacha таркиби, киши
Қорақалпоғистон Республикаси	42,2	5,8
Андижон вилояти	47,0	5,4
Бухоро вилояти	44,7	5,9
Жиззах вилояти	44,3	5,5
Қашқадарё вилояти	43,4	5,8
Навоий вилояти	44,1	5,9
Наманган вилояти	45,4	5,2
Самарқанд вилояти	44,0	5,7
Сурхондарё вилояти	43,8	5,9
Сирдарё вилояти	44,9	5,5
Тошкент вилояти	47,3	5,4
Фарғона вилояти	46,4	5,3
Хоразм вилояти	42,1	6,2
Ўзбекистон Республикаси бўйича	44,58	5,65

**Изоҳ:** Жадвал маълумотлари лойиҳалаштиришга доир топширикка кўра аниқлаштирилади.

**Кейс №1 Шаҳарсозликда шаҳар, туман ишлөқ тархий таркибининг замонавий холати.**

